

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**А.ҚОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

«Умумий тарих» кафедраси

«Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари проректори
_____доц.Б.Мамажонов
«28» август 2008 йил

ЯНГИ ТАРИХ
фанидан ишчи

ДАСТУР

Билим соҳаси: 100 000 - Таълим
таълим соҳаси: 140 000 - Ўқитувчилар тайёрлаш
ва педагогика фани

Бакалавриат йўналишлари: 514 06 00 - Тарих

Жиззах – 2008

Тузувчи:

доц.Миркоммлов Б

Такризчилар:

тарих фанлари номзоди доцент М.Пардаев.

тарих фанлари номзоди доцент Р.Нуркулова

-Ушбу ишчи ўқув Дастури 5140600 “Тарих” таълим йўналиши учун “Янги тарих” фанига мўлжалланган бўлиб, Ўз.Р.О ва УМТВ томонидан 2008 йилда тасдиқланган. ДТСдаги маълумотлар билан тўлдирилган ҳолда, 2006 йил 13 август №186 рақам билан тасдиқланган намунавий ўқув дастури асосида тузилган.

-Дастур А.Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институти “Умумий тарих” кафедраси йиғилишининг 28.08.08 кўриб чиқилган ва тасдиқланган. (№1 баённомага эга).

Институт Илмий Кенгашида 29.08.08 кўриб чиқилган ва тасдиқланган. (№1 баённомага эга).

Фаннинг номи: Янги тарих

Факультет: Тарих

Кафедра: Умумий тарих

Курснинг хажми: ____ соат маъруза, ____ соат амалий машгулот,

Асосий

аудитория: бакалавриат (4-5-6семестр)

Укитиш шакли: маърузалар, амалий машгулот, укув бахс-мунозаралари, давра суҳбатлари.

Укув методи: Ахборотли тушунтириш, изланувчанлик, интерфаол, ижодий.

Укув натижалари

устидан назорат: Бакалавриат аудитория машгулотлари, бахс-мунозаралар, саволномалар, тестлар тузиш ва уни ечиш жараёнида фаол иштирок этишлари, индивидуал ишлашлари, ёзма иш такдим қилишлари лозим.

Янги тарих (Европа ва Америка). (1640-1871 йиллар)
III-курс V-семестр. Маъруза -50 соат, Семинар -52

	Мавзулар номи.	Ваъз	Амалий машгуло	Жами
1	Кириш.	2		2
2	<u>XVII – XVIII асрларда Ғарбий Европадаги инқилоблар ва давлатчилик тараққиёти.</u>	14	14	28
3	<u>1 мавзу:</u> Буюк инглиз инқилоби (XVII аср).	4	4	8
4	<u>2-мавзу:</u> Франция XVIIасрнинг иккинчи ярми —XVIII асрда.	4	4	8
5	<u>3-мавзу:</u> Герман давлатлари. Пруссия (XVII иккинчи ярми — XVIII аср).	4	4	8
6	<u>4-мавзу:</u> Габсбурглар монархияси XVII асрнинг иккинчи ярми —XVIII асрларда.	2	2	4
7	<u>Шимолий Америкадаги мустақиллик урушининг ва Франция инқилобининг ахамияти ва халқаро муносабатларга таъсири.</u>	12	12	24
8	<u>1-мавзу.</u> Шимолий Америкада мустақиллик учун уруш. АҚШнинг ташкил топиши.	4	4	8
9	<u>2-мавзу:</u> Буюк Француз инқилоби.	4	4	8
10	<u>3-мавзу:</u> Франция Консуллик ва Биринчи империя даврида	4	4	8
11	<u>4-мавзу:</u> Италия XVII-XIX асрларда.	4	4	8
12	<u>XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европа ва АҚШ тараққиёти.</u>	14	14	28
13	<u>1- мавзу:</u> Халқаро муносабатларнинг «Вена тизими». Мустамлакачилик сиёсати.	4	4	8
14	<u>2-мавзу:</u> Европада 1848-1849 йиллар инқилоблари	6	6	12
15	<u>3-мавзу:</u> АҚШ XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг I – ярмида	4	4	8
16	<u>4-мавзу:</u> Россия XVII-XIX асрларда	2	4	6
17	<u>5-мавзу:</u> Латин Америкаси мамлакатлари XIX асрларда.	4	4	8
	<u>Жами:</u>	50	52	102

**I- модуль: XVII – XVIII асрларда Ғарбий Европадаги
инқилоблар ва давлатчилик тараққиёти.**

1 мавзу. Буюк инглиз инқилоби (XVII аср).

Ажратилган вақт: 4-соат.

Абсолют монархия, пуританизм, англикан черкови, пресвитерианлар, индепендентлар, роялистлар, О.Кромвел протекторати, Стюартлар реставрацияси. Инқилоб арафасида Англия иқтисодий – ижтимоий- сиёсий ҳаёти ва шу жабхаларда юз берган илғор ўзгаришлар, ички қарама-қаршиликлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

2-мавзу. Франция XVIIасрнинг иккинчи ярми —XVIII асрда.

Ажратилган вақт: 4 соат.

Абсолютизм, Фронда ҳаракати, кальбертизм, гугенотлар, француз маърифатпарварлиги. Франциянинг янги даврдаги иқтисодий ҳаёти, ижтимоий муносабатлар, абсолют монархиянинг таянчларини ёритиш.

**3- мавзу. Герман давлатлари. Пруссия (XVII иккинчи ярми —
XVIII аср).**

Ажратилган вақт: 4 соат

Вестфаль сулҳи, сиёсий тарқоқлик, муқаддас Рим империяси, курфюрстлар коллегияси, умумгерман рейхстаги, немис маърифатчилиги. Немис давлатлари сиёсий, иқтисодий тарқоқлигининг асосий сабаблари, қўшни монархиялар таъсирига тушиб қолиши ва бунинг салбий оқибатларини ёритиб бериш.

**4 мавзу. Габсбурглар монархияси XVII асрнинг иккинчи ярми
—XVIII асрларда. Ажратилган вақт:2-соат.**

Халқлар турмаси, Габсбурглар, немислаштириш, Австрия – Туркия урушлари, сейм, яacobинчилар, шовинизм «маърифатли абсолютизм». Австрия империясининг XVII асрнинг II – ярмидаги давлат бошқаруви, ишлаб чиқариш, миллий ва ижтимоий муносабатларни тушунтириш.

Шимолий Америкадаги мустақиллик урушининг ва Франция инқилобининг аҳамияти ва халқаро муносабатларга таъсири.

1- мавзу. Шимолий Америкада мустақиллик учун уруш. АҚШнинг ташкил топиши.

Ажратилган вақт: 4 соат

Индеецлар, инглиз колониялари, Б.Франклин, Т. Жеферсон, Ж.Вашингтон, 7-йиллик уруш, «Бостон чойхўрлиги», биринчи контингентал конгресс, Саратога жанги, АҚШ конституцияси. Инглиз мустамлакларининг ижтимоий, иқтисодий тараққиёти, европаликлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги муносабатлар, иммигрантларнинг тафаккури ва Англия қироллигидан мустақил бўлишга интилишларини тушунтириш.

2 - Мавзу: БУЮК ФРАНЦУЗ ИНҚИЛОБИ.

Ажратилган вақт : 4соат

Генерал штатлар, учинчи табақа, миллий таъсис мажлиси ислохатлари, жирондистлар, якобинчилар, коалиция қўшинлари, термидор воқеалари, директориянинг ички ва ташқи сиёсати. Француз инқилобининг сабаблари монархистлар ва республикачилар ўртасидаги кураш, монархиянинг афдалилишини тушунтириш.

3- мавзу: Франция Консуллик ва Биринчи империя даврида

Ажратилган вақт:4-соат.

Консуллик, авторитар тузум, Наполеон кодекслари, биринчи империя, Европадаги урушлар, Тильзит сулҳи, Бородино жанги, Коалиция, Лейпциг жанги. Н.Бонапарт диктаторлик тузуми ички ва ташқи сиёсати оқибатларини ёритиш.

4-мавзу: Италия XVII-XIX асрларда (4 соат)

Утрехт сулҳи, Мушт жамияти, “Маърифатли абсолютизм”, муътадил либераллар, революцион вазият, “Минг аскар”, Италиянинг бирлашуви.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европа ва АҚШ тараққиёти.

1- мавзу: Халқаро муносабатларнинг «Вена тизими».

Мустамлакачилик сиёсати.

Ажратилган вақт: 4 соат

Вена конгресси, иттифоқчилар позицияси, Франция янги мулкларининг бўлиниши, Герман иттифоқи, муқаддас иттифоқ, Николай I, Меттерних сиёсати, Европа жандарми, Пруссиянинг кучайиши. Вена конгрессидан кейинги халқаро ҳаёт, муқаддас иттифоқ фаолияти Вена тизими емирилиши сабабларини ўрганиш.

2-мавзу. Европада 1848-1849 йиллар инқилоблари

Ажратилган вақт: 6 соат

Инқилобий вазият, миллий муаммолар, июл монархияси, Люксембург комиссияси, ижтимоий – сиёсий ҳаракатлар, иккинчи империя, Бисмарк фаолияти, Франкфурт парламенти, Италия бирлашуви учун кураш. XIX аср ўрталарида Европада инқилоблар сабабларини ёритиш.

3- мавзу. АҚШ XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг I – ярмида

Ажратилган вақт: 4 соат.

Саноат инқилоби, фермерлик хўжалиги, қулдорчилик тизими, икки партияли тизим, анексия ва экспансия, Мексикага қарши уруш, Монро докторинаси, аболиционизм ҳаракати. АҚШ ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётининг ўзига хос жиҳатлари ва тараққиёти сабабларини ёритиш.

4-мавзу: Россия XVII-XVIII асрларда. 2 соат.

Россия XVII асрда. Ташқи сиёсат. Петр I ҳукмронлигининг бошланиши. Шимолий уруш. Екатерина II нинг “Маърифатли абсолютизм”. XIX асрнинг I ярмида Россия.

5-мавзу: Лотин Америкаси мамлакатлари XVII-XIX асрларда (4 соат)

Испания мустамлакачилик империяси. Бразилия мустамлакачилиги. Католик черкови. Англия-Испания рақобати. Каудильизм, фуқаролар урушлари. АҚШнинг Мексикага тажовузи. Лотин Америкаси мамлакатларида миллий озодлик ҳаракати ва Лотин Америкаси давлатларининг ташкил топиши тушунилади. Лотин Америкаси экономикасига чет эл капиталлари кириб кела бошлаганлиги тушунилади.

IV. Курс ишлари тематикаси

№	Курс ишларининг мавзулари
1	XIX аср охири ва XX аср бошларида Польша давлати
2	XIX аср охири ва XX аср бошларида Шимолий Европа мамлакатлари
3	Янги тарихнинг иккинчи даврида фан ва маданият
4	XVIII аср охирида Франциядаги парламент кескинлиги
5	Наполеон Бонапарт ва унинг даврида Франция
6	Жахон халқлари тарихи янги даврнинг биринчи босқичида халқаро муносабатлар
7	XVII-XVIII асрларда Испания
8	XIX асрнинг биринчи ярмида Лотин Америкаси
9	XVII асрнинг иккинчи ярмида Англия
10	1900-1914 йилларда Греция
11	Биринчи жахон уруши арафасида халқаро муносабатлар
12	XIX аср хири XX аср бошларида славян халқлари
13	1900-1914 йилларда Италия
14	Биринчи жахон уруши даврида Европа мамлакатларидаги ички ашвол
15	Россияда монарциянинг ағдарилиши.
16	Шимолий Америкада мустақиллик учун кураш
17	1870-1914 йилларда Скандинавия мамлакатлари
18	1898-1914 йилларда халқаро муносабатлар
19	XVIII асрда Лотин Америкасида янги давлатларнинг ташкил топиши
20	Хитой Цин династияси ҳукумронлиги остида
21	Афъюн урушлари
22	Япониянинг ташқи дунёдан ажратилиши
23	Япониянинг зўрлаб очилиши ва 1867-1868 йилларда Япониядаги буржуа ўзгаришлар
24	XVII аср ўрталари XIX асрнинг биринчи ярмида Индонезиянинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ашволи
25	Хиндистонга чет эл давлатларининг кириб келиши
26	Англиянинг Хиндистондаги мустамлакачилик сиёсати
27	Хиндистонда 1857-1859 йиллардаги миллий-озодлик ҳаракати
28	Хитойнинг ярим мустамлакага айлантририлиши
29	XX аср бошида Хитой. Хитойда 1911-1913 йил инқилоби
30	Биринчи жахон уруши йилларида Япония

31	Биринчи жахон уруши йилларида Хиндистон
32	XIX аср охири ва XX аср бошларида Афғонистон давлатининг ички ва ташқи сиёсати
33	1914-1918 йилларда Туркия
34	Биринчи жахон уруши йилларида Эрон
35	Эрондаги бобийлар қўзғолони ва унинг тарихий ахамияти
36	XVII аср охирларида Туркияда Салим III ислохотлари
37	XIX асрнинг 60-80 йилларида Японияда буржуа реформалари
38	1905-1911 йиллардаги Эрон революцияси

V. АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг Ўз истиқлол ва тараққиёт йўли Т., Ўзбекистон 1992 й
2. Каримов И.А. Ўзбекистон-миллий истиқлол, иқтисод сиёсат, мафкура Т., Ўзбекистон, 1996 й 1 том
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ... Т., Ўзбекистон, 1998 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда Т., Ўзбекистон, 1998 й
5. Каримов И.А. Хушёрликка даъват Т., Ўзбекистон 1999 й
6. Каримов И. Оллох қалбимизда ва юрагимизда Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999.
7. Каримов И Ватан озодлиги-олий саодат, Тошкент “Ўзбекистон”, 1999
8. Берг. И.А. «Великая Английская революция в портретах её деятелей» М., 1991 г.
9. Коленгвуд Р.Д, «Идея истоии» М., 1980 г
10. Исторические портретў, деятелей исторической мўсли М., 1990 г
11. Новая история стран Европў и Америки первўй период под.ред. Е.Е.Юровский и И.М.Кривогуза М., 1998 г
12. Сборник документов по истории нового времени. Буржуазнўе революции XVII-XVIII в. под.ред. В.Сироткина М., 1998 г
13. Новая стран Европў и Америки. Первўй период под.ред. А.В.Адо. М., 1986 г
14. Сананов С.Д. «Воспоминания» М., 1991
15. Сборник документов по истории нового времени стран Европў и Америки
16. (1640-1870 гг) состав Е.Е.Юровская М., 1990 г
17. Краткая история США М., 1993
18. Согрин В.В. Джефферсон. Человек, мўслитель, политик. М., 1989
19. Яковлев Н.Н. Вашингтон М., 1976
20. История США 1-4 том. М., 1987
21. М.Монфред, А.З.Наполеон Бонапарт. М., 1986
22. Манфред А.З. История Франции М., 1973
23. Молчанов Н.Н. Генераль де Голль М., 1980
24. История Франции 3х томах М., 1973
25. Сюрад Д.Наполеон и Гитлер сравнительная биография Смоленск 1995
26. Гумилев А.Н. От руси к России очерки этнической истории М., 1993
27. Тарле В.Е. Нашествие Наполеона в Россию М., 1993
28. Новое истории стран Европе и Америки М., 1998
29. История США М., 1998 г
30. Наполеон Бонапарт М., 1986 г
31. Новая история стран Европў и Америки первўй, второй период М., 1998
32. Оболенская С.В. Франко-прусская война и общественные мнения Германии и России М. 1977 г.
33. Новая история 1640-1870 под. ред. А.А.Нарочницкого. М.1986 г.

34. Новая история 1871-1917 гг. под. ред. Н.Е.Овчаренко
35. Антюхина - Московченко В.И. История Франции 1870-1918 М. 1963 г
36. Дементьев Ю.П. Политика Франции в Индокитае и образование Индокитайского Союза (1858-1907) М. 1975 г
37. Практикум по новой истории 1870-1917 гг. Сост. Н.И.Кочегарова М. 1989 г.
38. Желумбовская Э.В. Крушение Второй империи и возникновение Третьей республики во Франции. М. 1956 г
39. Капустин Б.Т. Глобальнѐе проблемѐе Мирового общественного развития. М. 1991 г
40. Всемирная история с древнейших времен до наших дней. Под. ред. Г.Б.Поялка М.1997 г
41. Губер А.А., Ким Г, Хейфец А.А. Новая история стран Азии и Африки М., 1982
42. История Тропической Африки М., 1981 г
43. История стран Азии и Африки в новое время Учебник Редкал Ф.М. Ацамба и др. М., 1919
44. История Ирана М., 19Новая история Ветнама М., 1980
45. Новая история Китая М., 1972
46. Развитие капитализма в арабском мире М., 1988 г
47. Внешняя политика государства Цинь в XVII Наука 1977
48. Чигеров А.И. Экономическое развитие Индии перед английских завоеваниям, М., Наука 1965
49. Арабаджян З. Иран: власть, рфеормѐе, революции (XIX-XX вв) М., 1991
50. Битнер Т. история Африки с древнейших времѐен М., 1991
51. Внешнеэкономическое связи Османской империи в новое время (конец XVIII- начале XX вв) М., 1989 г
52. Новая история Китая М., 1972 г
53. Очерки новой истории Японии (1640-1917 гг) М., 1958
54. Новая история Ирана Хрестоматия М., 1988
55. История гражданского колониализма в Африки М., 1963

**Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги
А.Қодирий номи Жиззах Давлат педагогика институти**

“Тарих” факультети

“Тасдиқлайман»

Ўқув ишлари проректори

доц.Б.Мамажонов

« _____ » _____ 2008 йил

"ЯНГИ ТАРИХ"

фани бўйича замонавий педагогик технология асосида езилган

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

(1640-1871 йиллар)

Билим соҳаси: 100 000 - Таълим
таълим соҳаси: 140 000 - Ўқитувчилар тайёрлаш
ва педагогика фани

Бакалавриат йўналишлари: 514 06 00 - Тарих

Жиззах-2008

АННОТАЦИЯ

Инглиз буржуа инқилоби (1640-42й.), Европа ва Америка мамлакатларида буржуа ва буржуа-демократик инқилоблар, республикачилик бошқарувининг ырнатилиши. Лотин Америкасидаги миллий озодлик ҳаракатлари ва уларнинг натижалари: марказлашган давлатларнинг ташкил топиши, мустамлакачилик сиёсати ва дунёни қайта былиш. Биринчи жамоа урушининг сабаблари, бориши ва натижаси. Россия империализми хусусиятлари ва унинг қулаши. Янги тарихий даврда Европа ва Америка мамлакатларининг илмий-техник ва маданий ривожланиши. Осиё ва Африка мамлакатларининг илмий-техник ва маданий ривожланиши. Осиё ва Африка мамлакатларининг XVII аср ырталаридан 1918 йилгача былган даврда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ашволи, мустамлака ва ярим мустамлакага айланиш масалалари. Осиё ва Африка мамлакатлари ҳалқларининг миллий озодлик ҳаракатлари.

Тузувчи: доц.Миркомилов Б

Тақризчилар: доц.Пардаев
М., “Ўзбекистон
тарихи”
кафедраси
муриди
доц.Нуркулова
Р

Маърузалар матни А.Қодирий номли ЖДПИ Тарих факультети
“Умумий тарих” кафедрасининг 28 август 2008 йилдаги №1 сонли
мажлисида кўриб чиқилган.

Ушбу ўқув – услубий мажмуа амалдаги дастурлар асосида тайёрланиб, *тарих* таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга мўлжалланган. Унда замонавий педагогик технология тизимига суянган ҳолда мавзулар модулларга бирлаштирилиб, дарс ва идентив ўқув мақсадлари, мавзу бўйича кўриб чиқилиши зарур бўлган муаммолар, ҳар бир мавзу бўйича муҳокама учун саволлар, тест топшириқлари, амалий машғулотлар режалари, амалий машғулотларни тайёрлаш бўйича услубий тавсияномалар, талабалар мустақил бажариши зарур бўлган топшириқлар, ҳар бир модул бўйича якуний машғулотда чиқариладиган хулосалар, назорат саволлари, тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхатлари берилган.

Мажмуада XVII – XIX асрларда Европа ва АҚШда юз берган кескин ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, маданий ўзгаришлар, инқилоблар халқаро урушлар ва ушбу мамлакатлар тараққиётига хизмат қилган тарихий омиллар ҳақида баён қилинган.

Янги тарих (Европа ва Америка). (1640-1871 йиллар)
III-курс V-семестр. Маъруза-50 соат, Семинар-52

	Мавзулар номи.	Ваъз	Амалий машгуло	Жами
1	Кириш.	2		2
2	<u>XVII – XVIII асрларда Ғарбий Европадаги инқилоблар ва давлатчилик тараққиёти.</u>	14	14	28
3	<u>1 мавзу:</u> Буюк инглиз инқилоби (XVII аср).	4	4	8
4	<u>2-мавзу:</u> Франция XVIIасрнинг иккинчи ярми —XVIII асрда.	4	4	8
5	<u>3-мавзу:</u> Герман давлатлари. Пруссия (XVII иккинчи ярми — XVIII аср).	4	4	8
6	<u>4-мавзу:</u> Габсбурглар монархияси XVII асрнинг иккинчи ярми —XVIII асрларда.	2	2	4
7	<u>Шимолий Америкадаги мустақиллик урушининг ва Франция инқилобининг ахамияти ва халқаро муносабатларга таъсири.</u>	12	12	24
8	<u>1-мавзу.</u> Шимолий Америкада мустақиллик учун уруш. АҚШнинг ташкил топиши.	4	4	8
9	<u>2-мавзу:</u> Буюк Француз инқилоби.	4	4	8
10	<u>3-мавзу:</u> Франция Консуллик ва Биринчи империя даврида	4	4	8
11	<u>4-мавзу:</u> Италия XVII-XIX асрларда.	4	4	8
12	<u>XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европа ва АҚШ тараққиёти.</u>	14	14	28
13	<u>1- мавзу:</u> Халқаро муносабатларнинг «Вена тизими». Мустамлакачилик сиёсати.	4	4	8
14	<u>2-мавзу:</u> Европада 1848-1849 йиллар инқилоблари	6	6	12
15	<u>3-мавзу:</u> АҚШ XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг I – ярмида	4	4	8
16	<u>4-мавзу:</u> Россия XVII-XIX асрларда	2	4	6
17	<u>5-мавзу:</u> Латин Америкаси мамлакатлари XIX асрларда.	4	4	8

	Жами:	50	52	102
--	--------------	----	----	-----

I- модуль: XVII – XVIII асрларда Ғарбий Европадаги инқилоблар ва давлатчилик тараққиёти.

1 мавзу. Буюк инглиз инқилоби (XVII аср).

Ажратилган вақт: 4-соат.

Асосий саволлар.

1. Инқилоб арафасида Англия
2. Инқилобнинг бошланиши ва унинг оқибатлари.
3. Оливер Кромвель протекторати ва монархиянинг қайта тикланиши.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Абсолют монархия, пуританизм, англикан черкови, пресветерианлар, индипендентлар, роялистлар, О Кромвел протэкторати, Стюартлар реставрацияси.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Инглиз инқилобига янгича цивилизацион асосда ёндашув.
2. Инқилобий Англияда диний зиддиятлар негизини аниқлаш.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: инқилоб арафасида Англия иқтисодий – ижтимоий- сиёсий ҳаёти ва шу жабҳаларда юз берган илғор ўзгаришлар, ички қарама-қаршиликлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. XVII аср Англия иқтисодий ,ижтимоий сиёсий маънавий ҳаётини ва халқаро мавқеини тушунади.
- 1.2. Пуританизмнинг инқилобни амалга оширишдаги юксак ролини тушунади.
- 1.3. Қирол ва парламент ўртасидаги зиддиятлар негизини англайди.

1-савол баёни:

Англия XVII асрнинг ўрталарига келиб аграр мамлакат эди. Аҳолининг кўпчилиги қишлоқларда яшар ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланарди. Иқтисодиётда ўрта аср тартиблари сақланиб қолинган бўлса ҳам, улар анчагина емирилган эди. Дворянлар табақасида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Кўплаб дворянлар савдо, тижорат, саноат каби соҳаларга сармояларини киритдилар. Шундай қилиб янги дворянлар қатлами ўсиб борди ва кучайди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши савдо соҳасига ижобий таъсир кўрсатди. Ички иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши мамлакат ички бозорининг сиғимини оширди.

Ташқи савдо муваффақиятли ривожланди ва улкан даромадлар келтирар эди. Йирик савдо компаниялари вужудга келди: Ост-Индия

компанияси Лондон — Виргиния ва Плимут — Виргиния компаниялари, Англия турли йўналишларда — Ирландия, Хиндистон, Америка, Африка — мустамлакачилик экспансиясини олиб борди. XVII асрнинг 40 —чи йилларига келиб Англия абсолют монархия давлати эди. Парламент табақавий тизимга эга эди. Мануфактурачилар, савдогарлар, янги дворянлар сиёсатда уларнинг манфаатлари инобатга олишни талаб қила бошладилар. Лекин абсолютизмнинг кўплаб чеклашлар билан олиб борган сиёсати бу доираларнинг тадбиркорлигига тўсқинлик қилар эди.

Абсолютизмга қарши кайфиятлар парламентда — унинг куйи палатасида кучайиб борди. Айнан жамоалар палатасида (ёки умум палата) иқтисодий юксалган джентри (янги дворянлар) ўз манфаатларини мужассам этарди. Лордлар палатаси умуман абсолютизм таянчи эди.

Ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий силжишлар пуританизмнинг кенг тарқалиши билан бир пайтда бўлиб ўтарди. Пуританизм давлат англикан черковига қарши чиқар эди. Иқтисодиётдаги янгича муносабатларнинг ўсишига асосий тўсиқ — абсолютизм эди. Ижтимоий, сиёсий ва диний зиддиятлар тўпланиб борди ва инқилобий портлашни муқаррар қилиб қўйди.

Парламентдаги мухолифат тадбиркорлик эркинлигини очик талаб қила бошлади. Абсолютизм намоёндалари Стюартлар сулоласидан бўлмиш Яков I (1603-1625) ва Карл I (1625- 1649) ўз ички ва ташқи сиёсатини джентри ва савдо — саноат доираларнинг манфаатларига зид олиб борардилар. Молиявий соҳада кўплаб солиқлар ва тўловларнинг киритилиши, диний ва ташқи сиёсий соҳаларда Испания, Франция каби католик давлатлари билан яқинлашув ва пуританизмни таъқиб қилиш мамлакатда норозиликларнинг кучайишига олиб келди. Мухолифат қиролдан парламент билан «биргаликда ва мувофик» холда мамлакатни бошқаришни талаб қиларди. Стюартлар эса абсолютизмнинг мустахкамланишига ва парламентдан мустакилликка интиларди.¹¹ йиллик парламентсиз бошқарув (1629—1640) репрессиялар сиёсати билан ифодаланди.

Вазиятни кескинлашувига Шотландия билан боғлиқ воқеалар сабаб бўлди. Шотландия Англия билан Стюартлар сулоласи шахсий унияси орқали бошқарилар эди. Шу сабабли, Карл I 1640 йил апрелида парламентни чақиришга мажбур бўлди. Лекин парламент Шотландияга қарши диний урушга маблағ ажратишни рад этди. Натижада уч хафтадан сўнг қисқа парламент номини олган парламент тарқатиб юборилди. Шотландияликларнинг хужуми 1640 йил ноябрида абсолютизмнинг ахволини янада кескинлаштирди. Қирол яна парламентни чақиришга мажбур бўлди. Итоатсиз парламент ўзини доимий фаолият кўрсатувчи деб эълон қилиб, 1653 йилгача иш олиб

борди. Бу воқеалар парламентнинг қиролга очик бўйсунмаслиги ва инглиз инқилобининг бошланиши эди.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.Пуританизм ва Англикан черкови ўртасидаги зиддиятлар негизини тушунтиринг.
- 2.Англия абсолют монархиясининг сиёсий, иқтисодий, ғоявий таянчларига баҳо беринг.
- 3.Инқилоб арафасида дворянлар синфида бўй берган ўзгаришларни изоҳланг.

2-савол бўйича дарс мақсади: Инглиз инқилобини вужудга келишининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий омиллари тўғрисида талабаларга маълумот бериш ва уларда тушунча ҳосил қилиш.

Идентификатор мақсади:

- 1.1.Инқилобнинг сабабларини аниқлайди.
- 1.2.Инқилоб натижасида юзага келган фуқаролар урушининг тарихий қонуният эканлигини аниқлайди.
- 1.3.Янги Индепендентлар республикаси фаолиятига баҳо бера олади.

2-саволнинг баёни:

Бошланиб кетган инқилобда икки лагерь тўқнашди. Агар инқилобий лагерга аҳолининг турли қатламлари кирган бўлса, феодал — абсолютистик лагерга асосан қирол атрофида тўпланган сарой зодагонлари, консерватив дворянлар ва англикан (инглиз) черковининг рухонийлари кирди.Узоқ парламентда янги дворянлар етакчиси джентридан чиққан Дж.Пим эди.Аҳолининг турли қатламлари парламентни қўллаб — қувватларди. Ўз навбатида парламент мамлакатдаги олий ҳокимиятни — ҳам қонунчилик, ҳам ижроияни аста — секинлик билан ўз қўлига олди.Парламент томонидан амалга оширилган ўзгаришлар яқдиллик билан қабул қилинди. Лекин кейинчалик бу яқдиллик йўқола бошлади. Кўпчилиكنинг қаршичилигига қарамасдан 1641 йил ноябридаги «Буюк реконструкция» ҳужжатида кўра Англия конституцион монархия деб эълон қилинди. Қирол «реконструкцияни» имзолашдан бош тортди ва аксинчалоқий тўнтариш уюштирмоқчи бўлди. Лондонга етиб келган минглаб халқ оммалари парламентни сақлаб қолдилар. 1642 йил январиди қирол тарафдорлари шимолга жўнаб кетди ва парламентга уруш эълон

қилди. 1642—1647 йилларда фуқаролар уруши бўлиб ўтди. Урушдаги бурилиш парламентдаги радикал камчилик — индипендентлар фаолияти билан боғлиқ. Индипендентлар етакчиси Оливер Кромвель (1599—1658) бошчилигида янги турдаги инқилобий армия тузилди. Бу армия 1644 йилдан бошлаб роялистларни мағлуб қила бошлади. Халқилувчи жанг 1645 йил июн ойида Нейзби ёнида бўлиб ўтди ва бу жангда роялистлар мағлуб бўлишди. 1646 йилнинг ёзида қирол таслим бўлди ва шотландияликлар ёнига қочиб кетди. Лекин шотландияликлар уни пул эвазига парламентга топширишди. 1647 йил мартда роялистларнинг охириги таянч нуқталари кулади. Узок парламентда кўпчилиكنи ташкил қилган Конституцион монархист пресвитерианлар ва армияни ўз назоратида ушлаб турган индипендентлар ўртасида чуқур зиддиятлар пайдо бўлди.

Ўша даврда сиёсий сахнада яна бир сиёсий оқим пайдо бўлди —бу левеллерлар эди. Бу оқимга Джон Лильберн (1614—1657) раҳбарлик қилди. Левеллерларнинг сиёсий қарашлари «Халқ битими» деб ном олган дастурда ўз ифодасини топди.

1647 йили парламент ва армия ўртасидаги зиддиятлар янада кескинлашди. Фақатгина роялистларнинг бош кўтариши бу ички курашни тўхтатиб турди. Карл Стюарт индипендентлар ҳукумронлигидан норози бўлган шотландияликлар билан тил бириктириб, иккинчи фуқаролар урушини бошлади. Роялистлар қўшинлари бутун мамлакат бўйлаб — жанубда, шарқда ва ғарбда ҳаракатга келишди. Шотланд армияси эса шимолни ўз назоратига олди. Генерал Ферфакс ва Кромвель қўмондонлигидаги қўшинлар роялистларга қарши чиқишди. Фуқаролар уруши 1648 февралда бошланди. Ўша йилнинг августида Престон ёнида инқилобчилар кучлари роялистлар ва шотландияликларни батамом тор — мор қилдилар. Декабрда Лондонга қайтиб келган армия ва индипендентлар парламентни қуршаб олдилар. Парламентни пресвитерианлардан тозалаш полковник Прайдга топширилди. «Прайд тозалаши» натижасида деярли барча пресвитерианлар парламентдан хайдаб чиқарилди.

Демократик кучлар ва левеллерлар босими остида қирол устидан суд қилиш қарори қабул қилинди (1648 й. 23 декабр). Ташкил қилинган трибунал Карл Стюартни ўлимга маҳкум этди (Қирол 1649 й. 30 январда қатл этилди). Қуйи палата мамлакатнинг «олий ҳокимияти» деб эълон қилинди. 1649 йил 19 майда Англия республика деб эълон қилинди. 1649—1653 йилларда Англияни индипендентлар бошқардилар. Янги конституцияга асосан қонунчилик ҳокимияти бир палатали парламент қўлида эди. Ижроя ҳокимиятни Давлат Кенгаши амалга оширар эди. Индипендентлар демократик ўзгаришларни чуқурлаштирмадилар.

Шунинг учун республика демократик эмас, балки индипендентлар республикаси эди. Республиканинг ташқи ва ички сиёсати ғолиб чиккан табақалар (асосан янги дворянлар ва савдо — саноат доиралари) манфаатларини кўзлаб юритилар эди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Парламент армиясининг ғалабасини қандай омиллар белгилайди?
2. Левелерлар ҳаракати қандай ҳаракат?
3. Нима учун парламентда индипендентлар таъсири кучли бўлди?

3-савол бўйича дарс мақсади: Оливер Кромвелл протекторлик бошқарувининг шаклланиши, унинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида маълумот бериш ва тушунча ҳосил қилиш.

Идентификация мақсади:

- 1.1. О Кромвеллнинг протекторлик ҳокимиятининг шаклланиш сабабларини аниқлайди.
- 1.2. О Кромвеллнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида тушунчага эга бўлади.
- 1.3. Стюартлар монархиясининг тикланиш сабабларини аниқлайди.

3-савол баёни

Қиролнинг қатл қилинишидан сўнг роялистларнинг ҳаракатлари кучайди. Лекин Кромвель бу чиқишларни муваффақиятли бостиради.

1649—1652 йилларда инглиз армияси Ирландия ва Шотландияни бўйсундириш мақсадида ушбу мамлакатларга жазо юришлари ўтказди.

1653 йилга келиб парламент ва армия қўмондонлиги ўртасида зиддиятлар келиб чиқди. Икки куч мамлакатда тўла ҳукмронликга даъво қилар эди. Узоқ парламент халқ орасида демократияга қарши сиёсат олиб боровчи ташкилот сифатида гавдалана бошлади. Бундан фойдаланган Кромвель 1653 йил 20 апрелда узоқ парламентнинг қолдиқларини тарқатиб юборди. Янги чақирилган кичик парламент тез орада (12 декабр 1653 й.) ўзини ўзи тарқатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1653 йил 16 декабрда Кромвель республиканинг лорд — протектори (ҳимоячиси) деб эълон қилинди. Янги конституция — «Бошқарув қуроли» — республика ташкилотлари парламент ва Давлат кенгашини сақлаб қолди. Лекин реал ҳокимият Кромвель қўлида эди. Унинг ёрдамчилари генераллар эди. Мамлакат ҳарбий округларга бўлинди.

Диктаторлик тузум мамлакатда ҳар қандай норозиликни қаттиқ қўллик билан бостиради. Лекин бундай сиёсат мамлакатда

ижтимоий ва сиёсий барқарорликга олиб келмади. Хукмрон доираларда монархияни тиклаш ғоялари пайдо бўлди.

1657 йил май ойида Кромвелга тақдим этилган янги конституция «эхтиром билан ёзилган петиция» протектор хокимиятини меросий деб эълон қилди ва лордлар палатасини тиклади. Бу монархияни тиклашга қаратилган аниқ қадамлар эди. 1658 йил Кромвель вафот этди. Унинг ўғли Ричард протектор бўлди. Лекин харбий диктаторлик қилолмаган Ричард бу лавозимдан 1659 йили воз кечди.

Хокимият тепасида қолган генералитет узок парламент қолдиқларини чорлади. Парламент ахволи мушкул эди. Бир томондан парламент харбий диктатурага қарши муқобил ташкилот сифатида кўрилса, иккинчи томондан унинг сиёсати халқ норозилигини келтириб чиқарар эди. Бундан ташқари генераллар парламентни назорат қилишни хохлашарди. 1659 йил кузида генералитет мамлакатда харбий диктатурани ўрнатишга уриниб кўрди. Бундай ҳаракатлар нафақат инглиз жамиятининг турли қатламлари балки армиянинг норозилигига учради. Бу даврда Шотландиядаги армиянинг қўмондони генерал Монк шахси кўтарилди. Узок парламентнинг қолдиқлари Монк томонидан қўллаб

қувватланди. Индепендентлардан озод этилган пресвитерианлар парламентини тиклашни талаб қилган ҳаракат ҳам генерал Монк томонидан қўллаб — қувватланди.

1660 йил 3—чи февралда Монк армияси Лондонга кириб келди. Пресвитерианлар Монк ёрдамида янги парламентга (конвентга) сайловлар ўтказдилар. Сайловлар инқилобдан аввалги, тизим бўйича ўтказилди. 1660 йил апрелида ўз ишини бошлаган парламент биринчи қарори билан Карл Стюарт — кичикни инглиз тахтига чорлади. Республика қулади ва инқилобий давр тугади.

Муҳокама учун саволлар:

1. О Кромвел хокимиятининг диктатурага айланиш сабаблари нимада?
2. Диктаторлик тузумининг салбий оқибатлари нималарда намоён бўлди?
3. Нима учун Стюартлар монархияси қайта тикланди?

Назорат топшириқлари:

1. Қуйдаги диний оқимлардан қайси бири инглиз жамияти онгида инқилоб ясади?

А) Лютеранлик.

Д) Пресветерианлик.

Б) Кальвинизм.

Е) Протэстантлик.

С)Пуританизм.

2.Англия республикаси ташкил топган санани аниқланг?

А)1640 йил 14 май.

Б)1640 йил 19 май.

С) 1642 йил 10 июнь.

Д) 1645 йил 18 август.

Е) 1645 йил 18 август.

3. Монархияни қайта тиклашда қайси оқим вакиллари жонбозлик кўрсатдилар?

А. Левеллерлар

Б. Индепендентлар

С. Пресветерианлар

Д. Протэстанлар

Е. А ва Б

4.Шотландия ва Ирландия қайси бошқарув даврида босиб олинди?

А).Стюартлар даврида.

Б).Индепендентлар даврида.

С).Кромвел даврида.

Д).Йорклар даврида.

Е).Ланкастерлар даврида.

5.Инглиз инқилобининг натижаси қандай бўлди?

А) Конституцион монархия шаклланди.

Б)Саноат ўсиши юз берди.

С)Англия хар томонлама кучли давлатга айланди.

Д)Тўғри жавоб йўқ.

Е)А,Б,С жавоблар тўғри.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1.Бугунги кунда Ирландиядаги беқарорликнинг негизини инқилоб давридан излаш мумкинми?

2-мавзу. Франция XVII асрнинг иккинчи ярми —XVIII асрда.

Ажратилган вақт: 4 соат.

Асосий саволлар:

1. Франциянинг XVII аср ўрталаридаги ижтимоий — иқтисодий сиёсий ривожланиши.
2. Феодал — абсолют тузумнинг инқирози.
3. Француз маърифатпарварлиги тараққиёти

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Абсолютизм, Фронда ҳаракати, кольбертизм, гугенотлар, француз маърифатпарварлиги.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Франция молия саноат доираларининг мустақилликка интилмаслик сабаблари.

1. Католик черковига муҳолифат оқимлар қарашлари ўртасидаги тафовутлар.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Франциянинг янги даврдаги иқтисодий ҳаёти, ижтимоий муносабатлар, абсолют монархиянинг таянчларини ёритиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Францияда аграр тараққиёт товар — пул муносабатларининг ривожланиш жараёнларини тушунади.
- 1.2. Абсолют монархиянинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий таянчларини билади.
- 1.3. Абсолютизмни мустаҳкамловчи ислохотларнинг салбий оқибатларини англайди.

1-савол баёни:

XVII асрнинг ўрталарида Франция Ғарбий Европанинг энг йирик ва марказлашган давлати эди. Бош вазир кардинал Ришелье (1624—1642) даврида абсолютизм мустаҳкамланди. Ўттиз йиллик урушнинг ғолибона натижалари Европада Франциянинг сиёсий устунлигини таъминлади.

Мамлакат иқтисодиёти аграр тавсифига эга эди аҳолининг 85% қишлоқда яшар эди. Саноатда етакчилик ролини тўқимачилик тармоғи

ўйнар эди. XVII асрда мамлакатда «дастлабки жамғариш» жараёнлари давом этарди. Бу ерда давлат қарзлари, солиқ босими, судхўрлик молияси катта аҳамиятга эга эди. Мануфактура ишлаб чиқарилиши аста секинлик билан ривожланишига қарамасдан феодал муносабатлар мамлакатда устунлик қилар эди. Дворянлар табақасида ҳам ижтимоий силжишлар кўзга ташланарди. Асилзода дворянларнинг («қилич дворянлари») катта қисми иқтисодий жихатдан заифлашарди. Шу пайтнинг ўзида дворянлар табақаси савдо—саноат доиралардан чиққан дворянлар ҳисобига кенгаймоқда эди. Саноат, савдо ва судхўрлик доиралари сиёсий мустақилликка интилишмасди.

1643 йили беш ёшлик Людовик XIV Франция қироли бўлди. Лекин фактик жихатдан мамлакатни кардинал Мазарини идора қиларди. Мазарини Ришельенинг абсолютизмни мустахкамлаш сиёсатини давом эттирди. Ҳокимият алмашуви Ришелье давридан тўпланиб келаётган жамоат норозиликнинг портлашига олиб келди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Францияда абсолютизмга қарши Фронда ҳаракатининг мағлубиятига учраш сабаблари нимада?
2. Судхўрлик молиясининг ишлаб чиқаришга таъсири қандай бўлди?
3. Кардинал Мазарини ислохотларининг асосий йўналишини аниқланг?

2-савол бўйича дарс мақсади:

Франция абсолют монархиясининг ва феодал тартибларининг инқирозга юз тутиши, янгича муносабатларнинг шаклланиши жараёнларини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Инқилоб арафасидаги сиёсий, диний зиддиятларни англайди.
- 1.2. Ички инқирозларнинг ташқи сиёсатга таъсирини тушунади.
- 1.3. Ижтимоий зиддиятларнинг негизини билади.

2-савол баёни

1648 йили абсолютизмга қарши Фронда ҳаракати бошланди. «Фронда» дегани — «сопқон» демакдир. Парижда бу қуролдан фойдаланиш ман қилинган эди. Сопқондан фойдаланганларни полиция қамоққа оларди. Шу сабабли «Фрондалаш» деган кўчма маънодаги сўзнинг асли маъноси тартибни бузиш, маъмурларга қарши иш кўриш демак эди. Фронда тарихи икки даврга: «Эски Фронда», ёки «парламент Фрондаси», 1648—1649 йиллардаги даврга ва «Янги Фронда», ёки «шахзодалар Фрондаси», 1650—1653 йиллардаги даврга бўлинади.

Бу икки Фронда билан тўкнашувида абсолютизм мағлуб бўлмади. Аксинча сиёсий инқирозлардан мустахкамланиб чиқди.

1661 йили Мазарини вафот этди. Шу пайтдан бошлаб Людовик XIV мамлакатни яқка холда 1715 йилгача идора қилди. «Людовик XIV асри» француз абсолютизмнинг энг ривожланган ва инқирози даври эди.

Людовик XIV даврида қирол ҳокимияти ва давлат марказлашуви кучайди. Ҳарбий ислохотлар армиянинг жанговор тайёргарлиги ва интизомини оширди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида мамлакатнинг молиявий ва ҳарбий — сиёсий қудратини ошириш мақсадида давлатнинг хўжалик ҳаётига

аралашуви кучайди. Айниқса, бу мақсадларга молия вазири Кольбер томонидан 1665—1683 йилларда олиб борилган меркантилизм сиёсати тўғри келарди. Денгиз орти ва мустамлакаларда савдони фаоллаштириш учун давлат иштирокида монопол савдо компаниялари тузилди: Ост—Индия, Вест—Индия, Левантия компаниялари. Флот қурилишига молия ажратилар эди.

«Кольбертизм» сиёсати йирик марказлашган мануфактураларнинг ташкил этилишига, француз флоти ва денгиз савдосининг ўсишига туртки берди. Людовик XIV давридаги йирик урушлар Франция учун оғир юк эди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Людовик XIV асри деганда нимани тушунаси?
2. Кольбертизм сиёсатининг ички ва ташқи аҳволга таъсири қандай бўлди?
3. Гугенотлар кимлар эди?

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

Илғор маърифатпарварлар таълимотларининг жамият тафаккурини ривожлантириш ва идрокда инқилоб ясашни очиб бериш.

Идиентив ўқув мақсади:

- 1.1. Француз маърифатпарварлари рационал дунёқарашларнинг шаклланиши сабабларини англайди.
- 1.2. Вольтер, Руссо, Дидро каби файласуфлар таълимотлари билан танишади.
- 1.3. Илғор ғояларнинг жамият тафаккурини тубдан ўзгартириши тарихий қонуният эканлигини эътироф этади.

3-савол баёни:

Абсолют монархиянинг мафкуравий таянчи католик черкови эди. Мамлакатнинг сиёсий марказлашуви диний — черков унификация билан биргаликда олиб бориларди. Гугенотларга қарши диний таъқиблар кучайди. 200 — 300 минга яқин гугенотлар Францияни тарк этдилар.

Маърифатли доираларда Р.Декарт томонидан ишлаб чиқилган дунёқарашнинг рационалистик, тизими кенг тарқалди. XVII асрнинг охири — XVIII аср бошларида «либертинтлик» — эркин фикрлик ва диний скептицизм кучайди. Бу оқимнинг ёрқин намоёнчаси П.Бейль эди. XVII асрнинг иккинчи ярми француз маданиятининг ўсиш даври эди. Фанлар Академияси (1666), меъморчилик, рассомчилик академиялари, обсерватория тузилган эди. 1694 йили «Француз тилининг луғати» нашр этилди.

Бадий маданиятда классицизм йўналиши ҳукмронлик қилар эди. Адабиётда П.Корнель, Ж.Расин, Ж.Б.Мольер, меъморчиликда Ф.Мансар ижодларини таъкидлаш мумкин.

XVII асрнинг охири — XVIII асрнинг бошларида Францияни ички ва халқаро аҳоли ёмонлашди. XVIII асрда Францияда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши тезлашди. Бу жараён билан боғлиқ ўзгаришлар жамоат онгида, жамиятнинг ижтимоий таркибида бўлиб ўтарди. Бундай ҳолатда содир

бўлаётган жараёнлар ҳукумронлик қилаётган феодал абсолютистик тузум билан зиддиятга келар эди. Бу зиддиятнинг чуқурлашуви ва кескинлашуви 1789 йилда бошланган Буюк Француз инқилобига олиб келди. XVIII асрнинг ўрталарига келиб француз маърифатчилари феодал абсолютизмнинг ижтимоий—сиёсий ва мафкуравий устунларини аёвсиз танқидга олиб, «идроқда инқилоб» ясади.

Маърифатчилар ўйғониш даври гуманистларининг ғояларини давом эттириб, жамиятнинг асосий мақсади-инсон бахти деб ҳисобларшади. Маърифатчиларнинг даҳолари Мари Франсуа Вольтер (1694—1778), Шарль Луи Монтескье (1689-1755), Дени Дидро (1719-1784), Жан Жак Русо (1712-1778), Жан Мелье (1664-1729) ва бошқалар эди. Маърифатчиларнинг фаолияти халқ онгининг инқилоб арафасидаги ўйғонишига катта хизмат қилди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Руссонинг давлат бошқаруви тўғрисидаги қарашларининг аҳамияти нимада?
2. Диний реформациянинг Вольтер қарашларига қандай таъсир қилган?
3. Француз маърифатпарварларининг тарихдаги буюк хизматлари нималарда эди.?

Назорат топшириқлари:

1. «Фрондалаш» сўзининг маъноси нима?
А) Тартибни бузиш, маъмурларга қарши иш кўриш.
Б) Диний эркинлик.
С) Қатоғонни кучайтириш.
Д) Иқтисодий эркинлик.
Е) Б ва Д
2. «Людовик XIV асри» санасини кўрсатинг?
А) 1640-1688.
Б) 1661-1715.
С) 1680 -1720.
Д) 1710-1740.
Е) 1753-1789.
3. Кольбертизм сиёсати натижасида.....
А) Мамлакатда очарчилик бошланди.
Б) Франциянинг халқаро мавқеи пасайди.
С) Манфактуралар ривожланди.
Д) Денгиз савдоси жонланди.
Е. С ва Д
4. Қуйдаги диний оқимлардан қайси бири Францияда энг кўп тарқалган?
А. Пуританизм.
Б. Протэстантизм.
С. Гугенотлар.
Д. Кальвинистлар.
Е. Католиклар.

5. Қуйидаги маърифатпарварлардан қайси бири дунёқарашнинг рационалистик тизимини ишлаб чиққан?

- А. Руссо.
- Б. Монтескье.
- С. Дидро.
- Д. Декарт.
- Е. Вольтер.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Ўтиш даврида Франциядаги бошқарувларнинг қайси бирининг ахамиятини юқори баҳолаш мумкин деб ҳисоблайсиз?

3- мавзу. Герман давлатлари. Пруссия (XVII иккинчи ярми — XVIII аср).

Ажратилган вақт: 4 соат

Асосий саволлар:

1. Герман давлатлари тарқоқлигининг ўзига хос жиҳатлари.
2. Бранденбург— Пруссия давлатининг кучайиши ва «маърифатли абсолютизм» ислохатлари.
3. Немис маърифатчилиги.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Вестфаль сулҳи, сиёсий тарқоқлик, муқаддас Рим империяси, курфюрстлар коллегияси, умумгерман рейхстаги, немис маърифатчилиги.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Герман давлатларининг Муқаддас Рим империясига бирлашиш сабаблари ҳақида аниқ жавобнинг йўқлиги.
2. Курфюрстлик бошқарувининг илк марта вужудга келиш тарихи ҳақида аниқ манбанинг йўқлиги.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

Немис давлатлари сиёсий, иқтисодий тарқоқлигининг асосий сабаблари, қўшни монархиялар таъсирига тушиб қолиши ва бунинг салбий оқибатларини ёритиб бериш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Немис давлатлари тарқоқлигининг асосий сабабларини тараққёт даражасининг турлича эканини тушунади.
- 1.2. Австрия, Франция каби монархия давлатларининг немис давлатлари устидан ўз таъсирини кучайтириш учун амалга оширган сиёсатини англайди.
- 1.3. Немис давлати ва миллати бирлашувига ҳалақит бераётган

тарқоқликнинг салбий оқибатларидан хулоса чиқаради.

1-савол баёни:

XVII асрнинг ўрталарида Германия оғир сиёсий ва иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган эди. Вестфаль шартномасига кўра Германиянинг денгиз савдо йўллари деярли барчаси Голландия ва Швеция қўлига ўтган эди. Ғарбий Германияда Франциянинг устиворлиги ўрнатилган эди. Ўзаро урушлар аҳоли сонини қисқаришига ҳам олиб келди. Урушдан олдин 16 млн. кишига эга Германияда 1650 йилда 10 млн аҳоли истиқомат қилар эди.

Барча немис ҳукумдорларига суверенитет ва ерларнинг дахлсизлигини кафолатлаган Вестфаль трактатлари мамлакатда сиёсий тарқоқликни қонунлаштирди. Герман ҳудудларида 300 йирик ва майда князликлар, 51 мустақил императорлик шаҳар ва бир ярим минга яқин кичик рицарлик ер эгаликлари мавжуд эди. Сиёсий тарқоқлик ягона герман миллатининг шаклланишига тўсқинлик қилар эди. Бундай ҳолатга қарамасдан герман ҳудудлари расмий тарзда Мукаддас Рим империясига бирлашган эдилар. Бу бирлашма тепасида одатда австриялик Габсбурглар сулоласидан бўлган ва тўққиз курфюрст коллегияси томонидан сайланадиган император турар эди. Император ҳокимияти номинал эди. Барча масалалар Регенсбургда жойлашган умумгерман рейхстаги розилиги билан хал қилинарди.

Тарқоқлик шароитида айрим ҳукумдорларнинг кичик миқёсидаги буюк давлатчилик абсолютизми вужудга келди. Бундай сиёсат тарқоқликнинг мустахкамланишига ва кучайишига олиб борар эди. Бундан ташқари кўплаб ҳукумдорлар чет давлатларидан маблағ ва хомийлик излаб Европанинг йирик давлатларига қарам бўлиб қолишарди.

Ўттиз йиллик уруш қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди.

Аграр муносабатларнинг ривожланиши Германиянинг ғарбида ва шарқида турлича эди. Шимолий ғарбий ҳудудларда (Вестфалия, Ганновер, Қуйи Саксония) йирик ер эгаликлари кам учрарди. Ундан кам ҳолларда дворян сенъорлар ўзининг хўжалигини юритар эдилар. XVII асрдан бошлаб улар ўзларининг домениал ерларини турли хил ижарага беришар эди.

Шарқда, Эльба орти Германиясида (Бранденбург, Пруссия, Мекленбург) крепостной деҳқонларнинг баршчина меҳнатига асосланган йирик дворян хўжалик тури шаклланди. Шаҳарларда цех тизимининг ҳукумронлиги давом этарди. Сиёсий тарқоқлик чет эл молларининг Германияга оқиб келишини тўхтата олмасди. Мануфактуралар учун молия ва ишчи кучи етишмасди. Ички божлар умумий герман бозорининг шаклланишига тўсқинлик қилар эди. Фақатгина XVIII аср бошларидан мамлакатда жуда секин иқтисодий жонланиш бошланди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида ривожланганроқ немис давлатларида (Вюртемберг, Пруссия, Саксония) мануфактура цех усулидан устунлик қилди. Мануфактуралар олдин умуман мавжуд бўлмаган ҳудудларда ҳам Бавария, Франкония пайдо бўлдилар. Умуман XVIII асрнинг охирига келиб мануфактуралар ишлаб чиқаришда асосий ўринни эгалладилар.

Муҳокама учун саволлар:

1. 30-йиллик урушнинг немис давлатлари тақдирига қандай таъсир қилди?
2. Нима учун император ҳокимияти номигагина бўлиб қолди?
3. Немис давлатларида ерга эгалик қилиш муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари нимада?

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

Бранденбург – Пруссияда абсолют монархиянинг тўла қарор топиши, Фридрих IIIнинг илғор ислохотлари ва унинг аҳамиятини тушунтириш ва талабаларда ўзига хос дунёқараш ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Бранденбург – Пруссия давлатининг ҳар томонлама кучайиш сабабларини англайди.
- 1.2. Пруссияда абсолют бошқарувнинг эрта қарор топишини тушунади.
- 1.3. Фридрих II «маърифатли абсолютизм» йўналишидаги ислохотларнинг Пруссия тараққиёти учун аҳамиятли томонларини эътироф этади.

2-савол баёни:

Ўттиз йиллик урушдан сўнг немис князликлари орасида Бранденбург—Пруссия давлатининг мавқеи тобора ўсиб борди. Бу давлатда Гогенцоллернлар сулоласидан бўлган курфюрстлар ҳукумронлик қилар эдилар. Бранденбург—Пруссия курфюрстлигида абсолютизм эрта ўрнатилди. Курфюрст ҳокимиятига қаршилик қила оладиган йирик феодаллар бу ерда йўқ эди. Аграр соҳада баршчинага асосланган йирик хўжаликлар устунлик қилар эди. Саноатнинг ривожланишига Фридрих Вильгельм I («буюк курфюрст») (1640—1688) даврида кўплаб кўчиб келган иммигрантлар катта ҳисса қўшишди.

Ўзининг ерларини бирлаштиришга интилган курфюрстлар бошқа давлатлар ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиб чегараларини кенгайтириб бордилар. Курфюрст Фридрих III (1688-1713) даврида 1701 йилда Бранденбург —Пруссия курфюрстлиги Пруссия қироллигига айлантирилди. Йирик Европа давлати даражасига Пруссия Фридрих II (1740—1786) даврида кўтарилди. Бу даврда Пруссиянинг ҳудудлари анча кенгайди. Фридрих II даврида Пруссияда «маърифатли абсолютизм» тизими шаклланди. Мамлакатда турли соҳаларда иқтисодиёт, давлат бошқаруви, суд, маориф ислохотлари ўтказилди. Лекин барча ўзгаришлар феодал—бюрократик тизимнинг устунларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Пруссия қандай қилиб мустақил қиролликка айланади?
2. Пруссия чегараларининг кенгайишига сабаб бўлган хал қилувчи омил нимада эди?
3. «Маърифатли абсолютизм сиёсати» деганда нимани тушунасиш?

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: немис маърифатчилигининг шаклланиши тарихий зарурият эканлигини, улар ғояларининг немис халқи миллий руҳи ва маънавиятини юксалтиришдаги хизматларини ёритиб бериш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Немис файласуфларининг давлат бошқаруви, жамият тараққиёти тўғрисидаги таълимотларини билади.

1.2. Маърифатпарварликнинг немис жамияти тараққиётига, янгича тузумни шакиллантиришдаги ролини эътироф этади.

1.3. Немис гуманистларнинг жаҳон маънавияти хазинасига қўшган хиссасини англайди.

3-савол баёни:

XVIII асрда Германиянинг иқтисодий жонланиши билан бир қаторда немис маърифатчилиги ҳам ривож топди. Европа давлатлари учун умумий илғор бўлган ғоялар билан биргаликда Германия маърифатчилиги немис халқининг энг яхши маданий урф — одатларини ўзида мужассам этди. Немис маърифатчилари сиёсий тарқоқликнинг халокатлилигини ва ягона Германия давлатига бирлашиш зарурлигини англаб етишди. Бу жараён учун немис ерларининг маънавий бирлиги замин яритиши лозим эди.

В.Лейбниц, Х.Вольф, Г.Лессинг, И.Гердер каби файласуф ва олимлар, Ф.Шиллер, И.Гете, С.Бах каби адабиёт ва мусиқа арбоблари немис маърифатчилигининг ёрқин намоёндалари эди. Гейдельберг, Галле, Марбург университетлари бутун Европага машхур эди. XVIII асрнинг кинчи ярмидаёқ биринчи илмий академиялар (Галле, Берлинда) ташкил этилди. Маданият соҳаларида ҳам ривожланишнинг катта ютуқларига эришилди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Немис маърифатпарварларининг давлат бошқаруви тўғрисидаги қарашларининг бир – биридан фарқлари нимада?

2. Немис миллий руҳи тушунчасини изоҳлаб беринг.

3. Миллий ғоямиз немис маърифатпарварлари таълимотларидан озиқланиш мумкинми?

Назорат топшириқлар:

1. Немис давлатлари императори қайси сулола вакили эди.?

А. Стюартлар

Б. Оранскийлар

С. Габсбурглар

Д. Гогонцолернлар

Е. Бурбонлар

2. XVII асрнинг ўрталарида қайси худуд деҳқонлар ғалаёнларининг энг йирик маркази ҳисобланади?

А. Шёнбург

Б. Гановер

С. Саксония

Д. Вестфалия

Е. Регенсбург

3. Қуйидаги давлатлардан қайси бири немис давлатлари устидан таъсири бошқаларга қараганда кучли бўлган?

А. Испания

Б. Австрия

С. Англия

Д. Франция

Е. Голландия

4. Пруссия қироллигини қайси сулола бошқарган?

- А. Стюартлар
- Б. Габсбурглар
- С. Оранскийлар
- Д. Гогенцолернлар
- Е. Бурбонлар.

5. «Маърифатли абсолютизм» сиёсати қайси қирол даврида амалга оширилди?

- А. Фридрих III
- Б. Вильгелам I
- С. Вильгелам II
- Д. Фридрих I
- Е. Фридрих II

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар.

1.Германиядаги эркин шаҳарлар мақомига муносабатингиз қандай?

4 мавзу. Габсбурглар монархияси XVII асрнинг иккинчи ярми —XVIII асрларда. Ажратилган вақт:2-соат.

Асосий саволлар:

1. Габсбурглар монархиясининг ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий ривожланиши.
2. Габсбурглар монархиясининг ташқи сиёсати.
3. Мария Терезия ва Иосиф II «маърифатли абсолютизми».

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Халқлар турмаси, Габсбурглар, немислаштириш, Австрия – Туркия урушлари, сейм, якобинчилар, шовинизм «маърифатли абсолютизм».

Мавзуга оид муаммолар:

1. Габсбурглар сулоласининг бошқаруви вужудга келиши муаммоси.
2. Австрия империясида миллатлараро муносабатларни тартибга солишдаги зиддиятлар.
3. Габсбургларнинг Рим папаси билан муносабатларини ёритишда манбаларнинг турлича талқинлари.

1-асосий савол бўйича дасрнинг мақсади:

Австрия империясининг XVII асрнинг II – ярмидаги давлат бошқаруви, ишлаб чиқариш, миллий ва ижтимоий муносабатларни тушунтириш.

Идентив ўқув мақсади:

1.1. Габсбурглар абсолют бошқарувининг ўзига хос жиҳатларини англайди.

1.2. Қишлоқ хўжалаги, саноат тараққиёти даражаси ва қолоқлик сабабларини англайди.

1.3. Габсбургларнинг миллий ва диний низоларни бартараф этиш учун амалга оширган сиёсатига баҳо беради.

1-савол баёни:

XVII — XVIII асрларда Габсбурглар монархияси Европанинг энг йирик давлатларидан бири эди. Бу давлат таркибида Куйи ва Юқори Австрия, Тироль, Словениянинг Штирия, Каринтия ва Крайнаси, Истрия ва Триест кирарди. Бундан ташқари Габсбурглар қўлида Чехия, Моравия, Силезия, Венгрия, Хорватия бор эди. Германияда Габсбургларга Пассау, Фрейбург, Констанц шаҳарлари ва Рейн, Неккар, Эльзас тегишли эди. Тили, одатлари, маданияти турлича бўлган ерларни сулола бирлиги узок вақт боғлаб турар эди. Бундай йирик давлатнинг Европа юрагида ташкил этилиши Усмонийлар империясининг тахдиди олдидаги тарихий зарурият эди.

Габсбурглар асосий рақиби Францияни ва Германиядаги протестантликни мағлуб қила олишмади. Шунинг учун ҳам, ўз ерларида Габсбурглар контрреформацияни жадаллик билан олиб боришди. Бу соҳада давлат ва католик черковининг манфаатлари мос келарди. Габсбурглар монархияси аҳолисининг 80% дехқонлар ташкил этарди. Мамлакатда феодал муносабатлар сақланиб қолинган эди. Қишлоқда феодал муносабатларнинг мустахкамланиши, кўплаб бож чегараларнинг мавжудлиги, цехларнинг мавжудлиги хунармандчилик, савдо, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилар эди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Габсбургларнинг ташқи таянчлари кимлар эди.?

2. Австрия империясининг энг ривожланган марказларидаги мустақиллик ҳаракатига баҳо беринг?

3. Габсбурглар миллатчилигининг немис миллатчилигидан фарқи нимада?

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Австрия империясининг жанубий – шарқий Европа, Болқондаги мустамлакачилик сиёсати, Европа давлатлари ва Туркияга қарши олиб борилган урушларнинг салбий оқибатларини ёритиб бериш.

Идентив ўқув мақсади:

1.1. Австрия хукмрон доиралари мустамлакачилик сиёсатини белгиловчи омилларни тушунади.

1.2.Европа давлатлари билан зиддиятлар, Болқон масаласида Туркияга қарши олиб борилган уруш, мустамлакаларидаги миллий озодлик ҳаракатларининг бостирилишини англайди.

1.3. Австрия империяси ташқи сиёсати салбий оқибатларининг тараққиётига зидлигини эътироф этади.

2-савол баёни:

Габсбурглар давлатининг жипслашуви ва қудратининг ўсишида ўттиз йиллик уруш катта аҳамиятга эга эди. Уруш давомида Австрия ҳудудларининг ўзи унчалик вайрон этилмаганди. Қолаверса мамлакатдаги абсолютизм феодал бебошлик ва табақавий монархия устидан ғолиб чиққан эди. Ўттиз йиллик уруш австрия элатининг ўзини англаш этник эволюциясига катта таъсир этди.

Габсбурглар асосий рақиби Францияни ва Германиядаги протестантликни мағлуб қила олишмади. Шунинг учун ҳам, ўз ерларида Габсбурглар контрреформацияни жадаллик билан олиб боришди. Бу соҳада давлат ва католик черковининг манфаатлари мос келарди. Габсбурглар монархияси аҳолисининг 80% дехқонлар ташкил этарди. Мамлакатда феодал муносабатлар сақланиб қолинган эди. Қишлоқда феодал муносабатларнинг мустаҳкамланиши, кўплаб бож чегараларнинг мавжудлиги, цехларнинг мавжудлиги хунармандчилик, савдо, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилар эди.

Габсбурглар монархияси Европанинг Англия, Франция, Голландия каби давлатлардан иқтисодий жihatдан орқада қолганлиги сезилиб турарди. Контрреформация давридаги диний таъқиблар мамлакатдан минглаб хунармандлар ва дехқонларнинг чиқиб кетишига сабаб бўлди. Саноатнинг асосий тармоғи металлургия эди. Бутун Европага Штирия ва Каринтия конларидан олинган темир ва пўлат машхур эди. XVII аср охири —XVIII аср бошларида Габсбурглар Франция ва Усманийлар империяси билан узок муддатли урушлар олиб боришди. Бу урушлар натижасида Усманийлар империясининг Европани бўйсундириш тахдиди олиб ташланди. Бундан ташқари, Габсбурглар анчатиная ерларни ўз таркибига киритдилар. XVIII асрнинг биринчи ўн йилликларида Габсбурглар ташқи қудратининг энг юксак чўққисига кўтарилди. Ўзининг мувоффақиятларидан боши айланган монархия мустамлакаларни эгаллаш ва жаҳон савдосида қатнашишини эълон қилди. Лекин ички заифлик ва Англия, Голландия ва Венециянинг қаршилиги бу режаларни пучга чиқарди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Австрия – Туркия урушининг асосий сабаблари нимада эди?

2. австриянинг Польша ва Испан тахти учун урушларда иштирок этиши?
3. Австриянинг халқаро мавқеида баҳо беринг?

3-асосий савол бўйича дасрнинг мақсади:

Габсбург хукмронлари Мария Терезия ва Иосиф II «Маърифатли абсолютизм» нинг моҳияти ва ижобий томонларини тушунтириб бериш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Австриядаги танглик шароитида илғор ислохатлар амалга ошириш зарурлигини англайди.
- 1.2 «Маърифатли абсолютизм» сиёсатининг моҳиятини тушунади.
- 1.3. Мария Терезия ва Иосиф II маърифатли ислохатларининг аҳамиятини эътироф этади.

3-савол баёни:

XVII охири —XVIII бошларида Габсбурглар монархиясида маданий ҳаётнинг жонланиши кўзга ташланади. Айниқса бу театр, мусиқа, архитектура соҳаларига тегишли. Санъатга хомийликни Вена саройи қиларди. Венага асосан итальян композиторлари, қўшиқчилари ва Муסיқачилари таклиф этиларди. Итальян таъсирининг камайишига машҳур австриялик мусиқа назариячиси И. Фукс хизмат қилди. Унинг китоблари асосида Бах, Гайдн, Моцарт таълим кўрганлар.

XVIII аср бошларида Вена ва Линцда драматик театрлар бинолари қурилди. Архитектурада барокко усули хукмронлик қилар эди. Вена, Зальцбург, Грацда қурилган саройлар ва ибодатхоналар барокко усулига миллий австриялик кўриниши берди. Маданиятнинг ютуқларидан бири сифатида XVIII асрда латин тилидан немис тилига бурилишни таъкидласа бўлади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Австриядаги илғор ислохатлар амалга ошириш зарурлиги сабаблари нимада эди?
2. «Маърифатли абсолютизм» ислохатлари мустамлака ўлкалар тараққиётига қандй таъсир қилди?
3. Иосиф II ислохатлари нима учун охиригача етиб бормади?

Назорат топшириқлари:

1. Австрия империясини Европа минтақасидаги асосий хизмати қайси йўналишга асосланган?
- А. Усманийлар Туркиясига анъанавий хужумларини тўхтатиб туриш зарурияти.

Б. Болқон халқларини бирлаштириш зарурияти.

С. Буюк Рим империясини тиклаш зарурияти.

Д. Англия тажовузининг олдини олиш эҳтиёжи.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

2. Австрия империясининг энг йирик металлургия маркази қайси шаҳар бўлган?

А. Чехия

Б. Венгрия

С. Штирия

Д. Каринтия

Е. Россия

3. Габсбурглар қайси давлатга қарши урушда жанубий Италия ва Болқондаги ерлардан маҳрум бўладилар?

А. Франция

Б. Туркия

С. Пруссия

Д. Голландия

Е. Россия

4. 1740 йил Австрия мероси учун урушда қиролича Мария Терезияга ўз тахтда ўз ҳокимиятини сақлаб қолишда кимлар энг яқиндан ёрдам бердилар?

А. Пруссияликлар

Б. Французлар

С. Венгрлар

Д. Испанлар

Е. Инглизлар

5. Мария Терезия «Маърифатли абсолютизими» нинг Иосиф II маърифатли абсолютизимидан асосий фарқли жиҳати нимада?

А. Сўллиги

Б. Ўнг йўналишлиги

С. Консерваторлиги

Д. Мўътадиллиги

Е. Б ва С

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар.

1) Бугунги кундаги Болқондаги сиёсий, ҳудудий зиддиятларда Габсбурглар сиёсатининг ўрнини аниқлаш муаммоси.

2) Габсбурглар империясида миллий ҳудудий чегараланишнинг ноаниқлиги.

Амалий машғулотлар:

1-амалий машғулот: Буюк инглиз инқилоби (XVII аср).

Ажратилган вақт – 4 соат.

Асосий саволлар:

1. Англияда саноат инқилобининг замини.
2. Ўтиш даври Англиядаги сиёсий, иқтисодий – ижтимоий ўзгаришлар.
3. Англия ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Стюартлар династиясининг қайта тикланиши.

Дарснинг мақсади: Англияда саноат инқилоби даврида сиёсий, диний зиддиятлар ва Янги ижтимоий – иқтисодий тузумнинг шаклланиши, бошқарув тизимидаги ўзгаришларни муҳокама қилиш.

Идентиф ўқув мақсади:

- 1.1. Саноатлашиш жараёнининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётга ижобий таъсирини билади.
- 1.2. Феодализм – абсолют тузумнинг инқирози сабабларини англайди.
- 1.3. Англияда конституцион монархия шаклланиши сабабларини тушунади.

Керакли адабиётлар:

1. «Янги тарих» I – том. Т: «Ўқитувчи». 1967.
2. Историография истории нового времени стран Европў и Америки. М: «Вўсҳая школа» 1990 г.
3. Новая история. I – часть. М: «Просвехҳения» 1972 г.
4. Очерки истории науки и техники. 1870 – 1917 гг. М: «Просвехҳения» 1988г.

1-мавзуга оид мустақил иш топшириқлар

1. Англия парламентаризми тараққиёти. 3- адабиёт. 80-83 бетлар.
2. Англияда Республика бошқарувининг заифлик сабаблари. 1- адабиёт. 28-32 бетлар.
3. Пресветерианлар фаолиятига баҳо беринг. 2-адабиёт. 16-20 бетлар.

Ушбу топшириқлар саволларига қуйидаги адабиётлардан жавоб топасиз.

1. Юровской Е.Е. Кривогуза И М. Новая история стран Европў и Америки. М: «Вўсҳая школа» 1998 г.
2. Историография истории нового времени стран Европў и Америки. М: «Вўсҳая школа» 1990 г.
3. В.Семёнов .Ўрта асрлар тарихи. Т. 1973.й.

2-амалий машғулот: Франция XVII – асрнинг II – ярми XVIII асрда
Ажратилган вақт – 4 соат.

Асосий саволлар:

1. Людовик XIV нинг ички ва ташқи сиёсати .

2. Бурбонлар абсолютизимининг мустақамланиши ва инқирози.
3. Франциянинг Европа давлатлари билан муносабатлари.

Дасрнинг мақсади: Француз абсолют монархияси ва феодал жамиятининг инқирозга юз тутиши, Франция инқилобининг халқаро муносабатларга таъсирини, муҳокама қилиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1.Талаба Бурбонлар сулоласининг ноўрин ички ва ташқи сиёсатига баҳо беради.
- 1.2.Франциянинг мустамлакачилик сиёсатини таҳлил қилади.
- 1.3.Француз жамиятини тубдан янгилаш зарурлигини тушуниб етади.

Керакли адабиётлар:

1. Новая история. I –часть М: Просвещения 1978.г.
2. Борисов Ю.В. Дипломатия Людовик XIV М: Международные отношения. 1991.г.
3. Новая история 1640-1870гг. М: Просвещения 1986.г.

2-мавзуга оид мустақил иш топшириқлар

1. Францияда «Фронда» ҳаракати. 1-адабиёт. 89-92 бетлар.
2. Людовик XIV нинг Лотин Америкасидаги ташқи сиёсати. 2-адабиёт. 56-62, 73-77, 100-110 бетлар.
3. Француз маърифатпарварлиги. 3-адабиёт. 43-51 бетлар
4. Франциянинг 7- йилик урушда иштироки. 4-адабиёт. 132-136, 282-288 бетлар.

Ушбу топшириқлар саволларига қуйидаги адабиётлардан жавоб топасиз.

1. Янги тарих Итом. Т. «Ўқитувчи» 1967.й.
2. Альперович М.С. История Латинской Америки. М: Высшая школа. 1981 г.
3. Василика М.А. Политология. М: Гардарики. 2001г.
4. Новая история 1640-1870 гг. М: Просвещения. 1986г.

3-амалий Машғулоти: Герман давлатлари .Пруссия XVII асрнинг II – ярми XVIII асрда.

Ажратилган вақт: 4- соат

Асосий саволлар:

- 1.Ўттиз йиллик урушнинг немис давлатлари тақдирига таъсири.
2. Габсбургларнинг немис давлатларидаги мустамлакачилик сиёсати.
3. Пруссиянинг кучайиши.

Дасрнинг мақсади: Немис давлатлари тарқоқлигининг сабабларини, йирик урушларнинг немис давлатларига салбий таъсирини, Пруссиянинг алоҳида қироликка айланишини янги маълумотлар асосида ёритиш.

Идентив ўқув мақсади:

1.1. Немис давлатларининг ўттиз йиллик урушда Австрия, Францияга қарам бўлиб бўлиб қолганлигини англайди.

1.2. Австрия империясининг немис давлатларидаги сиёсий иқтисодий диний зулмининг салбий оқибатларига баҳо беради.

1.3. Пруссия давлатининг кучайишига хизмат қилган ички ва ташқи омилларининг аҳамиятини айтиб бера олади.

Керакли адабиётлар:

1. Поршнев Б.Ф. Тридцателная война и вѣступление в неё Швеции и Московского государство. М: МГУ. 1961.г

2. Ламперт К. История Германского народа. М: Вѣсшая школа. 1985. гТ-2

3. В.Ф. Семёнов. Ўрта асрлар тарихи.Т. 1973.й

3-мавзуга оид мустақил иш топшириқлари.

1. Пруссиянинг 30 йиллик урушдан кейинги аҳволи. 1-адабиёт, 555-563 бетлар

2. Немис маданияти тараққиёти. 2-адабиёт. 181-190 бетлар

3. Немис давлатлари бошқарув системаларининг бир – биридан фарқли томонлари. 3-адабиёт. 156-164 бетлар.

Ушбу топшириқлар саволларига қуйидаги адабиётлардан жавоб топасиз.

1. В.Ф.Семёнов. Ўрта асрлар тарихи. Т. 1973.й

2. Кертман. Л.Е. История культурѣ стран Европѣ и Америки. М: Вѣсшая школа. 1987

3. Новая история. I – часть М: Просвѣдения 1978 г.

4-амалий Машғулот: Габсбурглар империяси XVII асрнинг II – ярми XVIII асрда.

Ажратилган вақт: 2-соат

Асосий саволлар:

1. Габсбурглар давлатининг кенгайиши.

2. Австриянинг халқаро аҳволи.

3. Австриядаги диний, сиёсий зиддиятлар.

Дарснинг мақсади: Австрия хукмрон доираларининг ички ва ташқи сиёсати, сиёсий, диний зиддиятларни бартараф этиш йўллари ёритиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Австрия худудининг кенгайиши жараёнига баҳо беради.
- 1.2. Австриянинг халқаро зиддиятларда иштирокини изоҳлайди.
- 1.3. Австриянинг халқаро аҳволини шарҳлайди.

Керакли адабиётлар:

1. Юровской Е.Е. , Кривогуза И.М. Новая история стран Европў и Америки. М: «Вўсшая школа» 1998.г
2. Освободительнўе движения народов Австрийской империи: и развитие конец XVIII В. М 1980.г

4-мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:

1. Австрияда Чехларнинг ўз – ўзини бошқариш ҳаракати. 1-адабиёт. 116-128 бетлар.
2. Австрия – Туркия урушлари. 2-адабиёт. 98-105 бетлар
3. Австрия маданияти ва санъати. 3-адабиёт. 226-252 бетлар

Ушбу топшириқлар саволларига қуйидаги адабиётлардан жавоб топасиз.

1. Юравоской Е.Е. Новая история стран Европў и Америки. М: Вўсшая школа. 1998г.
2. Освободительнўе движения народов Австрийской империи и развитие конец XVIII В. М 1980.г.
3. Кертман. Л.Е. История культурў стран Европў и Америки. М: «Вўсшая школа» 1987.г.

1-модул бўйича якуний хулосалар:

XVII – XVIII асрларда Ғарбий Европадаги инқилоблар ва давлатчилик тараққиётининг усуллар ёрдамида қуйидаги асосий хулосаларга келиш мумкин:

1. XVII асрга келиб ғарбий Европада феодал – абсолют тузумлар инқирозга учрай бошлади ва янгича товар – пул муносабатлари, ижтимоий фикрлар шаклланиб одамлар идрокида инқилоб ясади. Бу ҳол Англия ва Франциядаги инқилобларга сабаб бўлиб, бу инқилоблар халқаро аҳамиятга молик воқеа бўлди.
2. Англия ва Франциядаги инқилоблар натижасида давлат бошқарувининг Янги шакллари конституцион монархия ва Республика турлари шаклланди. Ўтиш даврида бошқарувнинг муқобил вариантлари протэкторлик, директория, консуллик ва императорлик усуллари ҳам синовдан ўтказилди.

3. Немис миллатининг тўла шаклланиши учун сиёсий тарқоқликка чет эл зулмига барҳам беришдек мураккаб вазифани ҳал этиш долзраб вазифа бўлиб қолди. Бу немис маърифатпарварлари ғояларида ҳам ўз ифодасини топди. Немис давлатлари ичида фақатгина Пруссия ҳар томонлама мустақил ва кучли бўлиб келажакда шу давлатгина Германияни бирлаштиришга ҳақли эди.

4. Жануби – Шарқий Европа халқларини босиб олган Австрия империяси миллий ҳудудий, диний низоларнинг энг йирик маркази бўлиб бу ерда шовинизм ички ва ташқи сиёсатга ҳал қилувчи таъсир кўрсатди.

5. XVII – XVIII асрлар европада юз берган саноат инқилоблари янги даврга йўл очиб берди.

Ўз – ўзини текшириш учун саволлар.

1. Узоқ парламент фаолиятига баҳо беринг.
2. Якобинчилар календари қандай хусусиятга эга?
3. Меркантилизм сиёсати деганда нимани тушунаси?
4. Гугенотлар ҳаракати қандай ҳаракат?
5. Немис давлатлари қандай бошқарилган?
6. Немис давлатларида ерга эгалик қилишнинг қандай усуллари мавжуд бўлган?
7. Маърифатли абсолютизм сиёсати тушунчасига изох беринг.
8. Австрия адабиёти ва санъати тараққиётида Италия услубининг таъсири қандай бўлди?
9. Австрия мероси учун уруш қандай натижалар билан якунланди?
10. Янги тарихни даврлаштиришни асосий муаммоси нимада?

1-модул бўйича тавсия қилинган адабиётлар:

1. Юравоской Е.Е. Новая история стран Европў и Америки. М: Вўсшая школа. 1998.г
2. Освободительнўе движения народов Австрийской империи: и развитие конец XVIII В.М 1980 г.
3. Кертман. Л.Е. История культурў стран Европў и Америки. М: «Вўсшая школа» 1987.г
4. «Янги тарих» I – том. Т: «Ўитувчи». 1967.й.
5. Историография истории нового времени стран Европў и Америки. М: «Вўсхая школа». 1990 г.
6. Новая история. I – часть. М: «Просвехҳения» 1972 г.
7. Очерки истории науки и техники. 1870 – 1917 гг. М: «Просвехҳения» 1988 г

- 8..Поршнеv Б.Ф. Тридцательная война и вўступление в неё Швеции и Московского государство. М: МГУ. 1961.г
9. Лампрект К. История Германского народа. М: Вўсшая школа. 1985. Т-2
10. В.Ф. Семёнов. Ўрта асрслар тарихи.Т. 1973.
- 11.Альперович М.С. История Латинской Америки. М: Вўсшая школа. 1981 г.
- 12..Василика М.А. Политология. М: Гардарики. 2001г.

Шимолий Америкадаги мустақиллик урушининг ва Франция инқилобининг ахамияти ва халқаро муносабатларга таъсири.

1- мавзу. Шимолий Америкада мустақиллик учун уруш. АҚШнинг ташкил топиши.

Ажратилган вақт: 4 соат

Асосий саволлар:

1. Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакалари мустақиллик учун уруш арафасида
2. Урушнинг бошланиши. Харбий ҳаракатлар.
3. Мустақиллик учун уруш ва халқаро муносабатлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Индеецлар, инглиз колониялари, Б.Франклин, Т. Жеферсон, Ж.Вашингтон, 7-йиллик уруш, «Бостон чойхўрлиги», биринчи контингентал конгресс, Саратога жанги, АҚШ конституцияси.

Мавзуга оид муаммолар:

- 1.1. Америка миллати шаклланишининг асосий омиллари нимада.
- 1.2. Федератив бошқарувнинг АҚШ сиёсий ҳаётида ўзгармаслиги.

1-асосий савол бўйича дасрнинг мақсади:

Инглиз мустамлакаларининг ижтимоий, иқтисодий тараққиёти, европаликлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги муносабатлар, иммигрантларнинг тафаккури ва Англия қироллигидан мустақил бўлишга интилишларини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсади:

1.1. Англия колонияларидаги тараққиётга хизмат қилувчи ички ва ташқи омилларга баҳо беради.

1.2. Колонияларда мустақиллик ҳаракатларини ривожлантирган илғор таълимотлар аҳамиятини англайди.

1.3. Колониялар ва Англия қироли ўртасидаги зиддиятларни тушунади.

1-савол баёни:

XVIII асрдан бошлаб Шимолий Американи Испания, Франция, Англия, Нидерландлар ўзлаштира бошладилар. Шимолий Америкага XVI аср охирларида келган инглизлар узоқ тура олмадилар. Доимий мустамлакага айлантириш 1607 йилдан, яъни Виргиния деб номланган мустамлака барпо қилингандан кейин бошланди.

«Май гули»кемасида келган мустамлакачи пуританлар (зиёратчи рухонийлар) 1620 йилда Нью—Плимутга асос солдилар. Аста — секинлик билан Атлантик

океани соҳилида 13та мустамлака вужудга келди {шимолий мустамлакалар—ЯнгиАнглия:Нью—Гемпшир,Массачусетс, Коннектикут, Род—Айленд;марказий—Нью—Йорк, Пенсильвания, Нью-Джерси, Делавер жанубий—Виргиния, Мэриленд,Шимолий Каролина, Жанубий Каролина ва Джорджия).

Бошқа мамлакатларнинг Шимолий Америкадаги мустамлакаларидан фарқ қилиб, инглизларга қарашли мустамлакаларнинг аҳолиси тезроқ кўпаймоқда эди. Бунга дастлабки жамғарма деб аталган жараён Англияда деҳқонларнинг ердан маҳрум қилиниши натижасида уларнинг мустамлакаларга эмиграциясининг кучайиши, шунингдек диний таъқиблар сабаб бўлди.

Территориялар учун кураш бошқа мустамлакачилар билангина олиб борилмасдан, балки биринчи галда, бу ерларнинг эгаси бўлган хинду қабилалари билан олиб борилди. Мустамлакачиларнинг хиндуларни қулларга айлантириш йўлидаги уринишлари ҳеч қандай натижа бермади.Американи колонизация қилиш ишчи кучларнинг оммавий импорт билан ифодаланди. Шимолий Американинг колонизацияси Европада феодал тартиблардан капиталистик муносабатларга ўтиш даврида бўлиб ўтарди. Инглиз қироли ва ер аристократияси (зодагонлари) мустамлакаларда феодал тартибларни ўрнатишга интилар эдилар. Аграр, савдо — сотиқ саноат ва бошқа соҳаларда метрополия ва мустамлакалар ўртасидаги зиддиятлар кескинлашарди. Англия мустамлакаларга хомашё манбаи ва саноат молларини сотиш бозори сифатида қарар эди. Инглиз ҳукумати мустамлакаларни иқтисодий ўсишига тўсқинликлар қилар эди, кўплаб чеклашлар жорий этилган эди.

Маъмурий жихатдан ҳам Англиянинг эътибори мустамлакалардаги сиёсий ҳаётни ўз назоратида ушлашга қаратилган эди.Барча тилга

олинган зиддиятлар метрополия ва мустамлакалар ўртасида тўқнашувни муқаррар қилар эди.

XVIII асрнинг ярмига келиб ҳудудий, маданий, иқтисодий ва тил бирлиги янги миллат пайдо бўлишига асос солди. Бу даврга келиб мустамлакалар аҳолисининг кўпчилиги ўзини америкаликлар деб аташарди.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

Мустақиллий учун урушнинг бошланиши, иммигрантлар армияси ва Англия қироллиги армияси ўртасидаги жанглар тафсилотини ёритиб бериш.

Идентив ўқув мақсади:

1.1. Колониялар ва Англия қироллиги ўртасидаги низоларнинг кучайиши тарихий зарурият эканлигини эътироф этади.

1.2.Ж. Вашингтон армиясининг қирол армиясига қарши жанг қилиш мағлубиятлар ва ғалабалар сабабларига баҳо беради.

1.3. Континентал конгресснинг уруш мобайнида амалга оширган чора тадбирларини билади.

2-савол баёни:

Мустақиллик учун уруш арафасида Америка маърифатчилиги ривож топди. XVIII асрнинг ўрталарида коллежлар сони ортди, саводхонлик ўсди, табиий фанлар ривож топди, босма нашрлар сони кўпайди, жамоат кутубхоналари пайдо бўлди. Маърифатчилардан Бенджамин Франклин (1706—1790), Томас Джефферсон (1743-1826), Томас Пейн (1737-1809) фаолиятлари мустақиллик учун курашда катта аҳамиятга эга эди.

XVIII асрнинг 60—чи йилларида Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакаларида кенг қамровли озодлик ҳаракати бошланди. Бу ҳаракат кейинчалик инқилобий урушга айланди. Зиддиятларнинг кескинлашувига Англиянинг Етти йиллик урушдан сўнг (1756—1763 йй.) мустамлакалардаги сиёсати сабаб бўлди. Қирол Георг III ҳукумати мустамлакачилик зулмини кучайтирди. Инглиз ҳукуматининг сиёсати мустамлакаларда оммавий норозилик чиқишларига олиб келди. Норозилик тўлкинларида «Озодлик ўғлонлари» каби дастлабки инқилобий ташкилотлари пайдо бўла бошлади (1765 й.). Мустамлака аҳолисининг метрополияга қаршилиги кучайиб борди. 1770 йил 5 мартда биринчи қон тўкилди 60—70—йиллар бошларида фермерлик ҳаракати ҳам авж олди. Айниқса бу ҳаракат Шимолий ва Жанубий Каролина, Нью —Йоркда кенг тарқалди. Фермерлик ҳаракати сиёсий ва иқтисодий зулмга қарши норозилик билдирар эди. 1773—1775 йиллар уруш арафасига айланди.

Метрополия мустамлакалар устидан назоратни табора йўқотиб борди, лекин янги чеклашлар ва янги солиқлар киритиш сиёсатидан воз кечмади.

Жумладан, янги «чой солиғи» киритилди. Бу солиқни киритилиши ғазабланиш портлашини келиб чиқарди. 1773 йил декабрида «Бостон чойхўрлиги» бўлиб ўтди. Харакатларни

мувофиқлаштириш мақсадида Корреспондент қўмиталари тузила бошланди.

1774 йил сентябрида Филадельфияда Биринчи Континентал конгресс тўпланди. Конгресс Англия билан узилишни эълон қилмаса ҳам, Англиянинг мустамлакаларига қарши «Бостон чойхўрлигидан» сўнг қўлланган чораларни қатъий қоралади. Конгрессда мустамлакалар аҳолисининг «хаёт, эркинлик ва мулк» га табиий ҳуқуқларини эълон қилувчи Декларация қабул қилинди. Мустамлакаларнинг иқтисодий сиёсатини белгилувчи «Ассоциациялар» тўғрисидаги шартнома қабул қилинди.

Конгресс қарорлари хаётга тадбиқ қилинар эди. Инглиз молларига бойкот олиб борилди. Халқ оммаси қурооланар ва буйсунишни бошқа хохламас эди.

1775— 1783 йиллардаги мустақиллик учун уруш асосий икки масалани хал қилишга қаратилган эди: миллий мустақилликни қўлга киритиш, эски ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий институтларни йўқотиш.

Уруш даврида мустамлакалар ичкарасида кескин сиёсий кураш борар эди.

Аҳоли деярли икки лагерга бўлинди: ватанпарварлар ва лоялистлар. Ватанпарварларнинг маркази Янги Англия мустамлакалари бўлса, лоялистларнинг таянч нуқталари Нью-Йорк, Джорджия, Жанубий Каролина штатлари эди.

Қуроолли кураш - 1775 йилнинг баҳорида бошланди. Дастлабки жанг 19 апрелда Бостон ёнидаги Лексингтон ва Конкордда бўлиб ўтди. Инглизлар ватанпарварларнинг қуроол—аслаха омборини қўлга киритишга уриндилар. Лекин уларнинг хужумлари минитменлар томонидан қайтарилди. Тез орада Бостон атрофида 20 минглик «озодлик лагери» пайдо бўлди. Лексингтон ва Конкорд атрофидаги жанг мустамлакаларда қуроолли курашга даъват бўлди. Волонтерлар (кўнгиллийлар) отрядлари партизан урушини бошлаб юбордилар.

Мустамлакачиликка қарши кенг тарқалган кураш ягона бошқарув марказини талаб қилди. 1775 йил майида очилган Иккинчи Континентал конгресс армия бошқарувини ўз қўлига олди ва бош қўмондон этиб Виргиниялик плантатор Джордж Вашингтонни тайинлади. 4 июль 1776 йилда эса тарихий воқеа содир бўлди. Бу куни Конгресс янги мустақил давлат—Америка Қўшма Штатлари барпо этилганлигини эълон қилувчи Мустақиллик

Декларациясини қабул қилди. Декларациянинг муаллифи Томас Джефферсон эди.

Мустақиллик учун курашнинг энг юксак чўққиси 1776— 1777 йилларга тўғри келди.

Харбийҳаракатларбошланишидавридакучларнисбатида метрополия устунлик қилар эди.1776 йил март ойида ватанпарварлар Бостонни қўлга киритдилар. 1777 йил ёзида инглизлар Филадельфияни эгаллашди, Континентал конгресс Балтиморга кўчди.Уруш давомида тажрибасиз ва ёмон тайёрланган инқилобий армия катта моддий қийинчиликларни бошидан ўтказарди. Марказий ҳудудларга кириб бораолмаган инглизлар Янги Англияни бошқа мустамлакалардан узиб ташлашга интилдилар. Канададан жўнатилган Едагойин бошчилигидаги 7 минглик армия Хоу армияси билан Нью—Йоркда бирлашиши керак эди. Лекин бу армия қуршаб олинди ва Саратога ёнида таслим бўлди (17 октябрь 1777 й.). Бу урушнинг бурилиш нуқтаси эди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ж.Вашингтон армиясининг дастлабки мағлубиятлари сабаблари нимада эди?
2. «Бостон чойхўрлиги» воқеасига баҳо беринг?
3. Континентал конгресс чақирилишининг аҳамияти нимада бўлди?

3-савол бўйича дасрнинг мақсади.

Мустақиллик учун урушнинг халқаро муносабатларга таъсири, Франция , Россия каби давлатларнинг тутган позицияси, Англиянинг мағлубиятига учрашини, мустақил АҚШ давлатининг ташкил топишини батафсил тушунтириш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Ж.Вашингтон армиясининг Англия армияси устидан ғалаба қозониш учун амалга оширган тадбирларини билади.
- 1.2. Франция, Россия, Испания давлатларининг Англияни заифлаштириш учун Ж.Вашингтон армиясини қўллаб - қувватлашига баҳо беради.
- 1.3. Англиянинг мағлубиятга учраши ва мустақил АҚШ давлатининг ташкил топиши тарихий қонуният эканлигини эътироф этади.

3-савол баёни:

Саратогадаги ғалаба АҚШнинг халқаро ахволини яхшилади. АҚШ, Англия ва бошқа Европа давлатлари ўртасидаги зиддиятларидан фойдаланди. Франция ва Испания Америка мустамлакаларининг кўзғолонидан фойдаланиб Англияга зарба беришга интилдилар. 1778 йили Англияга Франция уруш эълон қилди. Голландия ва Испания эса 1779 йилда уруш эълон қилишди. Россиянинг муносабати АҚШ учун қулай эди. 1780 йили Россия қуролли бетарафлик сиёсатини эълон

қилди. «Бетарафлар лигасининг» тузилиши Англиянинг яккаланишига олиб келди.

1778—1781 йилларда инглизлар харбий ҳаракатларни жанубий штатларга олиб ўтдилар. Инглиз қўшинлари бир неча ғалабага эришган бўлсалар ҳам, мамлакатнинг ичкарисига кира олмадилар. Фермерларнинг партизан ҳаракатлари инглиз армиясини толиқтирар эди. 1781 йилнинг кузида Вашингтон армияси француз бўлинмалари билан биргаликда Корнуоллис қўмондонлигидаги инглиз армиясини Йорктаун шаҳри ёнида (Виргиния) қуршаб олди. Денгиздан француз флоти америкаликларга ёрдам берар эди. 1781 йил 19 октябрда Корнуоллиснинг 7 —минглик армияси таслим бўлди. Бу урушнинг якуни эди. 1783 йилги Версаль шартномаси бўйича Англия АҚШнинг мустақиллигини тан олди. 1787 йилда эса АҚШнинг демократик конституцияси қабул қилинди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Англия армияси мағлубиятига сабаб бўлган омилларга баҳо беринг.
2. Йирик давлатлар мустақил АҚШ давлати ташкил топишига қандай муносабатда эдилар?
3. АҚШ конституцияси ўз даврининг энг илғор ҳужжат эканлигини тасдиқловчи омиллар нимада?

Назорат топшириқлари:

1. Шимолий Америкага Европадан иммиграциянинг кучайиши нимада?
А. Диний табақалар.
Б. Деҳқонларнинг ердан маҳрум қилиниши.
С. Буюк географик кашфиётлар.
Д. А, Б, С
Е. Тўғри жавоб йўқ
2. Шимолий Америкада биринчи асос солинган инглиз колонияси қандай номланади?
А. Виргиния
Б. Нью – Йорк
С. Жоржия
Д. Алабама
Е. Делавер
3. Машҳур «Бостон чойхўрлиги» воқеаси қачон бўлиб ўтди?
А. 1770 йил май
Б. 1771 йил январ
С. 1773 йил декабр
Д. 1774 йил аперл
Е. 1775 йил июнь
4. «Волонтерлар» кимлар?
А. Қирол одамлари
Б. Кўнгиллилар

- С. Қароқчилар
- Д. Партизанлар
- Е. Террорчилар

5. Қуйидаги шахслардан қайси бири мустақиллик декларациясининг муаллифи ҳисобланади?

- А. Т.Пейн
- Б. Ж.Вашингтон
- С. Б.Франклин
- Д. Т.Жеферсон
- Е. А.Линкольн

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 2. Кўп миллатли АҚШда сепаратизм иллатининг йўқлиги сабабларинини ноаниқлиги
- 3. «Америка руҳи» тушунчасига берилган баҳоларнинг етарли емаслиги.

2 - Мавзу: БУЮК ФРАНЦУЗ ИНҚИЛОБИ.

Ажратилган вақт : 4соат

Асосий саволлар:

- 1. Буюк Француз инқилобининг бошланиши.
- 2. Ўтиш даврида Франциянинг ички ва ташқи аҳволи.
- 3. Термидор воқеалари Директориянинг ўрнатилиши.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Генерал штатлар, учинчи табақа, миллий таъсис мажлиси ислохатлари, жирондистлар, якобинчилар, коалиция қўшинлари, термидор воқеалари, директориянинг ички ва ташқи сиёсати.

Мавзуга оид муаммолар:

- 1. Францияда Республика бошқарувининг тез ўзгариши.
- 2. Якобинчилар қарашларидаги тафовутларнинг негизлари.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Француз инқилобининг сабаблари монархистлар ва республикачилар ўртасидаги қураш, монархиянинг афдарилишини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1.Француз инқилобининг сабабларини аниқлайди.
- 1.2.Монархистлар ва Республикачилар ўртасидаги тўқнашувлар жараёнини билади.
- 1.3.Монархия афдарилишининг тарихий қонуният эканлигини эътироф этади.

1-савол баёни:

XVIII аср 80 йиллар охирига келиб Францияда феодал абсолютик тузумнинг инқироzi кучайди. Мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ахволи ёмонлашди. 1787 -1789 йилларда савдо – саноат инқироzi кенг тарқалди. Қашшоқланиш, ишсизлик, танглик шаҳар ва қишлоқларни қамраб олди. Давлат молияларнинг ахволи ҳам жуда оғир эди. Монархия молиявий банкротлик арафасида эди. Вазиятни тўғрилашда имтиёзларга эга юқори табақаларга таяниш мақсадида чақирилган (1787 й.) «нотаблар» мажлиси абсолютизмни қўллаб қувватламади ва 1614 йилдан бери чақирилмаган Генерал штатларни тўплашни талаб қилди. Бундай талабни учинчи табақа кенг доиралари ҳам илгари суришди. Хукумат ён беришга рози бўлди. Людовик XVI молиялар бош директори лавозимига мўътадил ислохотлар тарафдори Швейцариялик банкир Неккерни тайинлади. Генерал штатларнинг чақирилиши 1789 йил баҳорига белгиланди. Генерал штатларга сайловлар халқ ҳаракатининг фаоллашувига туртки бўлди. Бу ҳаракат давомида 450 га яқин ғалаёнлар бўлиб ўтди.

1789 йил 5 майда Версалда Генерал штатлар очилди. 270 депутат дворянлардан, 291 — рухонийлардан ва 578 депутат учинчи табақадан эди. Учинчи табақа депутатлари халқ қўллаб қувватлашини сезган ҳолда вакилликнинг табақавий тамойилини рад этишди ва 17 июнда ўзларини Миллий мажлис деб эълон қилишди. 20 июнда тўпланган учинчи табақа депутатлари конституция ишлаб чиқилмагунча тарқалмаслика қасамёд қилишди. Дворянлар вакиллари қиролга норозилик жўнатишди. 23 июнда Людовик XVI учинчи табақа қарорлари бекор қилиниши ва «феодал ва сеньориал мулк, дастлабки икки 26 табақаларнинг фойдали ҳуқуқлари ва фойдали имтиёзлар» масалаларини Генерал штатлари тасарруфидан чиқарилишини эълон қилди. Лекин учинчи табақа депутатлари қирол буйруғига бўйсунитишни рад этишди. Уларга либерал дворянлар ва рухонийларнинг салмоқли қисми қўшилишди. 1789 йил 9 июлда Мажлис ўзини «Миллий таъсис мажлиси» деб эълон қилди.

Сарой аҳли ва Людовик XVI бошланаётган инқилобни куч ишлатиш билан бостирмоқчи бўлди. Парижга харбий қўшинлар (20 минг) тортилди. 11 июлда Неккер лавозимидан бўшатилади, ҳукумат тепасига реакция барон Брейтель тайинланди. 13 июлда шаҳар қўзғолон билан қамраб олинган эди. Қўзғолоннинг энг юксак чўққиси Бастилияни (сиёсий маҳбуслар қамоғи) олинитиш бўлди.

Бастилиянинг олинитиш Француз инқилобининг бошланиши ва биринчи ғалабаси эди. Шаҳарларда «муниципал инқилоблар» бўлиб ўтди. Барча ерларда милиция отрядлари (Миллий гвардия) ташкил этилди. Инқилобий воқеалар қишлоқларда ҳам халқ кўтарилишига, кўплаб қўзғолонларга олиб келди. 1789 йил ёзидан 1793 йилгача деҳқонлар инқилобининг асосий оммавий таянчи ва ҳаракатлантирувчи

кучига айланди. 1789 йил қузғолонининг асосий сиёсий натижаси — абсолютизмнинг деярли қулаши эди.

1789 йилда Таъсис мажлис икки муҳим қонунчилик актини қабул қилди. 4-11 августларда қабул қилинган декретларга қура черков десятинаси, сеньорларнинг дехқон ерларида ов қилиш ҳуқуқи, дехқонларнинг шахсий феодал мажбуриятлари, сеньориал судлар ва бошқалар тўловсиз бекор қилинди. Ер билан боғлиқ мажбуриятлар сеньорлар мулки деб тан олинди ва тўлов эвазига бекор қилинарди. Алохида жойлар, ҳудудлар, 27 провинциялар ва шаҳарларнинг турли имтиёзлари ва эркинликлари ҳам бекор қилинди.

26 августда Таъсис мажлис «Инсон ва фуқаро декларациясини» қабул қилди. 17 банддан иборат Декларацияда халқ суверенитета, қонун олдида барчанинг тенглиги, ҳар қандай лавозимни эгаллаш ҳуқуқи, сўз ва матбуот эркинлиги, диний тоқатлик, шахсий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи эълон қилинди. Бастилия эгаллангандан сўнг мамлакатдан задагонлар — аксилинқилобчиларнинг эмиграцияси бошланди.

Инқилобга қўшилишини эълон қилган Людовик XVI амалда Декларацияни қўллаб — қувватлашдан воз кечди, 4- 11 август декретларини тасдиқламади. Версальга қиролга содиқ қўшинлар тортила бошланди. Давом этаётган иқтисодий инқироз, озиқ — овқатнинг етишмовчилиги, қимматчилик халқ норозилигини кучайтирди. 5 октябрда 20 минг парижликлар Версалга йўл олишди. Халқ оммасига Парижнинг миллий гвардияси ҳам қўшилди. 6 октябрда халқ талаблари остида қирол оиласи Версалдан Парижга қўчишга мажбур бўлди. Парижга Миллий мажлис ҳам кўчди. Людовик XVI Декларациясини қўллаб қувватлашга ва 4—11 август декретларини тасдиқлашга мажбур бўлди. Таъсис мажлис ўз мавқеини мустаҳкамлаб, мамлакатда ўзгартиришлар олиб борарди. Мажлисда устиворлик мавқеларга мўътадил монархист конституционистлар эга эди. Улар ичида либерал дворянлар, Айниқса маркиз Лафайет ва граф Мирабо, етакчилик қилар эдилар. Сўл депутатлар ичидан эса аррислик адвокат Максимилиан Робеспьер ажралиб турарди. Таъсис мажлис табақавий имтиёзларни, меросий дворянлик институтини, дворянлик герблар ва унвонларни, цех тизимини ва давлат чеклашларини бекор қилди. Ички божлар ва 1786 йили Англия билан тузилган савдо шартномасининг бекор қилинишн миллий бозорнинг шаклланишига ва уни хорижий Рақобатдан химоя қилинишига олиб келди.

Лекин, шу пайтнинг ўзида Таъсис мажлис ишчи итгиҳоқлар ва стачкаларни маън қи қиладиган Ле Шапелье қонунини қабул қилди (1791 й.). Таъсис Мажлис томонидан 1790 йил март — май ойларида қабул қилинган қонунлар ер егалигининг феодал ҳуқуқий тизимини йўқ қилди, шахсий мажбуриятларнинг тўловсиз бекор қилинишини тасдиқлади. Лекин, асосий, ер билан боғлиқ «реал» мажбуриятлардан

озод бўлиш кўпчилик деҳқонлар учун имконсиз эди: тулов 20 — 25 йиллик рента хажмида эди.

1769 йил 2 ноябрь декрети буйича Таъсис мажлис черков ер эгаликларини мусодара қилди. Миллий мулк деб эълон қилинган бу ерлар давлат қарзини қоплаш учун сотиб юборилди.

1791 йил сентябрида Таъсис мажлис конституцияни ишлаб чиқаришни якунлади Конституция Францияда конституцион монархияни ўрнатди. Қонунчилик ҳокимият қонунчилик мажлисига, ижроия ҳокимият эса меросий монарх ва тайинланган вазирларга топширилди. Франция тоғ ва дарёлар номларини олган 83 департаментга бўлинди. Бу ердаги бошқарув идоралари сайлов асосида шаклланди. Янги ягона суд тизими ҳам судьяларнинг сайланиши тамойилига асосланди.

Католик черкови давлат хизматига ўтди. Рухонийлар ва епископлар фуқаролар томонидан сайланар, давлатдан маош олар ва конституцияга содиқликларига қасамёд қилар эдилар. Рим папасига тўловлар ва маъмурий қарамликдан француз черкови озод этилди.

Цензлик ва икки босқичлик сайлов тизими киритилди. Факатгина «актив» (фаол) фуқаролар, 25 ёшдан ошган ва 1,5 — 3 ливрдан кам бўлмаган солиқ тўлаган эркаклар, овоз ҳуқуқига эга бўлишди. Бундай фуқароларнинг сони 4,3 млн. киши эди.

Халқ, ҳаракатига қарши 1789 йил октябрь ойида «харбий ҳолат тўғрисидаги қонун» қабул қилинди. Бу қонун «исёнкор йиғинлар»га қарши маҳаллий ҳокимиятга қуролли куч ишлатиш ҳуқуқини берди. Авж олган ижтимоий сиёсий курашда сиёсий клубларнинг ўрни катта эди. Жумладан, 1789 йилда тузилган якобинчилар клуби ва бошқалар катта таъсирга эга эди. Инқилоб кўплаб рўзномаларнинг пайдо бўлишига имкон яратди. Жумладан Жан Поль Марат (1743—1793) босиб чиқарган «Халқ дўсти», Жак Рене Эбернинг (1757 — 1794) «Дюшен ота» каби рўзномалар катта эътиборга эга эди. 1791 йил 21 июнда қирол оиласи махфий равишда Парижни тарк этди ва шарқий чегарага жўнаб кетди. Бу ерда турган армия, эмигрантлар отрядлари ва Австриянинг ёрдамига таяниб Людовик XVI Миллий мажлисни тарқатиб юборишни ва ўз ҳокимиятини тиклашни ният қилган эди. Лекин Варенн деган жойда тутиб олинган қирол оиласи Парижга қайтарилди. Республикачи кайфиятдаги қарши мўтадил конституцион монархистлар ўртасида кураш борарди. Шу даврда Якобинчилар клубида ҳам сиёсий бурилиш рўй берди. Лафайет ва Барнав тарафдорлари, либерал монархистлар, клубни тарк этишди. 1791 йил сентябрида мажлис Людовик XVI томонидан қабул қилинган конституциянинг якуний матнини маъқуллади. Таъсис мажлис ўрнини ценз тизими асосида сайланган қонунчилик мажлиси эгаллади.

Шу пайтга келиб ҳам мажлисда, ҳам якобинчилар клубида катта таъсир кучига жирондчилар(Жиронда департаментида сайланган депутатлар)эга бўлишди. Улар савдо,тадбиркорлик экинлиги, иқтисодиётга давлатнинг аралашмаслиги, ички бозор протекционизми ташқи бозорнинг кенгайтирилиши каби тамойилларни ёқлаб чиқишди.Рухонийларнинг инқилобга қарши чиқиши ва конституцияга қасамёд қилишдан воз кечиши вазиятни кескинлаштирди.

Француз инқилобини бўғиб ташлаш мақсадида Австрия ва Пруссия 27 август 1791 йилда Саксониянинг Пильниц қасрида Людовик XVI га харбий ёрдам бериш тўғрисидаги декларацияни қабул қилишди. Шундай қилиб Францияга қарши биринчи коалиция тузилди.

Урушнинг бошланишини Франциянинг ичкарасидаги сиёсий кураш тезлаштирди. Бу курашда жирондчиларнинг қарашлари, яъни Франция узи инқилобий уруш бошлаши керак деган фикр, устун келди. 1792 йил март ойининг охирида Людовик XVI жирондчилардан иборат вазирлик тузди, 20 апрелда эса Франция Австрияга уруш эълон қилди. Шу дамдан бошлаб уруш француз инқилобининг боришига таъсир кўрсата бошлади.Урушнинг бошланиши Франция учун муваффақиятсиз кечди. Тартибсизланган ва ўргатилмаган, қолаверса ёмон қуролланган, армия мағлубиятга учрайверди. 6 июлда урушга Пруссия ҳам қўшилди. Қиролича Мария Антуанетта (Австрия императорининг синглиси) французларнинг харбий режаларини австрияликларга етказиб турди.Бутун халқ ватан химоясига отланди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Генерал штатлардаги учинчи табақа нима учун ўзларини миллий мажлис деб эълон қилдилар?
2. Абсолют монархия инқирозининг сабаблари?
3. Нима учун дастлаб конституцион монархия бошқаруви йўлга қўйилди.

2-асосий савол бўйича дасрнинг мақсади:

Ўтиш давридаги жирондистлар якобинчилар бошқаруви уларнинг ички ва ташқи сиёсатининг ижобий ва салбий томонларини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Жирондистлар республикаси фаолиятига баҳо беради.
- 1.2. Якобинчиларнинг ислохатлари ва улар диктатурасининг салбий оқибатларини англайди.
- 1.3. Ўтиш давридаги ҳукуматларнинг ташқи душманлардан ҳимояланишини тушунади.

2-савол баёни:

Сиёсий инқироз пайтида демократик ҳаракат монархияни йўқ қилиш талабини илгари сурди. Бу талабни Марат, Дантон, Рабеспьер каби инқилоб етакчилари ҳам қуллаб қувватлашди. Монархия тартиботининг ағдарилиши 1792 йил 10 августда Парижда амалга оширилган қўзғолон туфайли руёбга чикди.

Қонунчилик Мажлиси Людовикни тахтдан махрум қилди, қирол оиласи қамоққа олинди. Мажлисида ва Муваққат ижроия кенгашида (хукуматда) жирондчилар етакчилик қила бошладилар. Париж коммунаси ҳам катта таъсирга эга бўлди.

26 — 28 августда қабул қилинган декретларга кўра феодал мажбуриятлар тўловсиз бекор қилинди, 14 август декрета буйича эса деҳқонларга эмигрантлар ерларидан кичик участкалар бериш (рента пули эвазига) ва жамоа ерларини бўлиб бериш ҳуқуқи берилган эди.

19 августда Пруссия Австрия армияси (эмигрантлар корпуси билан) Франция чегарасини бузиб ўтди. Парижга олиб бориладиган йўлда Верден қалъаси душман қўлига ўтди. 20 апрелда Вальми ёнида Дюмур қўмондонлигидаги инқилобий армия пруссияликларни чекинишга мажбур этди; коалиция қўшинлари Францияни тарк этди. Бундан ташқари октябр ноябрь ойлари французлар бир қанча немис шаҳарларини, Бельгияни, Савойя ва Ниццанини эгаллашди.

20 сентябрда Миллий конвент ўз ншини бошлади (янги сайланган). 21 сентябрда қироллик ҳокимиятини йўқ қилиш тўғрисида декрет қабул қилинди. 22 сентябрда эса Франция республика деб эълон қилинди.

Шу даврда

Жиронда ва тоғ ўртасида сиёсий кураш авж олди. Тоғ ёки монтаньярлар деб конвентда юқори курсиларни эгаллаган депутатларнинг сўл қанотини аташарди. Монтаньярларга Дантон, Робеспьер,

Сен Жюстлар раҳбарлик қилардилар. Монтаньярларнинг кўпчилиги якобинчилар клубининг аъзолари эди. Якобинчилар тенглаштириш гояларини

илгари сурдилар. Улар хаддан ташқари камбағаллик ёки бойликсиз республика тарафдорлари эди. Шунинг учун омманинг кўпчилиги улар тарафида эди. Жирондчилар эса, ўз навбатида, инқилобнинг чуқурлаштирилишига қарши эди. Жирондчилар фикрига кўра инқилоб ўз мақсадларига тўла эришиб бўлган эди.

Франциянинг ҳарбий ғалабалари уруш ташаббускорлари Жирондчилар мавқеининг кучайишига ёрдам берди. 1792 йилнинг охирига келиб сиёсий кураш майдонида қирол тақдири масаласи марказий муаммага

айланди. Конвент судига топширилган Людовик XVI «миллат озодлиги ва давлат хавфсизлигига қарши ғаламуслигида» айбдор деб топилди ва ўлим жазосига хукм этилди. Жазо 1793 йил 21 январда адо этилди. 1792—1793 йиллар қишига келиб халқ ҳаракати инқилобни чуқурлаштириш талабини илгари сурди. 10 август кўзғалонини халқ «тенглик инқилоби» деб айтди. Тенглик шиорига халқ оммаси нафакат сиёсий, балки ижтимоий тенглаштирувчи маъносини киритди. Парижда халқ ҳаракатининг марказлари сифатида секциялар намоён бўлишди. Секциялар миллий гвардиянинг ўз батальонларига эга эди. Секциялар билан боғлиқ Париж Коммуннасида 1792 йилнинг охиридан бошлаб Кордельерлар Клубининг фаоллари Коммуна прокурори Гаспар Шометт ва унинг ўринбосари Эберлар раҳбарлик қилишарди.

1793 йилнинг баҳорида Франциянинг шимолий ғарбида йирик деҳқонлар ғалаёни кўтарилди. Унинг маркази Вандея деган жойда эди. Вандея исёнига роялистлар раҳбарлик қила бошладилар. Людовик XVI нинг қатл этилиши Францияни нафакат Австрия ва Пруссия, балки Голландия, Испания, Португалия, Герман ва Италия давлатлари билан уруш ҳолатига киритиб қўйди. Россия Франция билан дипломатик муносабатларини узди. Англия коалициянинг ташкилотчисига айланди. Ҳарбий ҳаракатлар натижасида французлар Бельгия ва Рейн дарёсининг чап соҳилидаги немис ҳудудларидан суриб чиқарилди.,

Жиронда республикани ҳимоя қилишга қодир бўлмади. Фавқулодда ҳимоя чораларни кўриш ташаббуси Париж Коммунаси, секциялар ва якобинчиларга ўтди. Жумладан уларнинг босими остида Инқилобий Трибунал, жамоат кутқазиш қўмитаси ташкил этилди. Ун ва донга каттий белгиланган нархлар жорий этилди, бойлардан 1 млрд. ливрга тенг мажбурий зайём олинди. Жирондчилар, ўз навбатида, Коммуна фаолиятини тергов қилиш махсус «12 —лар комиссиясини» тузишди. Эбер, Варле ва бир қатор секциялар фаоллари қamoққа олинди. 29 майда Лионда исён кутарилди ва якобинчилар муниципалитети ағдарилди. Жиронда сиёсати республика ва инқилобга таҳдид сола бошлади.

Бундай шароитда якобинчилар, Париж коммуннаси ва секциялар, Кордельерлар клуби ва бошқалар Жирондани ағдариш мақсадида 1793 йил 31 май — 2 июнда Парижда кўзғолон уюштирдилар. Халққа буйсинишга мажбур бўлган Конвент Бриссо, Верньо ва жирондчиларнинг бошқа раҳбарларини қamoққа олишга буйруқ берди. Кўзғолон натижасида республикада сиёсий ҳокимият тепасига якобинчилар келишди.

Янги Конвент аграр масалани ечишга қаратилган бир қатор декретларни қабул қилди. Жумладан, эмигрантлар ерларини кичик участкаларга бўлиб сотиш, жамоа ерларини деҳқонлар жамоаларининг

мулклари деб эълон қилиш, сеньорлар томонидан босиб олинган ерларни қайтариш ва нихоят, феодал мажбуриятларини тўла йўқ қилиш (1793 йил 17 июль) тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Лекин шу билан бир қаторда, собиқ сеньорлар ўз ер эгаликларини шахсий мулк сифатида САқлаб қолдилар.

1793 йил 24 июнда Конвент Франциянинг янги конституциясини қабул қилди. Унда бир палатали Мажлис, 21 ёшдан ошган эркеклар учун умумий сайлов ҳуқуқлари, демократиик ҳуқуқлар ва эркинликлар назарда тутилган эди. Франциянинг ташқи сиёсатида бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик эълон қилинди. Кейинроқ 1794 йил 4 февралда Конвент мустамлакаларда кулчиликни йўқ қилиш тўғрисида декрет қабул қилди. Шу билан бир қаторда, конституцияда шахсий мулк ҳуқуқи ва ёлланма меҳнат тизими ҳам мавжуд эди.

Июль август ойларида республиканинг ахволи оғирлашди. Коалиция қўшинларининг ҳужуми, Вандее қўзғалонининг кенгайиши ва «федералистик исённинг кучайиши» бунга сабаб бўлди. Конституция ва Конвентни танқид қилиш авж олди. 1793 йил июль ойида Конвент Жамоат қутқазуш қўмитасини қайта сайлади ва унинг ваколатларини кенгайтди. Робеспьер деярли қўмитанинг бошлиғи, Сен Жюст ва Кутон унинг ёрдамчиларига айландилар. Конвент ўзининг ҳаракатларини барча аҳолини сафарбар этишга қаратди. Озик — овқатнинг энг керакли турларига қаттиқ белгиланган нархлар ўрнатилди. «Шубҳалиларни» қамоққа олиш мақсадида инқилобий қўмиталар тузилди. Ва нихоят 1793 йил 10 октябрда Конвент томонидан «бошқарувнинг вақтинчалик тартиби» тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу қонун яacobинчиларнинг инқилобий диктатурасини ҳуқуқий жихатдан расмийлаштирди. Инқилобий ташкилотлар террор сиёсатини кенг қўллашни бошладилар. 1793 йилнинг октябрь ноябрь ойларида қиролича, Таниқли жирондчилар ва фельянлар қатл этилди. Аксилинқилобга қарши курашиш мақсадида киритилган террор энди яacobинчилар орасидаги ички зиддиятларни ечиш усулига айланди.

Яacobинчилар диктатураси инқилоб ва черков ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирди. Черковга қарши кураш католик динининг ўзига қарши курашга айлана бошлади. Рухонийларнинг кўпчилиги инқилобга қарши бўлиб қолди. 1793 йилнинг кузида мамлакатда «христиансизлантириш» ҳаракати авж олди. Яacobинчиларнинг католик култининг куч билан йўқ қилишга қаратилган сиёсатини, «Идрокка сиғиниш» ни киритишга йўналтирилган уринишларини ва бошқа ҳаракатларни халқнинг кўпчилиги қўллаб қувватламади. Бундан ташқари, антиклерикал сиёсат инқилобнинг халқаро мавқеини мураккаблаштирди. Шу

сабабли, Робеспьернинг талаби билан Конвент 1793 йил 6 декабрда қўллар эркинлигини тасдиқлади.

Якобинчилар инқилобни инсоният тарихидаги янги давр бошланиши ва ўтмиш билан бутунлай ажралиш деб билишарди. 1793 йилнинг октябрида Конвент янги республика календарини (1806 йилгача амалда бўлди) ва янги йил хисобини киритди.

Янги давр республиканинг 1 йили республика тузилган санадан (22 сентябрь 1792 йил) бошланди. Ойларнинг номи табиат ходисалари билан аталадиган бўлди: брюмер — туманлар ойи, термидор — иссиқлик ойи ва хакозо. Тенглик рамзи сифатида «сен» мурожаати киритилди.

Маориф соҳасида Францияда биринчи бор бепул умумий бошланғич таълим киритилди. Олий таълим ва маданият соҳаларида муҳим муассасалар ташкил этилди. Санъат ва ҳунарлар консерваторияси, Мусиқа консерваторияси Луврдаги музей, Политехника мактаби, Миллий кутубхона, Миллий архив ва бошқалар.

Санъатда инқилобий классицизм йўналиши устиворлик қилар эди. Сентиментализм ғоялари, табиат ва сезилувчанликка сиғиниш ривожланарди.

Республика мудофаасини ташкил қилиш учун якобинчилар миллатнинг барча кучларини сафарбар қилдилар. Қисқа муддатда оммавий ва янги ташкил этилган миллий армия тузилди. Мамлакатнинг моддий ресурслари мудофаага жалб этилди. Янги мануфактуралар қурилди. Қилинган ишлар ўз самарасини берди. 1794 йилнинг бошига келиб коалиция қўшинлари Франциядан суриб чиқарилди. 1794 йил 26 июнда французлар армияси Флерюсдаги жангда австрияликларнинг асосий кучларини мағлуб этишди. Бельгияга йўл очилди. Лекин шу пайтдан бошлаб якобинчилар блокининг ичкарасида сиёсий зиддиятлар кучайди. Раҳбарлик қилаётган Робеспьер тарафдорлари робеспьерчилар радикал инқилобий қарашларга эга эди. Лекин улардан фарқлироқ, «риояли» ёки мўътадил якобинчилар оқими вужудга келди. Буларга Жорж Жан Дантон (1759—1794) бошчилик қилди. «Риоялилар» инқилобий диктатурани юмшатиш ва бекор қилиш тарафдорлари эди.

«Риоялиларга» қарши «ашаддий» инқилобчилар Париж Коммунасининг, секцияларини, Кордельерлар Клубининг фаоллари ўз ғоялари билан чиқардилар. Жумладан, Эбер, Шометт каби сиёсатчилар «муқаддас гильотина»ни ёқлаб чиқардилар, тенглаштирувчилик чоралари тарафдорлари эди.

Робеспьерчилар, «риоялилар» ва «ашаддийлар» ўртасидаги сиёсий кураш 1794 йилнинг баҳорида ўз чўққисига етди. Эбер Кордельерлар клубида Конвентни «Янги бриссочилардан» (мўътадиллардан) тозалашга ва кўзғолон кўтаришга чақирди. Лекин, на секциялар на

Шометт бошчилигидаги Коммуна бу чақирикни қўллаб қувватламади. Якобинчилар ҳукумати бунга қарамасдан репрессиялар уюштирди. Эбер ва унинг тарафдорлари инқилобий трибуналга топширилди ва гильотинада қатл этилди. Шометт ҳам шундай тақдирга учради. Коммуна унинг тарафдорларидан тозаланди. Апрель ойида эса мўътадиллар етакчилари Дантон, Демулен ва бошқалар қатл этилди.

Мухолифат раҳбарларини қатл этгандан сўнг робеспьерчилар террор сиёсатини янада кучайтирдилар. Секцияларнинг кўплаб фаоллари қамоққа олинди ва айримлари қатл этилди. Инқилобий армия тарқатиб юборилди. Кордельерлар клуби бекитиб қўйилди. Якобинчилар ҳокимияти заифлашиб борди. Инқилоб даврида вужудга келган янги савдо саноат доиралари тадбиркорлик эркинлигига интиларди ва якобинчилар ҳокимиятини ағдаришга манфаатдор эди. Бундай вазиятда робеспьерчилар жамоат қўллайдиган ҳеч қандай дастурга эга эмасди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Нима учун жирондистлар бошқаруви ағдариб ташланди.
2. Якобинчиларнинг эътиқод соҳасидаги сиёсатининг оқибати қандай бўлди?
3. Француз инқилобининг халқаро муносабатларга таъсири қандай бўлди?

3-асосий савол бўйича дасрнинг мақсади: Термидор аксилинқилобий исёни ва ҳокимятнинг директорияга топширилиши, директориянинг ноўрин сиёсати ва Н.Бонапарт мавқеининг кучайишини ёритиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Якобинчилар ҳокимятининг ағдарилиши сабабларини билади.
- 1.2. Директория бошқарувининг ноўрин ички ва ташқи сиёсатига баҳо беради.
- 1.3. Харбийлар мавқеини кучайиши ва биринчи империя бошқарувига замин таёйирлаганлигига ишонч ҳосил қилади.

3-савол баёни:

Конвентнинг ўзида ҳам Робеспьер ва унинг тарафдорларига қарши фитнанинг шаклланиши тезлашди. Фитнада Баррас, Тальен каби депутатлар етакчилик қилдилар. Конвентдаги «текислик» ҳам улар томонига ўта бошлади. Кўплаб монтаньярлар робеспьерчилар душманига айландилар. Улар Робеспьерни диктатурага интилишда айбладилар. Робеспьерга қарши Жамоат қутқазуш қўмитаси ва Жамоат хавфсизлиги қўмитасининг бир қатор аъзоларп Робеспьерга қарши чиқиб, 27 июнда (9 термидорда) бошланган Конвент мажлисида

Робеспьерни, унинг укаси Огюстенни, Сен Жюстни ва уларнинг тарафдорларини қамоққа олиш тўғрисидаги декретни қабул қилинишга эришдилар.

Коммуна секцияларни қўзғолонга чақирди. Қамоқдан озод этилган Робеспьер ва унинг сафдошлари ратушага олиб келинди. Лекин Робеспьерда аниқ дастур йўқ эди. Парижнинг 48 секцияларидан фақат 16 таси ратушага Миллий гвардиянинг отрядларини жўнатишди. Бўйруқ олмаган гвардиячилар ва канонирлар тўплари билан тарқаб кетишди. Конвент қўшинлари эса ратушага бостириб киришди. 10—термидорда қонундан ташқари деб эълон қилинган Робеспьер, Сен Жюст ва уларнинг сафдошлари (жами 22 киши) гильотинада қатл этилди. 11 — 12 Термидорда яна 83 киши (асосан Коммуна аъзолари) қатл этилди. Якобинчилар диктатураси кулади.

9 —термидордан сўнг ҳукумат ва Конвентда янги молия, савдо — саноат қатламлари ва термидорчилар ҳукмронлик қилдилар. Робеспьерга қарши ҳаракатда қатнашган сўл қанот арбоблари четга суриб қўйилди ва Гвианага сургун қилинди. Халқ ҳаракати фаоллари ва якобинчиларга қарши репрессиялар уюштирилди. «Оқ террор» нэгижасида юзлаб демократлар ўлдирилди. Конвентга 23 жирондачи депутат қайтарилди. Якобинчилар қабул қилган кўплаб ижтимоий ва иқтисодий қарорлар термидорчилар томонидан бекор қилинди. Натижада мамлакатда қимматчилик, инфляция, озик —овқат таъминотининг ўзилиши жуда ўсиб борди.

Норозилик асносида кўтарилган барча чиқишлар шавқатсиз тарзда бостирилди. Бутун мамлакат бўйлаб оммавий қамоққа олишлар кенг тарқалди. Халқ ҳаракатига кескин зарба берилди.

Шу билан бир қаторда, термидордан сунг инқилобнинг асосий ютуқлари сақлаб қолинди. Француз республикаси урушда коалицияни мағлуб этарди. Коалиция аъзоларининг ўртасидаги зиддиятлар бунга ёрдам берди. 1795 йил 5 апрелда Пруссия, Рейн дарёсининг чап қирғоғидаги немис ерларини Франция таркибига киритилишига рози бўлган ҳолда, Франция билан сепарат Базель сулҳини имзолади. Июлда Франция ва Испания ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди.

1795 йилнинг август ойида Конвент янги конституцияни қабул қилди. Республика тизимини сақлаб қолган конституция икки палатали қонунчилик корпусини (Беш юзлар кенгаши ва 40 ёшдан ошган 250 аъзодан иборат Оксоқоллар кенгаши), икки босқичлик сайловларни, ёшга ва мулкка оид цензни жорий этди. Ижроия ҳокимияти беш кишидан иборат Директорияга топширилди. Конституция эмигрантлар ерлари мусодарасини тасдиқлади.

1795 йилнинг 25 октябрида тарқаб кетган Конвент ҳокимиятни термидориан конституциясида кўзда тутилган муассасаларга топширди. Термидорчилар ҳам Беш юзлар кенгаши, ҳам Оксоқоллар

кенгаши, ҳам Директория таркибида устиворлик қилишди. Директория даврида молиявий махинациялар, спекуляция (олиб сотарлик), миллий мулкни сотиб олиш ва қайта сотиш жуда кенг тарқалди.

Бундай шароитда «Тенглик учун фитна», деб ном олган ҳаракат вужудга келди. Бу ҳаракатга «Халқ трибуни» газетасининг ношири Гракх Бабёф (1760—1797) раҳбарлик қилди.. Бабёф ва унинг сафдошлари утопик коммунизмга ҳос ғояларни илгари сурдилар. Уларнинг фикрича «мукаммал тенглик» тузуми «миллий жамоа» шаклида бўлиб, унда шахсий мулк бўлмаслиги ва барча фуқаролар ижтимоий фойдали иш билан банд бўлиши лозим эди. Барча тақсимот масалаларни давлат ўз зиммасига оларди. Бундай жамиятга утиш даврида меҳнаткашларнинг интизомли диктатураси ўрнатилиши керак бўларди.

Бабувистлар ташкилоти 1796 йилда тузилгач, кўзғолон тайёрлашга киришди. Лекин ўша йилнинг май ойида сотқинлик натижасида ҳаракат раҳбарлари қамоққа олинди. Улардан Бабёф ва Дарте 1797 йил 27 майда гильотинада қатл этилдилар. 1796—1799 йиллардаги харбий ҳаракатлар Франция учун муваффақиятли бўлди. Озодлик уруши термидор

воқеаларидан сўнг босқинчилик урушига айланди. Инқилоб химояси учун ташкил этилган армия экспансия куроли сифатида хизмат қила бошлади. 1796 йил апрелида Италияга ҳужум бошлаган Француз армияси бир қатор жангларда Пьемонт ва Австрия армияларини мағлуб этди. Венеция ерларидаи ўтиб, французлар Австрия ҳудудларига бостириб кирдилар. Австрия Франция билан Компо Формио тинчлик шартномасини (1797 йил 17 октябрь) имзолади ва Бельгия ҳамда Рейннинг чап соҳилини Франция қўшиб олганлигини тан олди. Венеция республикаси ерлари икки мамлакат ўртасида бўлиб олинди. Натижада Италияда Франциянинг устиворлиги ўрнатилди. Босиб олинган Швецария вассал Гельветик республикасига айлантирилди. Компо Формио тинчлик шартномаси Францияга қарши биринчи коалициянвнг тугашига сабаб бўлди.

Факат Англия Денгизда уруш олиб борди. Англияга зарба бериш мақсадида 1798 йил май ойида генерал Бонапарт бошчилигидаги-французлар армияси Мисрга жўнаб кетди. Бу ерда Бонапарт Мисрнинг кавалерияси (мамлюкларни) «Эҳромлар олдидаги жангда» мағлуб этди ва мамлакатнинг кўп қисмини ўзига бўйсундирди. Бу пайтда, адмирал Нельсон қўмондонлигидаги инглиз флоти Абуқир рейдида французлар флотини йўқ қилди ва Бонапарт армиясини Франциядан узиб ташлади.

1798 йилда Францияга қарши иккинчи коалиция тузилди. Унга Англия, Россия, Австрия, Швеция, Туркия, Неанолитан Бурбонлари кирдилар. Асосий жанглар Италияда бўлиб ўтди. Бу ерда А.В.Суворов

қўмондонлиги остидаги рус ва Австриялик қўшинлар бир неча ғалабаларга эришдилар. Адмирал Ф.Ф.Ушаков бошчилигидаги рус флоти Иония оролини французлардан тозалади. Италияда Франциянинг устиворлиги кулади. Французлар Рейнда ҳам мағлубиятга учрар эдилар. Лекин Павел I 1799 йил кузида рус қўшинларини кайтариб олганидан сўнг Франциянинг харбий ахволи яхшиланди. Уруш оқибатлари, молиявий қийинчиликлар, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, мустамлакалар билан савдонинг пасайиб кетишининг ва экспортнинг қисқариши Директория тартиботини танг ахволга олиб келди. Ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий инқироз шароитида мамлакатда роялистларнинг кучайиши содир бўлди. Роялистларнинг фаоллашуви ва қонунчилик корпусида мавқеларининг мустахкамланиши Директорияни чапга оғишга олиб келди. 1797 йил 4 сентябрда Директория армия ёрдами билан давлат тўнтарилишини амалга оширди. 1797 йилда айланган 77та оялист депутатлар ўз ваколатларидан махрум этилди. Мамлакатга қайтиб келган эмигрантлар ва қасамёд қилмаган рухонийлар репрессияга чрадилар. екин, 1798 йил бахорида бўлиб ўтган Янги сайловларда республикачи—демократларнинг муваффақиятлари энди Директориянинг ўнга бурилишига мажбур этди. Харбий мағлубиятлар демократик муҳолифатнинг жонланишига олиб келди. Республика химояси учун фавқулодда чоралар талаб қилинди, гаровдагилар тўғрисида қонун ва бойлардан 100 млн франк мажбурий заёмолиш декрети қабул қилинишига эришилди. Парижда якобинчилар клуби тикланди, демократик рўзномалар чиқа бошлади. Бу эса юқори хукмрон доираларнинг норозилиги ва қўрқувини уйғотди. Мамлакат буйлаб тартибсизлик ва коррупция кенг тарқалди.

Барқарорлик ва тартиб — сиёсий майдонда асосий талаб бўлиб қолди. Бундай шароитда консерватив доираларда армия ёрдамида давлат тўнтарилиши амалга ошириш режаси илгари сурилди. Директорияни қулатилиши ва унинг ўрнига парламентдан мустақил сиёсат олиб борадиган, ҳокимият яратилиши кўзда тутилган эди. Бу пайтда Парижга, ўз армиясини Мисрда ташлаб, генерал Бонапарт етиб келди. Омма ичида катта этгиборга эга бўлган Наполеон Бонапарт харбий тўнтариш яшаш учун энг лойиқ шахс эди. Молиячилар уни керакли маблағлар билан таъминладилар.

VIII йилнинг 18 брьюмерида (1799 йил 9 ноябрда) «якобинчилар фитнаси» бахонасида қонунчилик корпуси мажлислари Сен —Клу деган жойга киритилди. Бонапарт Парижнинг барча қўшинларининг

кумондони этиб тайинланди. Эртаси куни Беш юзлар кенгашида Бонапарт «йўқолсин тиран!» қичқириқлар билан қарши олинди. Кенгашларнинг аъзоларидан бир қисми Сен —Клу саройига келтирилди ва бу ерда Директориянинг йўқ қилинишига, ҳокимиятни Бонапарт бошчилигидаги уч консулга топширилишига овоз берди. Икки Кенгаш ўрнини (Оқсоқоллар Кенгаши ва Беш Юзлар Кенгаши) икки комиссия эгаллади. Комиссиялар плебисцит тасдиқлайдиган янги конституцияни ишлаб чиқариш керак эди. Тўнтариш мамлакатда Наполеон Бонапартнинг ҳарбий диктатурасига йўл очиб берди. 18 — брюмер Буюк Француз инқилобининг якуни бўлди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Нима учун Директория бошқаруви жорий этилди.
2. Директория даврида инқилобнинг муваффақиятларидан қайсилари бекор қилинди?
3. Наполеоннинг ҳарбий диктатураси ўрнатилиши сабаблари?

Назорат саволлари.

1. Генерал штатларнинг қайси қисми халқ манфаатларини ҳимоя қилган?
А. Дворянлар
Б. Рухонийлар
С. Учинчи табақа
Д. Сенат
Е. С ва Д.
2. Француз инқилобига қарши биринчи коалицияга қайси давлатлар киради?
А. Австрия, Пруссия
Б. Англия, Россия
С. Голландия, Испания
Д. Португалия, Сардиния.
Е. С ва Д.
3. Жирондистлар бошқаруви инқирозининг асосий сабаби нимада?
А. Диктатура тузуми
Б. Ватан ҳимоясига нолойиқлик
С. Диний урушлар
Д. Абсолют монархияни қайта тиклаш
Е. тўғри жавоб йўқ.
4. Мустамлакаларда қулчиликни йўқ қилиш қайси бошқарув даврида амалга оширилди?
А. Абсолют монархия
Б. Конституцион монархия
С. Жирондистлар

Д. Якобинчилар

Е. Директория

5. I – империянинг тузилиши кимнинг номи билан боғлиқ?

А. Марат.

Б. Робеспьер

С. Людовик XVI

Д. Наполеон III

Е. Наполеон

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар.

1. Инқилобий Францияда якобинчиларнинг виждон эркинлиги соҳасидаги радикал ислохатларнинг моҳияти муаммоси.

2. Директория бошқаруви йўлга қўйилишининг сабаблари.

3- мавзу: Франция Консуллик ва Биринчи империя даврида

Ажратилган вақт:4-соат.

Асосий саволлар:

1. Наполеон Бонапарт. Авторитар тузумнинг ўрнатилиши.

2. Наполеоннинг бошқинчилик урушлари ва империянинг инқироzi.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Консуллик, авторитар тузум, Наполеон кодекслари, биринчи империя, Европадаги урушлар, Тильзит сулҳи, Бородино жанги, Коалиция, Лейпциг жанги.

Мавзуга оид муаммолар:

1.Наполеон бошқарувининг XIX аср ўрталарида Франция сиёсий ҳаётида қолдирган оқибатлари.

2.Юқори доираларнинг Наполеонни монарх деб ҳисоблаши сабабларини мавҳумлиги.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Н.Бонапарт диктаторлик тузуми ички ва ташқи сиёсати оқибатларини ёритиш.

Идентив ўқув мақсади:

1.1. Наполеон Бонапартнинг бошқарувининг авторитар тусга киришини тушунади.

1.2. Наполеон Бонапарт ички сиёсатининг туб моҳиятига изоҳ беради.

1.3. Франциянинг Европадаги тажовузли ва мағлубиятлари сабабларига баҳо беради.

1-савол баёни:

1799 йил декабрида Франциянинг янги конституцияси қабул қилинди. Расман Францияда республика тузуми сақланиб қолинди. Ижроя ҳокимияти уч консулга топширилди. Биринчи консул —

Наполеон Бонапарт (1769 — 1821) — ўн йилга сайланиб, ўз қўлида деярли барча ижроя, қисман суд ва қонунчилик ҳокимиятларини мужассам этди. Қонунчилик ҳокимияти Давлат кенгаши, Трибунат, Қонунчилик корпуси ўртасида тақсимланган эди ва ижроя ҳокимиятга қарам қилиб қўйилган эди.

Францияда Наполеон Бонапартнинг шахсий ҳокимият тартиботи ўрнатилди. 1799 йил Конституцияси янги ер эгалларга инқилоб даврида қўлга киритилган ер эгаликларини қафолатлади. Бу Конституция плебисцит (умумхалқ овоз бериши) томонидан маъқулланди.

1802 йилда ўтказилган янги - плебисцит Биринчи консул лавозимини умрбод Наполеонга беркитиб қўйди. Наполеон Бонапартнинг ҳокимияти Франция олиб борган муваффақиятли урушлар натижасида кучайиб борди. Наполеоннинг туғилган куни 1802 йилда миллий байрам деб эълон қилинди. 1804 йилда эса Наполеон Бонапарт Наполеон I номи билан Франциянинг императори деб эълон қилинди. Мамлакатда авторитар тузуми ўрнатилди. Консуллик ва империя даврида марка злашган бюрократии давлат аппарати шаклланди. Маъмурий бошқарувда префектура тизими киритилди. Хукумат томонидан тайинланадиган департамент бошлиғи — префект ўз қўлида тўла маъмурий ҳокимиятни мужассам этди.

Наполеон черков билан муносабатларини яхшилашга интилди. 1801 йили Наполеон ва папа Пий VII ўртасида конкордат тузилди. Унга асосан католик дини кўпчилик французларнинг дини деб эълон қилинди. Диний байрамлар тикланди. Давлатдан черковни ажратилиши бекор қилинди. Папа ўз навбатида мусодара қилинган черков ерларини янги эгалларининг қонуний мулки сифатида тан олди. Бундан ташқари, папа олий черков лавозимларга хизматчиларни хукумат томонидан тайинланишига рози бўлди. Черков император шарафига махсус ибодатни киритди. Шундай қилиб, черков давлат хизматида ўтди.

Консуллик ва империя даврида инқилоб пайтида қўлга киритилган демократик ютуқларнинг кўпчилиги бекор қилинди. Рўзномаларнинг кўпчилиги бекитилди. Маориф соҳасида чеклаш, марказлаштириш сиёсати олиб борилди. Армия ва полициячи аппарат кучайтирилди.

Мамлакатда харбий — бюрократик диктатура ўрнатилди.

XIX аср бошларида Франция асосан аграр мамлакат эди. Аҳолийнинг 80% дехқонлар ташкил этарди. Лекин, инқилоб француз қишлоқларида капиталистик муносабатларнинг ривожланишига шароитлар яратиб берган эди. Консуллик ва Биринчи империя йиллари — француз саноатининг жадал ривожланиши, даври эди. Франция саноат тўнтарилиши даврига кирган эди. Ташқи савдо ўсди. Тадбиркорликни қўллаб — қувватлаш мақсадида 1800 йилда Франция

банки, 1810 йилда эса Савдо ишлари буйича кенгаш ва фабрика ва мануфактура ишлари бўйича кенгаш тузилди. Банк ва кредит соҳаси суёт ривожланган эди. Франция банки қисқа муддатли кредитлар берувчи деярли ягона ташкилот эди. Хукумат молиявий ахволни барқарорлаштиришга эришди

Ғолибона урушлар ва протекционистик сиёсат экспортнинг ўсишига олиб келди. Барча Европа бозорлари француз моллари учун очиб берилди. Умуман Консуллик ва империя даври Франция саноатининг ривожланишида қулай келди.

Консуллик ва империя даврида қонунчиликни тартибга солиш бўйича кўплаб ишлар қилинди. Жумладан Наполеон Кодекслари деб ном олган юридик мезонлар қабул қилинди. 1804 йили Фуқаролар кодекси, 1807 йили Жиноят кодекси, 1811 йил Тижорат кодекси қабул қилинди. Бу кодексларда шахсий мулк ҳимояси, шахс дахлсизлиги, виждон эркинлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги каби тамойиллар киртилган бўлса ҳам, инқилоб давридаги қонунчилик тизимига нисбатан кодекслар орқага силжиш эди.

Бу даврда Франция Европа давлатлари билан тўхтовсиз урушлар олиб борди.

Босиб олинган ва тобе қилинган давлатларни француз моллари учун бозорларга ва француз саноат учун хомашё манбаига айлантириш сиёсати олиб бориларди.

Манфаатсиз савдо шартномаларга мажбурлаш ва француз молларига монопол нархларни белгилаш йўли билан қарам мамлакатларда иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилинар эди. Бу мамлакатлардан улкан контрибуциялар олинар эди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Нима учун Н.Бонапартнинг ҳокимиятга келишини кўпчилик қўллаб - қувватлади?
2. Наполеоннинг диктаторга айланиши сабаблари?
3. Наполеон кодексларининг моҳияти нимада?

2-савол бўйича дарс мақсади:

Наполеон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари, Европадаги урушлар ва империя инқироzi сабабларини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Н.Бонапарт армиясининг Европадаги урушларда дастлаб ғалаба қозониш сабабларини аниқлайди.
- 1.2. Францияга қарши иттифоқчи кучларнинг ғалабаси аниқ эканлигини эътироф этади.
- 1.3. Франциянинг мағлубияти сабабларини тушунади.

2-савол баёни:

Наполеон урушларининг асосий мақсади Европада француз устиворлигини ўрнатиш эди. Францияга қарши коалицияларга кирган давлатлар Англия, Россия, Австрия, Пруссия нафақат Франциянинг устиворлиги ўрнатилишига қарши курашганлар, балки ўзининг узоққа боровчи мақсадларига эга эди.

Лекин, халқаро муносабатлар марказида Англия — Франция Рақобати турарди.

1800 йилда ички қарама — қаршиликлар натижасида Францияга қарши тузилган иккинчи коалиция деярли тарқаб кетди. 1801 йили Россия ва Австрия билан тинчлик шартномалари имзоланди. Ушбу шартномалар натижасида Франциянинг ҳокимияти деярли бутун Италия, герман давлатларининг бир қисми, Бельгия ва Голландияга ёйилди.

1802 йили Амьенда Англия ва Франция ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди. Икки давлат Европада ўрнатилган тартибни сақлаш мажбуриятини олди. Аммо, 1802 йил тинчлиги узоққа чўзилмади. 1803 йили ҳарбий ҳаракатлар яна бошланиб кетди. 1805 йили Францияга қарши

учинчи коалиция тузилди. Унга Англия, Россия, Австрия ва Неаполетан қироллиги қўшилди. 1805 йил 21 октябрда Трафальгар бурунида адмирал Нельсон кўмондонлигидаги инглиз флоти француз испан флотини мағлуб этди. Бундан сўнг, Наполеон барча кучларини Австрия қўшинларига қарши қаратишга қарор қилди.

1805 йилнинг октябрида Австрия армияси таслим бўлди, французлар Венага кириб келишди. Декабр бошларида Аустерлиц ёнидаги жангда Россия ва Австриянинг бирлашган қўшинлари французлар томонидан мағлуб этилди. Тез орада Франция ва Австрия ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди.

1806 йилда Наполеон Бонапарт протекторати остида 16 герман давлатларидан иборат Рейн иттифоқи тузилди. Император Франц герман миллатининг Муқаддас Рим империясининг императори даражасини ўзидан соқит қилишга мажбур бўлди. Австриянинг тор — мор этилиши ва урушдан чиқишидан сўнг, 1806 йилда Наполеон Франциясига қарши тўртинчи коалиция тузилди. Бу коалицияга Англия, Пруссия, Россия ва Швеция кирди.

Аммо, ўша йилнинг узидаёқ Пруссия армияси Вена ва Аустерлиц ёнидаги икки йирик жангда тор-мор этилди. 1806 йил октябрининг охирида Наполеон Берлинга кириб келди. Бу ерда 1806 йил 21 ноябрда Наполеон континентал (китъавий) қамал тўғрисидаги декретни имзолади. Бу декрет Европа давлатларининг иқтисодиётига, шу жумладан Франция иқтисодиётига ҳам, оғир зарба берди. Декретга мувофиқ бутун Франция империясида ва қарам мамлакатларда Буюк Британия билан савдо қилиш тақиқланди.

Лекин, узининг асосий мақсади — Англияни иқтисодий мағлуб қилишга Наполеон эриша олмади. Англиянинг иқтисодиёти оғир ахволда эди, лекин вазият фалокатли эмасди. Англияни мағлуб этиш ва Франция устиворлигини ўрнатиш вазифасини Наполеон Россия билан муроасага келиш йўли билан эришмоқчи эди. Тильзит шартномасига (7 июль 1807 й.) кўра Россия Европада Наполеон томонидан амалга оширилган ўзгаришларни тан олди ва қитъавий қамалга қўшилди. Ўз навбатида Россия Туркия ва Швецияга қарши ҳаракатлар эркинлигини қўлга киритди. Шу ернинг ўзида француз — прус тинчлик шартномаси имзоланди. Пруссия давлати қисқартирилган шаклда сақланиб қолинди. Бундан ташқари, Пруссия қитъавий қамалга қўшилди. Европада кучларнинг янги нисбати шаклланди. Тильзит шартномаси Европада икки йирик давлатнинг устиворлигини назарда тутган эди. Лекин Франциянинг мавқеи анча кучлироқ эди.

1808 йилда бошланган Испаниянинг оккупацияси натижасида 1809 йили Францияга қарши бешинчи коалиция тузилди. Бу коалиция таркибига деярли фақат Англия ва Австрия кирди. 1809 йилнинг июлида Баграм ёнидаги жангда француз армияси австрияликларни яна тор — мор этди. 1809 йил октябрида Шёнбруг тинчлик шартномаси имзоланди. Австрия ҳудудлари жуда қисқартирилди. Бундан ташқари, Австрия ўз армиясини қисқартиришга, катта контрибуция тўлашга ва қитъавий қамалга қўшилишга мажбур бўлди. 1809 йилги Франция — Австрия уруши Тильзитда 1807 йилда тузилган халқаро муносабатлар тизимида жиддий зарба берди.

1812 йил бошларига келиб Россия Франция зиддиятлари шундай кескинлашдики, уруш муқаррарлиги аён бўлиб қолди. Наполеоннинг Россияга босқини 24 июн 1812 йилда бошланди. Бу агрессия Россия аҳолисининг қаттиқ қаршилигига учради. 7 сентябр (26 август) 1812 йилда, Москва яқинида, Можайск ёнида Бородино жанги бўлди. Бу жангда француз армияси 60 минг кишини, рус армияси 40 мингдан ортиқ кишини йўқотди. Рус армияси чекинган бўлса ҳам, лекин тор-мор этилмади ва ўзининг жанговорлигини сақлаб қолди.

1812 йил 14 октябрда француз армияси Москвага кирди. Аммо, французлар Москвада худди қамалга тушган ахволда эди — атрофда халқ уруши алангаси ёнарди. Рус ҳукумати Наполеоннинг тинчлик музокараларини бошлаш тўғрисидаги бир неча таклифларини рад этди. 18 октябрда француз армияси фалокатли бўлган Москвадан чекинишни бошлашга мажбур бўлди. Тез орада Наполеон ўз армиясини ташлаб, Парижга жўнаб кетди.

Россиядаги мағлубият бутун Наполеон империясининг қулашини бошлаб берди.

1813 йилнинг баҳорида янги — олтинчи коалиция тузилди., Коалицияга Англия, Россия, Швеция, Пруссия, Испания, Португалия ва Австрия (1813 йилнинг августида) кирди. Наполеон армияси ва иттифоқчилар армияси ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 16—19 октябр 1813 йил Лейпциг ёнида бўлиб ўтди. «Халқлар жангида» Наполеон тор — мор этилди ва Рейн ортига чекинди.

Бундан сўнг, Францияни инқилобдан олдинги чегараларга қайтариш шарти асосида тинчлик тузиш тўғрисидаги коалициянинг таклифларини Наполеон рад этди. 1814 йил мартида Англия, Россия, Пруссия ва Австрия Наполеонни тўла тор — мор этгунча уруш олиб бориш бўйича шартнома туздилар.

31 март 1814 йил иттифоқчилар Парижга кирдилар. Наполеон ўғли фойдасига тахтдан воз кечди. Аммо, Сенат, Европа давлатлари таъсири остида, Бурбонлар сулоласини тахтга қайтаришни қарор қилди. Наполеон Эльба оролига сургун қилинди.

1814 йил 30 май куни Парижда тинчлик шартномаси имзоланди. Франция 1792 йил чегараларига қайтарилди. Масалаларни батамом ҳал қилиш учун Венада конгресс ўтказилиши назарда тутилди. Бурбонларнинг ўн ойлик ҳукмронлиги мамлакатда Наполеон тарафдорлик қайфиятларнинг жонланишига олиб келди. Бундай вазиятда Наполеон бир минг гвардиячилар билан Франциянинг жанубига келиб тушди ва 20 мартда Парижга қайтди. Қайтиш йўлида ҳарбий қисмлар унинг томонига ўтди. Империя тикланди. Наполеонга қарши охириги — еттинчи коалиция ташкил этилди. 1815 йил 18 июнда Ватерлоо (Брюссель ёнида) жангида — иттифоқчилар Наполеонни батамом тор — мор этишди. Наполеон Бонапарт Муқаддас Елена оролига сургун қилинди ва бу ерда 1821 йилда вафот этди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Франция Республикаси қўшинларининг дастлабки ғалабалари сабаби нимада?
2. Францияга қарши урушда Англия ва Россия позицияларининг бир — биридан фарқли томони нимада?
3. Нима учун Наполеон Англияга қарши иқтисодий қамал сиёсатини жорий этди?

Назорат топшириқлари:

1. Нечанчи йилда Наполеон император деб эълон қилинди?

А. 1804
Б. 1805
С. 1806
Д. 1807
Е. 1810

2. «Наполеон кодекси» кўпроқ кимларнинг манфаатларини ҳимоя қиларди?

А. Деҳқонлар

Б. Молия, саноат, савдо доиралари.

С. Хунармандлар

Д. Руҳонийлар

Е. Ишчилар

3. «Иқтисодий камал» сиёсати нима учун Англияга таъсир қилмади?

А. Франция тор – мор этилгани учун.

Б. Англия урушда иштирок этмаганлиги туфайли.

С. Англия иқтисоди кучли эди.

Д. Англия кучли денгиз флотига эгалиги сабабли.

Е. С ва Д

4. Қуйидаги жанглардан қайси бири Наполеон армиясининг узил – кесил мағлубиятини эслатади?

А. Бородино

Б. Трафальгар

С. Лейпциг

Д. Ватерлоо

Е. Аустерлиц

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Консуллик бошқарувининг Директориядан фарқли томонларини аниқлашнинг мураккаблиги.

2. Франция ва Испания муносабатлари кескинлашиши сабабларининг тўла тадқиқ этилмаганлиги.

4-мавзу: Италия XVII-XIX асрларда (4 соат)

Асосий саволлар:

1. XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрда Италия

2. Италия маърифатпарварлари “Маърифатли абсолютизм” сиёсати.

3. 1948-49 йиллардаги революция мағлубиятга учрагандан кейин Италия. XIX асрнинг 50-йилларида Сардиния короллиги.

4. Сицилиядаги қўзғолон. “Минг аскар” юриши.

Мавзуга оид тушунча ва иборалар:

Утрехт сулҳи, Мушт жамияти, “Маърифатли абсолютизм”, муътадил либераллар, революцион вазият, “Минг аскар”, Италиянинг бирлашуви.

Индентив ўқув масади:

1. XVII ва XIX асрларда Италия иқтисодий, ижтимоий сиёсий, маънавий ҳаётининг ва халқаро мавқеини тушунади.
2. Италиян маърифатпарварлиги ҳақида маълумот берилади.
3. Италияни бирлашувини талабаларга ижтимоий-сиёсий аҳамияти тушунтирилади.

Биринчи савол баёни:

XVII асрнинг иккинчи ярмида Италия сиёсий жиҳатдан тамомила тарқоқ ва тушкунликка учраган эди. Италия XVI асрдаёқ Апеннин ярим оролида ўз хукмронлигини ўрнатган чет эл босқинчиларининг зулми остида қолган эди. Италиян миллати асосан ички, аввало иқтисодий сабабларга кўра секин таркиб топган бўлса-да, чет эл босқинчиларининг зулми бу миллатнинг таркиб топиш процессини ҳам қийинлаштирган эди.

Илгаригадек, Шимолий Италия, яъни Ломбардия (Милан герцоглиги) ва Жанубий Италия (Неаполь ва Сицилия) Испания хукмронлиги остида эди. Италиянинг қолган бошқа ҳамма давлатларини деярли Тоскания, Генуя ва бошқаларни ҳам сиёсий найранглар ишлатиб аслида Испания идора қиларди. Венеция Испания назоратида эмас эди, шунингдек Испания билан Франция ўртасида устамонлик қилган Савойя ҳам маълум даражада Испания назоратидан ташқари эди. Генуя ва майда давлатлардан Парма, Пьяченце, Модена, Реджио юзаки бўлса-да, ўз мустақилликларини сақлаб қолган эканлар. Бунга Италия ишларига таъсир қилиш даъвосидан ҳеч вақт қайтмаган француз саройига хушомад қилиш орқасида эришган эдилар. Лекин Испания саройи ҳам ўз сиёсати билан Италиянинг тарқоқлигини мустаҳкамлади. Италияда ўз хукмронлигини сақлаб туриш учун ҳарбий кучга эга бўлганлигидан Испания майда князлар ва ҳокимларини бир-бирига гиж-гижлатар ва шу йўл билан уларни мувозанатини сақлаб турарди.

Испан Габсбурглари Испаниядаги мулкларига Нидерландиядаги каби фақат давлат даромади деб қарардилар. Испан маъмурияти Милан ва Неаполдан жуда катта солиқлар оларди. Испан маъмурлари Италиянинг бир замонлар гуллаб-яшнаб турган жуда бой бу областларда аҳоли сони мутасил камайишига, савдо ва деҳқончиликнинг бениҳоя тушкунликка тушишига, саноатнинг эса умуман йўқолиб боришига сира парво қилмас эдилар. Сўнгги Габсбурглар даврида кучсизланиб қолган Испания ўзига кишанбанд қилган қурбони Италияни ҳам ўзи билан бирга чуқурга судрарди. Италиянинг сиёсий тарқоқлиги ва қашшоқлашувидан ташқари уни тушкунликка олиб келган бошқа сабаблар ҳам бор эди, бу сабаблардан энг кўзга кўрингани Ватиканнинг миллатга қарши реакцион сиёсатидир. Реакцион испан хукмронлиги итальян князликлари ва давлатларини идора

килиб турган, итальян халқининг норозилиги ва қаршилигини бостиришдан манфаатдор бўлган юқори табақаларга суянарди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Италияда ижтимоий ва маънавий ҳаёт қотиб қолди. Бутун мамлакат бўйлаб кўпдан-кўп қароқчи тўдалар ҳаракат қилар эди. Оддий халқ тўдаларга ёмон қарамас эди; халқ уларни “довюралар” (“мард”) деб атарди; тоғ ва ўрмонларга чиқиб кетиб, унда бойларга ҳужум қилиш халқ норозилиги ва синфий қасоснинг ўзига хос формаси эди.

Лекин халқ бу сиқикларга қарши яна самаралироқ усуллар билан ҳам жавоб берарди, яъни ҳар жой-ҳар жойда кўзғолонлар кўтариларди. Қайта тикланган Вальден ореллари байроғи остида деҳқонларнинг, хусусан 1653-1655 йилларда Савойядаги кўзғолонлари Шимолий Италиядаги энг катта кўзғолонлардан эди. Кромвеллнинг протекторати ҳимоясидан руҳланган вальденлар муваффақиятли узоқ вақтгача партизанлар уруши олиб бордилар. Жанубий Италияда бир қанча катта-катта халқ кўзғолонлари бўлиб ўтди. 1647 йилда Сицилияда жуда катта кўзғолон бўлди. Палермодаги ҳунарманд ва плебейлар оммаси уста заргар Джузеппе Алезио раҳбарлигида ҳокимиятни вақтинча ўз қўлларига олдилар: кўзғолон Сицилиянинг бир қанча шаҳарларига тарқалди, лекин испанлар пойтахт Мессинада кўзғолонга йўл қўймадилар, сўнгра бутун ҳаракатни бостиришга муваффақ бўлдилар.

1647-1648 йилларда Неаполда испанларнинг озик-овқатларга солган янги солиқларидан ғазабга келган шаҳар камбағалларининг катта кўзғолони бўлди. Балиқчи Мазаньелло раҳбарлигида плебей-ҳунармандлар оммаси Неаполдаги испан ҳокимини таслим бўлишга мажбур этдилар.

Испания тахти учун уруш даврида Италия вайронали ҳарбий ҳаракатлар майдонига айланди. Австрия қўшинлари испан гарнизонини Италияда деярли осонгина сиқиб чиқарди: француз саркардалари Италияда испан ҳукмронлигини тиклашга кўп уринсалар ҳам муваффақият қозоналмадилар. Утрехт сулҳига мувофиқ. Масалан, Неаполь ва Сардиния Австрия ерлари деб топилди. Шундай қилиб, Италияда бир чет эл зулми ўрнига иккинчи чет эл зулми ўрнатилди.

Испан тахти учун уруш даврида Италия давлатларидан Савойян айниқса кучайди ва мустаҳкамланди. Савойя герцоги Виктор Амедей II дастлаб Бурбонлар иттифоқчиси сифатида ҳаракат қилиб, сўнгра тез орада Габсбурглар томонига ўтиб олди ва уларга катта хизмат кўрсатди. Ана шу йўл билан у қирол унвонига сазовор бўлди (1713) ва бир қанча территорияларни, шу жумладан Сицилияни қўлга киритди.

Венециянинг тақдири Италиянинг бошқа қисмига қараганда бошқачароқ бўлди. XVII асрнинг иккинчи ярмидаги тарихининг асосий мазмуни Туркия билан уруш ва Шарқий Ўрта денгиз савдосидаги позицияларини сақлаб қолиш учун беҳуда курашдан иборат эди. 1645 йилда турклар флоти Венециянинг Шарқ билан қиладиган алоқасининг таянчи Крит оролига келиб оролнинг бир қисмини эгаллади ва пойтахти Кандияни қамал қилди. Французлар ёрдамида Венеция патрицийи (сўнгра дожи) Морозини раҳбарлигида 24 йил давом этган мисли кўрилмаган матонатли ва қаҳрамонона муҳофаа қилинишига қарамай, Кандия 1669 йилда туркларга таслим бўлди. Сўнгра 80-йилларда ўша Морозини раҳбарлигидаги Венеция флоти турклар устидан ғалаба қозонди: Венеция Туркиянинг Австрия билан урушда ўралиб қолганидан фойдаланиб, Грециянинг анчагина қисмини Туркиядан тортиб олди ва бир қанча оролларни ҳам ишғол қилди; бу катта муваффақиятлар 1699 йилги Карловац сулҳи билан мустаҳкамланди. Аммо XVIII асрнинг бошларида Венеция ўзининг ер мулкларини бирин-кетин тез ва узил-кесил йўқота бошлади, сўнгра тез орада тамомила ҳолдан тойиб, Ўрта денгизда турклар билан курашни давом эттиришдан воз кечди. 1718 йилги Пожаревац сулҳига мувофиқ Венеция ўзининг Шарқдаги барча ер сувларини Туркияга берди. Ўрта денгиздаги Венеция Туркия рақобатининг сўнгги бутун даврида Венециянинг иқтисодий қудрати мутассил камайиб, савдо алоқалари бўшашиб борди, XVIII асрга келиб, у иккинчи даражали давлат бўлиб қолди. Унинг бир замонлар гуркираб ўсиб бораётган маданияти ва сиёсий ҳаёти иқтисодий тушкунлиги туфайли тўхтаб, қотиб қолди.

Утрехт сулҳи Италияга осойишталик келтирмади. Испан Бурбонлари италиядаги ерларидан ажралишга кўнишни истамай, ҳар қандай баҳона билан ярим оролга бостириб кириб бордилар. Испан Буронлари билан Австрия Габсбурглари ўртасидаги урашлар Италия территориясида узлуксиз деярли 1748 йилга қадар давом этди. Бу курашнинг Австрия тахти учун кураш деб ном олган сўнгги даврида Италиянинг XVIII аср тарихининг ажойиб воқеаси юз берди: австрияликлар Генуядан қувиб чиқарилди.

1748 йилда Европа давлатларининг Ахен сулҳ шартномасига мувофиқ испан Бурбонлари Италияда ўтмиш кучли таъсирларидан озгина қисмини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Улар қайтадан барпо этилган иккала Сицилия (Неаполь ва Сицилия)дан иборат мустақил қироллик тахтига испан қироли Филипп V нинг ўғли Дон Карлосни ўтказдилар. Аммо ярим оролнинг шимолида австрияликлар ҳукумронлиги мустаҳкам ўрнатилди: Ломбардия Австрия империяси составига кирди, Тоскания тахтига Габсбурглар хонадони аъзоларидан бири ўтирди. Савойя қироллиги энди Савойя, Сардиния ва Пьемонтдан ташкил топди. Бошқа итальян давлатларининг аҳволи ва чегаралари айтарлиқ ўзгармади ва Италия XVIII аср ўрталарига келиб ҳам чет эл давлатларининг фитна ва агрессиялари олдида ҳимоясиз кичик давлатлар конгломерати бўлиб қолди. XVIII асрнинг иккинчи ярми Италияга қирқ йиллик узлуксиз тинчлик келтирди ва мамлакат оғир аҳволдан чиқиб аста-секин тиклана бошлади. Аҳоли сони ортди, экин майдони кўпайди, деҳқончилик даражаси бирмунча кўтарилди. Бундай юксалиш айниқча Шимолий Италияда – Ломбардия, Пьемонтда ва қисман Тосканияда яққол кўрина бошлади. Бу ерда деҳқонларни ярим феодал йўсинда эксплуатация қилишга асосланган қишлоқ хўжалиги XVIII асрнинг иккинчи ярмида яхши даромад келтирди, ҳатто буржуазия ўз капиталини саноат корхоналарига эмас, балки деҳқончиликка сарфлашни афзал кўра бошлади. Буржуалар дворян поместьеларини ижарага олиб бу ерларни кичик-кичик пайкалларга бўлиб, нисфикор деҳқонларга берардилар. Деҳқонлар икки томонлама эзиларди, уларни феодал-помешчик ҳам воситачи буржуа ҳам эзарди, шу тариқа деҳқон тер тўкиб олган ҳосилининг учдан бир қисми ўзига тегарди, холос. Италия қишлоқ хўжалигига капитализм “прус” йўлига ўхшаган, омма учун қийин йўл билан кириб борди. XVIII аср охирига келиб капиталистлар ҳосилдор По дарёси водийсидан кўпроқ фойда олишга интилиб, нисфикор ижарачиларни ердан хайдаб юборди, йирик капиталистик фермалар ташкил эта бошладилар. Кечаги ижарачилар арзимас ҳақ бадалига бу капиталистларга батрак бўлиб ишлай бошладилар.

Италия саноати ҳам, ҳусусан, ипак тўқимачилиги тиклана борди. Махсулот ишлаб чиқариш ўсди, масалан, Миланда шойи тўқийдиган станоклар сони эллик йил ичида 500 дан 1400 га етди. Ломбардия ва Пьемонтда тарқоқ мануфактуралар бир қаторда ўнларча биринчи марказлаштирилган мануфактуралар пайдо бўлди, буларнинг баъзиларида 200 ва 300 ишчи ишларди. Савдо-сотиқ ҳам ўсди. Италиянинг ҳамма қисмидагидек буржуазиянинг асосий оммасини ҳали “қшлоқ хўжайинлари” – буржуа-ижарачилар ва катта ер эгалари ташкил қилса-да, марказий ва жанубий Италияга Европада келадиган савдо йўллари кесишган жуда ҳам қулай жой бўлганлиги туфайли Миланда анчагина бой савдо-саноат буржуазияси кадрлари етишиб чиқди.

Аммо Италия экономикасининг юксалишига чет эл ҳукмронлиги ва мамлакатнинг сиёсий жихатдан тарқоқлиги ҳалақит берарди, бура ярим оролда ягона миллий бозорнинг ташкил топишига тўсқинлик қиларди. Италия давлатларида, айниқса, Марказий ва Жанубий Италияда ҳали сақланиб қолган феодал тартиблар ҳам юксалишга тўсқинлик қиларди.

Иккинчи савол баёни:

Италян маърифатпарварлари “Маърифатли абсолютизм” сиёсати.

Италян буржуазияси ва буржуазиялашган дворянларнинг идеологлари, яъни итальян “маърифатпарварлари” (одатда уларни шундай деб атайдилар) ҳалқ оммаси норозилигининг кучайишига суяниб XVIII асрнинг иккинчи ярмида феодал тартибларни кескин танқид қилиб чиқдилар. “Барча миллатларнинг аҳволига қараганда, - деб ёзган эди. “Қонуншунос фани”да неаполлик Филанджиэри, - жамиятнинг катта китобини

очсангиз, сиз жамият бир-бири билан келиша олмайдиган икки қисмга бўлганлигини кўрсаиз: жамиятда мулкдорлар ва мулки бўлмаган ёлланлиб ишлайдиган ва бир-бирига ашаддий душман икки синфни ташкил этди”. Филанджиэри мулкдорлар деганида помещчик-феодалларни назарда тутган эди. У жуда катта ер майдонларининг озчилик кўлида тўпланганлиги, Европанинг катта қисмида фақат бир неча минг дворян ва рухонийларгина эркин эканлиги, қолганлари эса бировларнинг ерига бириктирилган қуллар эканлиги тўғрисида ачиниб гапирган эди. Филанджиэри Жанубий Италияда ҳали сақланиб қолган крепостной ҳуқуқни бекор қилишни талаб этиб, “феодолизм беманиликдир. Вабодан ҳам баттардир!” деган эди.

Италия қишлоқларида капитализмнинг ривожланишига халакит бериб турган феодал тартибларни фўқ қилишни – крепостной ҳуқуқни бекор қилиш, буржуазиянинг ер сотиб олишга тўсқинлик қилаётган майорат ҳақидаги ва дворянлар мулкнинг дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларни бекор қилишни – бошқа итальян маърифатпарварлари ҳам талаб қилган эдилар. Буларнинг баъзи бирлари помещчик ва черков ерларининг бир қисмини деҳқонларга уларнинг мулки қилиб ёки арзон баҳо билан ижарага беришни талаб қилдилар. Улар бу тадбир қишлоқ хўжалигининг умумий даражасини кўтариш учун зарур деб, шу билан ўз талабларини асослаган эдилар. А.Дженовезе ўзининг “Савдо тўғрисидаги лекциялар”да: “Ўз ерида деҳқон яхши ишлайди, батрак ҳеч вақт ер эгаси қилган ишнинг ярмини ҳам қилмайди... Деҳқон қуруқ ерда ётар ва ёввойи ўтлар билан овқатланар экан, жиддий иқтисодий тараққиёт тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас”, -деган эди.

Итальян файласуфлари ва олимлари ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги феодал сарқитларни ҳам секин равишда танқид қилиб, ички таможня божини, саноат ва савдо-сотикдаги феодал қоида-тартибларни бекор қилишни талаб этилар, кишиларнинг табиатан тенг эканликларини эълон қилдилар.

Саноат анча ривожланган Милан шаҳари итальян маърифатпарварлигининг маркази эди. Бу ерда XVIII асрнинг 60-йилларида файласуфлар, экономистлар, экономистлар, адабиётчилар, юристлар тўғараги барпо қилинди. Тўғаракнинг “Мушт жамияти” деган номининг ўзиёқ эски феодал дунёсига қарши курашга даъват қиларди. “Мушт жамияти” ўзининг органи “Кафе” маълумки, ўша вақтда кафелар – қахвахоналар сиёсий клублар ролини ўйнаган) журналини чиқарган, қизиғи шундаки, журналда эски режим танқид қилиниши билан бирга итальян буржуазиясининг туғилиб келаётган миллий онгининг дастлабки аломатлари ҳам аниқ кўриниб турарди. Журнал ноширларидан бири П.Верри: “Агар бир инсон бўлишни истасак, бизлар ломбардликлар, неаполитанликлар, тосканликлар эмас, балки итальянлар бўлишимиз керак” деб ёзган эди. П.Верри Австрия зулми шароитида Италиyani сиёсий бирлаштириш масаласини кўйишга журъат эта олмай, умуммиллий санъат, адабиёт ва фан тараққиёти ёрдами билан итальянларнинг маънавий бирлигини вужудга келтиришни талаб қилган эди. “Мушт жамияти”нинг энг жонкуяр раҳбари машҳур Беккария эди; у 1764 йилда шов-шувга сабаб бўлган “Жиноятчилар ва жазолар ҳақида” илмий асар нашрт этди, бунда у жиноий қонунлар жиноятчини бунгача бўлганидек жазоланмасдан, балки тузатиши лозимлигини кўрсатади ва жиноятга кўпинча камбағалларни очликка, ўғирликка ва қотилликка маҳрум қилган жамиятнинг ўзи (албатта яна феодал жамияти) айбдор эканлигини исбот қилди. Беккария феодал имтиёзларнинг бекор қилинишини ва қонун олдида ҳаммнинг тенг ҳуқуқли бўлиши билан жиноятлар сони камаydi деди. Унинг асари кўп тилларга таржима қилинди ва Европа буржуазияси ичида қизгин муваффақият қозонди ҳамда кейинчалик буржуа юридик тафаккурининг ривожланишига анча таъсир кўрсатди.

Янги фикрлар ижтимоий фаннинг бошқа тармоқларида ҳам сезила бошлади. 1725 йилдаёқ неаполитан олими Дж.Вико ўзининг “Янги фан” асарини нашр этди. У бу асарида Қадимги Греция ва Римнинг тарихий ва адабий ёдгорликларини таҳлил қилиб, конкрет тарихий воқеаларнинг боришини ўрганиш асосида жамият тараққиёти қонунларини белгилашга уриниб кўрди. Унинг замондошлари Виконинг бу машҳур асарига баҳо бера олмадилар. Кейинчалик К.Маркс бу асардан жуда кўп фикрларни топди.

Ўз мулкларининг иқтисодий жиҳатдан орқада қолиши ва кенг омма норозилигининг кучайишини кўрган итальян ҳукмдорлари XVIII асрнинг иккинчи ярмида хийла муътадил, аммо ярим буржуа реформалар қилиш ва тадбирлар жорий қилишда ёрдамга энг кўзга кўринган маърифатпарварни чақирган эдилар (чунончи, Беккария бир вақтлар миландаги Австрия маъмурларининг маслаҳатчиси эди). Италиян ҳукмдорлари фойдали савдо шартномаларини туздилар, ўзларининг даромадларини ошириш ва ҳокимиятларини мустаҳкамлаш мақсадида марказлаштирилган мануфактура тузиш учун субсидиялар бердилар ва бу ишни рағбатлантирдилар. Италиянинг баъзи давлатларида таможня божи камайтирилди, монополиялар бекор қилинди. Баъзи реформалар деҳқонларга ҳам тааллуқли эди. Масалан, илгари деҳқонлар кўзғолонининг маркази бўлган Жанубий Италияда ҳукумат деҳқонларга қарашли черков ерларига солиқ солиб деҳқонларга бир оз енгиллик туғдиришни лозим топди.

Учинчи савол баёни:

1948-49 йиллардаги революция мағлубиятга учрагандан кейин Италия. XIX асрнинг 50-йилларида Сардиния қароллиги.

Контрреволюция ғалаба қилгандан кейинги ўн йилликда Италия илгаригидек давлат тарқоқлиги ва чет эл асорати жабрини тортмоқда эди. Ломбардия-Венеция области Австрия империяси ҳукмронлиги остида қолаверган эди; революцияда қувғин қилинган подшолар қайтиб келган Тоскана, Парма, Моденада австрия гарнизонлари ўрнашиб олган эди, папа областида француз интервентларининг қўшинлари турар эди.

50-йилларда Италияда 1848 йилдаги либерал конституциясини сақлаб қолган бирдан-бир давлат Пьемонт эди. Бу конституция қарол ҳокимиятини чеклаган, икки палатали системани жорий этган ва буржуа эркинликларини эълон қилган эди. Пьемонтда ҳокимият тепасига буржуалашган дворянлар билан йирик буржуазия манфаатларини ифода қилган либерал ҳукумат турар эди. Бу ўзгаришлар, ўзининг ҳамма чекланганлигига қарамай, Пьемонт давлатининг конституцион монархияга айланганлигини билдирар эди. Давлатда муҳим сиёсий мансабларни ер эгалари – капиталистик тараққиёт йўлига ўтган эгаллаган эди. Айни вақтда Савийя династияси (қарол Виктор-Эммануил II) нинг ўзи либераллар билан иттифок бўлишдан анфаатдор эди: либералларнинг сиёсий талаблари династия манфаатлари ва планларига тамомила мос келар эди. Либералларнинг Савойя монархияси билан революцион даврида мустаҳкамланган иттифокнинг иккита иккита сабаби бор эди: уларнинг ҳар иккаласи ҳам Пьемонт территориясининг кенгайишидан манфаатдор эди ва ҳар иккаласи ҳам оммасининг революцион курашидан кўрқар эди.

Италиядаги бошқа давлатларнинг кўпчилиги Сардиния қароллигидан фарқ қилиб, у давлатларда 1850 йил бошларида кўринган иқтисодий жонланиш ҳокимларнинг реакцион сиёсати туфайли тез орада йўқа чиққан эди.

Ломбардия-Венеция области айниқса оғир аҳволда қолган, бу областни Австрия империясининг ваҳшиёна сиёсати иқтисодий турғунликка солиб қўйди. 1848-1859 йилларда ипак ишлаб чиқариш кескин суратда пасайиб кетди, ипак йигирув қорхоналарининг сони эса икки баровар камайди. Ип-газлама саноатининг буюмлари сотила олмас эди – айрим қорхоналар йилига олти ойлаб ишламай ётарди.

Тоскана саноати оғир вақтни бошидан кечирар эди. Австрия товарлари бемалол ички борзорга қарар ва шундай ҳам экспортни кенгайтириш имкониятларидан маҳрум бўлган маҳаллий ишлаб чиқаришни синдирар эди.

Италиянинг деярли ҳамма ерида, айниқса, Жанубда тез-тез бўлиб турадиган ҳосилсизликлар натижасида издан чиққан қишлоқ хўжалиги 50-йилларда қаттиқ кризисни бошдан кечирмоқда эди. Деҳқонлар жуда кўплаб хонавайрон бўлди. Шаҳар оммасининг муҳтожлиги ортиб борди.

Ана шундай тарихий шароитда миллий озодлик ҳаракати янги куч билан қайтадан бошланди. Бироқ кураш бошқача шароитда борди. Революция мағлубиятга учрагандан кейинги йилларда муътадил оқим таъсири кучайди, бунга буржуалашган дворянлар ва йирик буржуазия иқтисодий мавцеининг мустаҳкамланиши, шунингдек Пьемонтда ҳокимият тепасига либералларнинг қилишига ёрдам берган эди. Сардиния қароллигига

ва Пьемонт либералларининг сиёсатига Италиядаги бошқа давлатларнинг либераллари ўзларининг таянч маркази ва уларнинг фикрича, Италияни бирлаштириш ишига бошчилик қила оладиган бирдан-бир реал куч деб қарар эдилар. Кавур ва унинг тарафдорлари, ўз навбатида, милли озодлик ҳаракатини Пьемонт гегемонлигига, яъни Савойя династияси теварагида жипслашган ва Пьемонтда ҳукмронлик қилган помещчик-буржуазия блоки гегемонлигига бўйсундиришга ҳаракат қилар эди. Бундан улар ватанпарварларга Италияни “юқоридан туриб” бирлаштириш йўлини мажбуран маъқуллашиб, аслида Савойя хонадони интилар эдилар.

Миллий озодлик ҳаракатини либералларнинг Италияни юқоридан туриб бирлаштириш йўлига солиб юборишга уриниши, илгари бўлганиде, буржуа-демократик қанотнинг қаршилигига дуч келди.

Аҳолининг “қуйи” табақалари кўллаб-қувватланган буржуа демократлари ва республикачилар революцион ҳаракатлар, қуролли чиқишлар зарурлигини қаттиқ туриб талаб қилдилар, улар буни Италияни озод қилиш ва бирлаштиришнинг асосий воситаси деб билдилар. Мадзини бу ишларга раҳбарлик қилиш учун эмиграцияда (Лондонда) Италия комитетини тузди. Тез орада бутун Италияда яширин маднизичилар ташкилотлари пайдо бўлди, Масалан, Генуя, Рим бу ташкилотларнинг марказлари эди. Бу даврдаги мадзиничилар ҳаракатининг ўзига хос хусусияти бу ҳаракатда пролетариатнинг нисбатан кўп иштирок этганлигида эди.

XIX асрнинг 50-йилларида мадзиничилар бир неча янги фитналар ва кўзғолонлар уюштирдилар. Бироқ омманинг ёрдамига таянмаган бу чиқишларнинг ҳаммаси мағлубиятга учради. Масалан, 1852 йилда Мантуяда мадзиничи-ватанпарварлар фитнаси фош қилинди: 1853 йилдаги Милан кўзғолони барбод бўлди, Энгельс бу кўзғолонни жуда ҳам “бевақт” қилинган ҳаракат деб ҳисоблади.

Европанинг ҳамма ерида оқибатлари кўринган 1857 йилдаги қаттиқ савдо-саноат кризиси Апеннин ярим ороли бошига ҳам тушди. Италиядаги кўпчилик давлатларнинг анчадан бери чуқур депрессия ҳолатида бўлган экономикаси кризис вақтида янгидан қаттиқ зарбаларга дучор бўлди. Бутун Италияда банкротлик авж олди. Корхоналар ёпилиб борди, ишсизлар сони жуда ҳам кўпайиб кетди. Қишлоқ хўжалигининг халокатли аҳволга тушиб қолганлиги муҳтожлик ва мусибатни кучайтириб юборган бўлиб, бундан халқ оммаси қаттиқ азоб чекарди. Мамлакатнинг анчагина қисмида очарчилик қутурган эди.

Ишчилар ҳаракати ривожлана борган сари мадзиничилар билан либераллар ўртасида бу ҳаракатда раҳбарлик роли учун кураш кескинлашиб борди. Қисман мадзиничиларнинг зўр бериб ҳаракат қилишлари туфайли ишчилар Италияни бирлаштириш учун курашга тобора активроқ тортилиб борди.

Шундай қилиб, миллий-озодлик ҳаракати олдида янги, анча қулайроқ истиқбол йўли очилди; бунинг устига халқаро аҳвол ҳам феодал-абсолюстик лагерь фойдасига таркиб топмаётганлиги яққол кўриниб турган эди. XIX асрнинг 50 йиллари охирида Австрия империяси 1848-1849 йиллардагига қараганда анча заифлашиб қолган эди. Айни вақтда иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб олган ва Австрияни Италиядан сиқиб чиқаришдан манфаатдор бўлган Франция Сардиния короллигининг даъволарини илгарига қараганда анча қатъийлик билан кўллаб-қувватлади.

Тўртинчи савол баёни:

Сицилиядаги кўзғолон. “Минг аскар” юриши.

1860 йил 4 апрелда Палермода кўзғолон кўтарилди: бу кўзғолон 1859 йил охиридан бошлаб иккала Сицилия Короллиги территориясининг ҳамма ерида авж олиб борган революцион ҳаракат натижасида тайёрланган эди. Сицилия пойтахтининг хунармандлари, камбғаллари кўзғолончиларнинг зарбдор кучи эди. Кўзғолон бостирилди, лекин у Палермодан ташқарида янги куч билан авж олиб кетди. Дехқонлар партизан отрядлари тузиб, курашга кўзғалдилар; дехқонларнинг партизан отрядларига кўпинча маднизичилар бошчилик қиларди.

Палермо билан деярли бир вақтда Сицилиянинг бошқа шаҳарларида ҳам кўзғолон кўтарилди. Халқ сиёсий маҳбусларни озод қилар, полиция биноларини яксон этар,

бинолардан Бурбонларнинг гербларини улоктириб ташларди. Кўзғолончилар Бурбонлар ҳокимиятини ағдариб ташлашни ва Италиянинг бирлаштирилишини талаб этдилар. Халқ оммасининг манфаатларига жавоб берган, феодалларга қарши қаратилган шиорлар тобора қатъийроқ янграй бошлади. Дехқонлар оммасининг кураши шаҳар қуйи табақаларининг кураши билан қўшилиб кетиши Сицилиядаги кўзғолончилар ҳаракатига алоҳида куч бағишлаган эди. апрелнинг охирида кўзғолон бутун оролга ёйилди.

Кўзғолончиларга ёрдам бериш учун Генуядан дoston бўлган “Минг аскар” – Гарибальди бошчилигидаги кўнгиллилар отряди денгиз орқали йўлга чиққанида Сицилиядаги аҳвол на шундай эди. Шуниси ажойибки, экспедициянинг деярли ярмини ишчилар, хунармандлар ташкил қилар эди, студентлар, майда буржуазиянинг, интеллигенциянинг вакиллари ҳам ўп эди. “Минг аскар”да турли миллат кўнгиллилари, жумладан, руслар ва булар орасида географ Лев Ильич Мечников (1838-1888), Федор Петрович Комиссаржевский (бўлғуси машҳур актрисанинг отаси) иштирок этган эди. Экспедиция қатнашчиларининг анчагина қисми демократлардан иборат эди. Улар сиймосида ажойиб раҳбарга, “муъ Жизалар яратишга қобил бўлган ва мужизалар яратган антик тахлитдаги қахрамонга” эга эдилар.

1860 йил 11 майда волонтерлар Сицилиядаги кичик бир Марсала портига келиб тушдилар. “Минг аскар”нинг шонли эпопеяси бошланди, унинг аҳамияти шунда эдики, гарибальдичиларнинг озодлик кураши кенг халқ ҳаракати билан қўшилган эди.

Янги буржуа ҳокимияти вужудга келди. Провинцияларга губернаторлар тайинланди, маҳаллий буржуазия ва либерал дворянлар вакилларида муниципалитетлар тузилди. Гарибальди Сицилия диктатори унвонини олди. Бироқ амалда оролни Депретис ва Криспи бошлиқ муътадил либераллар бошқарарди. Янги ҳокимият маълумотлари социаль-иқтисодий сиёсатининг чекланганлиги, зиддиятли эканлигини сабаби, жумладан, ана шунда эди. Гарибальди мададига суянган омманинг тазйиқи остида дворянлар ва руҳонийларнинг тоифачилик имтиёзлари йўқ қилинди, иезуитлар ҳайдаб юборилиб, уларнинг ер мулклари мусодара қилинди, таможня божларининг кўпи бекор қилинди ёки камайтирилди ва савдо ҳамда денгизда сузиш эркинлиги эълон қилинди. Омманинг манфаатини кўзлаб тегирмон солиғи бекор қилинди, ижара ҳақлари тўлаш муддати узайтирилди ва озодлик курашида иштирок қилган дехқонларга жамоа ерларидан ер участкаси олиш ҳукуқи бериш тўғрисида декрет чиқарилди.

1861 йил мартада янгидан сайланган бутун Италия парламенти Италия короллиги барпо этилганини расмий равишда қонунлаштирди. Виктор-Эммунил II Италия короли деб эълон қилинди. Ҳокимият буржуалашган дворянлар билан йирик буржуазия қўлига ўтди, уларнинг манфаатини ўнгллар деб аталгач, партия, яъни либерал-кавурчилар партияси ифода қилар эди. Бунгача Сардиния короллигида бўлганидек, ғалаба қилган янги синфий кучлар билан феодал реакция кучлари ўртасидаги муроса янги режимнинг асоси эди. Энди эса деярли бутун Италия миқёсида ва ҳаммадан аввал мамлакат жанубидаги қолоқ, энг реакцион кучлар билан бундай муросага эришиш мумкин бўлиб қолди.

Хукмрон синфлар иқтисодий сиёсатининг энг муҳим вазифаси миллий бозор вужудга келтириш процессини тугаллашдан иборат эди. Ўнгллар (Мингетти, Селла ва бошқалар) ҳукуматнинг дастлабки тадбирларидан бири шу бўлдики, илгариги Италия давлатларини бир-биридан ажратиб турган таможня тўсиқлари йўқ қилинди. Ўтган ўн йилликда бошланган ва ғоят кўп давлат маблағлари сарфлаган темир йўл қурилиши янгидан авж олдириб юборилди: 1870 йилда темир йўл линияларининг умумий узунлиги 1859 йилдаги 1707 км.дан 6047 км.га етди.

Капиталистик мануфактура илгаригидек мамлакатнинг жанубида ва марказий қисмида устун бўлиб, Ломбардия ва Пьемонт ишлаб чиқаришда ҳали ҳам муҳим ўрин тутар эди; шунга қарамай, саноат ўзгариши суръатини тезлаштириш учун шароит яратилган эди. Машиналар ишлатила бошлаши билан меҳнаткаш омма анчагина қисмининг аҳволи ёмонлашди. Бунинг устига хукмрон синфлар солиқлар зулмини кучайтирдилар. Помешчиклар жамоа ерларини талон-торол қилдилар. Дехқонларнинг ер мулклари

солиқ сиёсатининг ва мулкдор синфларнинг судхўрлик макр-хийлаларининг қурбони бўлди. Тузга ва бошқа энг зарурий нарсаларга солинган ғоятда оғир солиқлар устига 1859-1860 йилларда омманинг сиқуви билан бекор қилинай деб турган ва энди яна қайта жорий қилинган тегирмон солиғи қўшилди.

1862 йилда Гарибальди янгидан юриш бошлади, бу сафар у Римни папа ҳокимияти ва француз оккупантларидан бевосита озод қилиш учун юриш бошлаган эди. Аммо Виктор-Эммануил II қўшинлари гарибальдчилар йўлини тўсди. Аспромонте ёнидаги отишма вақтида Гарибальди қаттиқ ярадор бўлди.

1864 йилда мамлакатда республикачилик ҳаракати кучайди. Гарибальдининг ташаббуси билан Марказий бирлашган комитет тузилди, унинг вазифаси миллий-озодлик курашига раҳбарлик қилишдан иборат эди. 1865 йилда мадзиничилар Венеция областида қўзғолончи комитетлар тузиб, қўзғолонг тайёргарлик кўра бошладилар, улар 1866 йилнинг баҳорида қўзғолон кўтаришни мўлжаллаган эдилар. Ана шундай шароитда ҳукумат миллий масалани ҳал қилишда яна дипломатик воситаларни ишга солди. Италия Австрия-Пруссия урушида қатнашди. Унинг қўшинлари ва флоти бир неча мағлубиятга учради, айти вақтда эса Гарибальди кумондонлигидаги кўнгилли отрядлар Тиролдз муваффақият билан ҳужум қилиб бордилар. Пруссиянинг Садовая ёнидаги ғалабаси урушнинг оқибатини ҳал қилди; сулҳ шартномасига биноан Венеция Италияга ўтди.

Италия буржуа революциясининг асосий вазифаси бўлган Италиянинг миллий давлат қилиб бирлаштирилиши Италия илғор кучларнинг феодализм-абсолютистик реакцияга ҳамда чет эл зулмига қарши узоқ давом этган ва қаттиқ кураши натижасида тугалланди.

**1-амалий Машғулот: Шимолий Америкада мустақиллик учун
кураш АҚШнинг ташкил топиши.**

Ажратилган вақт: 4 соат

Асосий саволлар:

1. Мустақиллик урушининг сабаблари.
2. Йирик давлатларнинг урушга аралашуви
3. АҚШ конституциясининг қабул қилиниши.

Дасрнинг мақсади:

Мустақилликни қўлга киритиш учун Англияга қарши уруш, урушнинг халқаро муносабатларга таъсири ва мустақил АҚШ давлатининг ташкил топишини муҳокама қилиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Англия ва колониялар ўртасидаги зиддиятлар негизига баҳо беради.
- 1.2. Колонияларнинг Франция, Россия, Испания ёрдамида Англия устидан ғалаба қозонишини изоҳлайди.
- 1.3. Мустақил АҚШ давлати ташкил топишини шарҳлайди.

Керакли адабиётлар:

1. Юровоской Е.Е. , Кривогуза И.М.Новая история стран Европў и Америки. М: «Вўсшая школа» 1998.
2. Янги тарих I – том. Ўқитувчи 1967.
3. Севастянова Г.Н. Война за независимость и образование США. М: 1976.

1-мавзу юзасидан мустақил иш топшириқлари:

1. Ж.Вашингтон, Т.Жеферсон фаолиятлари. 1-адабиёт. 40-56,72-74,110-123 бетлар
2. Континентал конгресс фаолияти. 53-61, 112-125 бетлар
3. Мустақил АҚШ мафкураси. 3-адабиёт. 17-50, 60-91 бетлар.

Ушбу топшириқлар саволларига қуйидаги адабиётлардан жавоб топасиз.

1. В.В. Согрин. Жеферсон. Человек мыслитель и политик. М.Наука. 1989.
2. Севастянова Г.Н. Война за независимость и образование США М: 1976 г.

3. В.В.Согрин. Идейнўе течения Американской революции XVIII века. М. 1980.

2-амалий машғулот: Буюк Француз инқилоби.

Ажратилган соат: 4 соат.

Асосий саволлар:

1. Людовик XVI абсолютизмнинг ағдалиши.
2. Якобинчилар бошқарувининг ички ва ташқи сиёсати.
3. Инқилобнинг якунланиши ва термидор, директория бошқарувлари.

Дарснинг мақсади: Францияда феодал абсолютизмнинг инқирози, инқилобнинг ички ва халқаро ҳаётга таъсири молия, саноат доиралари ҳукмронлигининг ўрнатилиши жараёнларини муҳофаза қилиш.

Идентификация мақсади:

- 1.1. Эски тузмнинг инқирозга учраш сабабларини аниқлайди.
- 1.2. Якобинчилар ички ва ташқи сиёсатининг оқибатларини таҳлил қилади.
- 1.3. Юқори доираларнинг ҳарбийлашган бошқаруви вужудга келишини шарҳлайди.

Керакли адабиётлар:

1. Манфред А.З. Три портрета Великой французской революции М.Наука. 1978.
2. Новая история I –часть М: Прсвещения 1978.
3. Волгина Е.В. Французская буржуазная революция. 1796-1798 г. М.Наука. 1944.

2-мавзу юзасидан мустақил иш топшириқлари:

- 1.Якобинчилар аграр ислохатлари. 1-адабиёт. 52-70, 86-95 бетлар.
- 2..Инқилобга қарши иттифоқлар фаолияти. 2-адабиёт. 46-62,73-91 бетлар.
- 3.Граф Бабаёф фаолияти.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:.

1. Лавуафр Ж. Аграрнўй вопрос в эпоху террора. (1793-1794) Л. 1966.
2. Нарочницкий А.А. Международнўй отношения во время французской буржуазной революции. М. 1976.
3. Чертакова Г.С. Граф Бабаёф во время термидорианский реакции. М. 1980.

3-амалий машғулот: Франция консуллик ва биринчи империя даврида .

Ажратилган вақт: 4 соат

Асосий саволлар:

1. Наполеон кодекслари ва уларнинг моҳияти.
2. Европа халқларининг Наполеон зулмига қарши кураши.
3. Бурбонлар монархиясининг қайта тикланиши.

Дарснинг мақсади: Наполеон ички ва ташқи сиёсатининг салбий оқибатларини ва монархиянинг қайта тикланишини муҳокама қилиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Наполеон кодексларининг моҳиятини баҳолайди.
- 1.2. Наполеонни истилосига қарши Европа халқларининг биргаликда курашининг моҳиятини эътироф этади.
- 1.3. Франциянинг мағлубияти ва монархия қайта тикланишини шарҳлайди.

Керакли адабиётлар рўйхати:

1. Новая история стран Европы и Америки . М. Наука. 1986.
2. Манфред А.З. Наполеон Бонапарт. М. 1980.
3. Истории дипломатии. Т. -1. М. 1959.

7-мавзуга оид мустақил иш топшириқлар:

1. Наполеоннинг консуллик давридаги фаолияти. 1-адабиёт. 26-64 бетлар.
2. Наполеоннинг Италия ва немис давлатларидаги сиёсий, маъмурий ислохатлари. 2-адабиёт. 86-94 бетлар.
3. Франция Испания муносабатларининг кескинлашуви. 115-127 бетлар.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Манфред А.З. Наполеон Бонапарт. М. 1980.
2. Истории дипломатии. Т. -1. М. 1959.
3. Новая история стран Европы и Америки: первый период. М. Наука. 1986.

2-модул бўйича якуний хулосалар.

1. Янги давр арафасида Шимолий Америкага кўчиб борган Европаликлар минтақада мустақил давлат ташкил этиш учун Англия қиролигига қарши уруш бошлади. Мустақиллик учун урушда Англия

халқаро майдонда яккаланиб қолди ва мағлубиятга учради. Натижада дунё тарихидаги янги АҚШ республикаси ташкил топиб, қитъадаги биринчи индустриал давлатга айланди.

2. Ҳарбий Европанинг энг йирик монархияси Францияда эски тузумга қарши қаратилган инқилоб натижасида Абсолют монархия ағдарилди. Лекин ўтиш даврида демократик бошқаришни жорий этишнинг қийинчилиги туфайли конституцион монархия, жирдонистлар, якобинчилар республикалари, директория бошқарувлари синовдан ўтказилди. Ҳар бир бошқарув маълум синфларнинг манфаатларидан келиб чиқиб ички ва ташқи сиёсат юритди. Беқарорлик кейинчалик қаттиққўл ҳарбий бошқарувга йўл очиб берди. Инқилоб вақт ўтиши билан ишлаб чиқаришнинг юксалишига хизмат қилди.

3. Англиядаги каби Францияда ҳам инқилобдан сўнг беқарорликка барҳам бериш, халқ ҳаракатларини жиловлаш ва халқаро майдонда гегемонликка интилишга ҳаракат қилган юқори доираларнинг манфаатларига жавоб берувчи Наполеоннинг ҳарбий бошқарувига асос солинди. Наполеоннинг ички ва ташқи сиёсати уруш ҳолатига мослашиб унинг урушлари Европада сиёсий харитасини тубдан ўзгартириб юборди. Европа монархиялари Наполеонга қарши иттифок тузиб уни мағлуб этиб ўзларининг эски мавқеларини сақлаб қолдилар.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Америка руҳи деганда нимани тушунаси?
2. Лоялистлар кимлар?
3. Б.Франклин қарашларининг аҳамияти нимада?
4. Кардинал Мазарини ислохотлари қандай хусусиятга эга?
5. Етти йиллик урушнинг оқибатларига баҳо беринг?
6. Нима учун Маратни «Халқ дўсти» деб аташган?
7. Консуллик бошқаруви қандай бошқарув?
8. Наполеон авторитар – ҳарбий бошқарувининг шаклланиш сабаблари нимада?
9. Наполеон юришларининг Италияга таъсири қандай бўлди?
10. Тильзит сулҳининг моҳияти нимада?

2-модул бўйича тавсия қилинган адабиётлар:

1. Манфред А.З. Наполеон Бонапарт. М. 1980.
2. Истории дипломатии. Т. -1. М. 1959.
3. Новая история стран Европѹ и Америки: первѹй период. М. Наука. 1986.
4. Волгина Е.В. Французская буржуазная революция. 1796-1798 г. М.Наука. 1944.

5. Левефр Ж. Аграрный вопрос в эпоху террора. (1793-1794) Л. 1966.
6. Нарочницкий А.А. Международные отношения во время французской буржуазной революции. М. 1976.
7. Чертакова Г.С. Граф Бабаёф во время термидорианской реакции. М. 1980.
8. В.В. Согрин. Жефферсон. Человек мыслитель и политик. М. Наука. 1989.
9. Севастьянова Г.Н. Война за независимость и образование США М: 1976 г.
10. В.В. Согрин. Идеи течения Американской революции XVIII века. М. 1980.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европа ва АҚШ таракқиёти.

1- мавзу: Халқаро муносабатларнинг «Вена тизими».

Мустамлакачилик сиёсати.

Ажратилган вақт: 4 соат

Асосий саволлар:

1. Халқаро муносабатларнинг Вена тизими ва унинг инқирози.
2. XIX асрнинг 50-60 йилларида халқаро муносабатлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Вена конгресси, иттифоқчилар позицияси, Франция янги мулкларининг бўлиниши, Герман иттифоқи, муқаддас иттифоқ, Николай I , Меттерних сиёсати, Европа жандарми, Пруссиянинг кучайиши.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Вена конгрессидан сўнг Шимолий Европадаги миллий, ҳудудий ўзгаришларнинг оқибатларига муносабатингиз.
2. Швецариянинг бетарафлик сиёсатига йирик давлатларнинг муносабатлари қандай деб ўйлайсиз?

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

Вена конгрессидан кейинги халқаро ҳаёт, муқаддас иттифоқ фаолияти Вена тизими емирилиши сабабларини ўрганиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Вена конгресси натижасида Франциянинг заифлашуви ва Европа, Осиё, Африкадаги ўзгаришларни билади.

1.2. Муқаддас иттифоқ фаолиятига баҳо беради.

1.3. Йирик давлатлар манфаатларининг тўқнашуви туфайли Вена тизими барбод бўлишини тушунади.

1-саволнинг баёни.

Инқилобий Франция ва Наполеон урушлари Франциянинг йирик мағлубияти билан якунланди. Ғолиб мамлакатлар Европада халқаро муносабатларнинг янги тартибини яратдилар. Бу тартиб тарихга «Вена тизими» номи билан кирди. «1815 йил трактатлари» деб ном олган шартномалар ва иттифоқлар тизими босқичма —босқич 1814 йил майидан то 1818 йил ноябригача яратилди. Бу даврда тўртта йирик халқаро учрашув бўлиб ўтди. Франция билан биринчи Париж тинчлигини тузиш бўйича музокаралар (1814 йил май оyi); Вена конгресси (сентябрь 1814 й. — июнь 1815 й.); иккинчи Париж тинчлиги бўйича музокаралар (июль —ноябрь 1815 й.); Ахен конгресси (сентябрь —ноябрь 1818 йй). Бу учрашувлардан энг муҳими —Вена конгресси эди. Венага бутун Европа мамлакатларидан (Усмонийлар империясидан ташқари) 216 вакиллар келди. Улар орасида императорлар, вазирлар ва йирик сиёсий арбоблар бор эди. Конгрессда асосий ролни Россия императори Александр I, Австрия канцлери Миттерних ва Англия вакиллари ўйнади.

«Вена тизими» асосан уч масалани хал этди. Францияни 1792 йил чегараларига қайтариш ва ҳокимият тепасида Бурбонлар сулоласини тиклаш; Европада ва мустамлакаларда Англия, Россия, Пруссия ва Австрия манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий ўзгаришларни амалга ошириш, Францияда ва бошқа Европа мамлакатларида инқилобий ҳаракатларни олдини олиш бўйича қафолатларни қабул қилиш (бу мақсадда 1815 й сентябрида Россия, Пруссия ва Австрия Парижда «Монархлар ва халқларнинг Муқаддас иттифоқини» туздилар). «Вена тизимининг» бўшлиғи унинг яратилишидаёқ аён бўлди. Муқаддас иттифоқ аъзолари бу ташкилотни инқилобий жараёнларни олдини олувчи қуролга ва халқаро муаммоларни хал этувчи форумга айлантира олмадилар.

Тропау (Опава)-Лейбах (Любляне)-даги (1820-1821 йй.) ва Веронадаги (Шимолий Италия) (1822 й) конгресслар давомида «Муқаддас иттифоқ» иштирокчилари орасида жиддий зиддиятлар кўзга ташланди. Бундай ҳолат кейинчалик Англиянинг келишилган ҳаракатлардан четланиши ва «эркин қўллар» сиёсатига қайтишига ёрдам берди. Англиянинг келишилган ҳаракатлардан ўзини четга олиши Европада сепарат иттифоқлар ва коалицияларнинг тузилишига олиб борар эди.

Бирин кетин 1830 йилда Франция ва Белгияда содир зтилган инқилоблар ва 1830—1831 йилги Поляк қўзғолони, 1815—1850 йилларда халқаро муносабатларнинг асосий зиддиятлари бўлмиш

Англия Россия зиддиятларини янада кескинлаштирди. 1830—1831 йиллар Буюк давлатларнинг элчилари Лондонда конференция ўтказиб, бу ерда Бельгия давлатининг мустақиллигини тан олиш ва унинг доимий бетарафлигини таъминлаш тўғрисидаги протоколларга имзо чекдилар. Бу эса «Вена тизимида» ўрнатилган 1815 йил чегараларидаги дастлабки дарз кетиш эди.

Беш буюк давлатларнинг «1815 йил трактатларини» қўриқлаш ва «инқилобий рухга» қарши курашдаги келишиб ҳаракат қилишни назарда тутган «Вена тизими» тамойилларга янги зарбани 1848—1849 йиллар инқилобий тўлқини берди. Англия бошқа буюк давлатлар билан умумий сиёсатдан чиқиб бўлган эди. 30 чи йилларда ўхшаш сиёсатни Франциянинг июль монархияси олиб бора бошлади. Пруссия ва Австриянинг ҳукмдор доирлари бу мамлакатларда 1848 йил инқилобий ҳаракатларнинг кенг ёйилиши натижасида деярли фалаж ахволига тушиб қолган эдилар.

Шундай қилиб, 20 —30 чи ва 40 чи йиллар инқилоблари XIX аср ўрталарига келиб «Вена тизимининг» устунларини силкитиб юборди. Тизимнинг тўла қулаши 50 чи йилларга тўғри келди. Бу даврда шарқий масала атрофида зиддиятлар ўта кескинлашди ва Муқаддас Иттифок собик аъзолари ўртасида уруш келиб чиқди. Шарқий масаланинг кескинлашуви ва Қрим урушидаги (1853—1856 йй.) Россиянинг мағлубияти «Вена тизимининг» тўла барбод бўлишини ва Россиянинг Европа ишларига таъсирининг йўқотишини англатди.

Кейинги йиллар рус дипломатиясининг Париж шартномасининг мамлакат нуфузи учун камситадиган шартларини олиб ташлашга қаратилган ҳаракатлари билан ифодаланади.

«Вена тизимининг» қулаши оқибатида янги халқаро вазият вужудга келди. Қрим уруши Европада кучлар нисбатини ўзгартириб юборди. Россиянинг ташқи сиёсий кучи заифлашди. Австрия Россия Пруссия иттифоқи тарқаб кетди. Франция «1815 йил трактатларни» йўқ қилишга интилар эди.

Германия ва Италия давлатларининг бирлашиш жараёнлари даврида Пруссия ва Сардиния қироллигининг халқаро фаоллиги ўсди. Австрия мавқеи эса пасайди. Халқаро муносабатлар ривожланишидаги муҳим омил сифатида Буюк Британия ва Франциянинг Америкадаги сиёсатининг фаоллашуви намоён бўлди. Бундай фаоллашув АҚШ да XIX аср 60 чи йилларда бўлиб ўтган Фуқаролар уруши билан боғлиқ эди. «Вена тизими» Германия ва Италияни узил—кесил кўмиб ташлади. Лекин, Германия (жанубий герман князликлари масаласи) ва Италиянинг бирлашиш жараёнлари 60 чи йилларнинг охирига келиб тўла яқунланмади. Француз прус антагонизми ва кескин итальян француз муносабатлари XIX аср 60 йилларнинг иккинчи ярмида халқаро муносабатларнинг асосий омилига айланди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Нима учун муқаддас иттифоқ тарқалиб кетди?
2. Англиянинг эркин қўллар сиёсатига қайтиши сабаби нимада?
3. Вена қарорларининг Немис давлатлари тақдирига таъсири қандай бўлди?

2- савол бўйича дарснинг мақсади:

XIX асрнинг 50-60 йиллардаги Европа давлатлари ўртисидаги сиёсий зиддиятлар, ҳудудлар масаласидаги тортишувлар Сардиния, Пруссиянинг кучайиши сабабларини ёритиб бериш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Европа давлатлари геополитик мақсадлари тўқнашувини англайди.
- 1.2. Сардиния, Пруссиянинг кучайиши ва ҳудудларининг кенгайиши сабабларини тушунади.
- 1.3. Мустамлакачилик урушларига баҳо беради.

2-асосий савол баёни:

XIX аср 20-60 чй йиллардаги Европа давлатларининг мустамлакачилик сиёсати XVII иккинчи ярми—XVIII асрлардаги мустамлакачилик ҳукмронлиги усулларида катта фарқ қилар эди. Осиёда мустамлакачилик экспансиясининг янги ҳудудларида европаликлар иқтисодий ва ҳарбий жихатдан кучсиз, лекин асрлар давомида ўз давлатчилигига эга бўлган қадимги цивилизациялар билан тўқнашдилар. Шунинг учун, бу мамлакатларга кириб келиш, масалан, Американи колонизация қилишдан фарқ қиларди. Америка қитъасида мустамлакачилик талаш, талончилик ва қитъани бўлиш эди. Мустамлакаларни бошқариш тамойили ҳам ўзгарди. Мустамлакаларни монопол савдо компаниялар орқали бошқариш ва эксплуатация қилиш йуўқ бўлди. Мустамлакаларни бошқариш давлат қўлига ўтди.

Мустамлакаларни иқтисодий эксплуатация тавсифида ҳам ўзгаришлар бўлди. Агар илгари мустамлакачилар олтин ва кумуш, экзотик ўсимликлар ва уларнинг илдизларини қидирган бўлсалар, қул савдосидан бойиган бўлсалар, энди эса асосий манфаат саноат учун хомашё пахта, маъданлар ва бошқалар эди. Мустамлакачилар мустамлакалардан ўзининг саноат моллари учун бозорлар сифатида фойдаланар эдилар, мустамлакаларнинг хўжалик ҳаётига жадал кириб борар эдилар (мустанлакаларда темир йўллар, шосселар, шахталар кураp эдилар).

Муҳокама учун саволлар:

1. Нима учун Болқон ярим ороли Европанинг энг нозик нуқтаси бўлиб қолди?
2. XIX аср ўрталарида Россиянинг халқаро аҳволи қандай эди?
3. Англия ва Франция манфаатларининг тўқнаш нуқталари қайси ҳудудлар эди?

Назорат саволлари:

1. Қуйидаги давлатлардан қайси бири Вена конгрессида иштирок этмади?

А. Туркия.

Б. Англия

С. Пруссия

Д. Россия

Е. Испания

2. «Муқаддас иттифок» ни тузишдан бош мақсад нима эди?

А. Россияни заифлаштириш

Б. Европадаги инқилобларни бостириш

С. Англияни иқтисодий қамал қилиш.

Д. Африкани босиб олиш

Е. АҚШга қарши ҳамкорликда уруш олиб бориш.

3. Вена тизими асосидаги чегараларнинг илк дарз кетишига қайси давлатнинг мустақил бўлиши сабаб бўлди?

А. Сардиния.

Б. Люксембург

С. Бельгия

Д. Польша

Е. Чехия

4. Вена тизимининг тўла барбод бўлиши қайси урушга боғлиқ?

А. Австрия – Туркия

Б. Пруссия – Австрия

С. Франция – Пруссия

Д. Қрим уруши.

Е. Лейпциг жанги.

5. XIX асрнинг 60 йилларида қуйидаги мамлакатлардан қайси бирида марказлашуви жараёни борарди?

А. Бельгия

Б. Дания

С. Чехия

Д. Португалия

Е. Италия

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Европада хавфсизликни таъминлаш йўлидагитўсиқларни бартараф этишнинг қийинчилигига муносабатингиз?

2. Вена қарорларининг Германия ички ва ташқи аҳволига узоқ йиллардаги таъсири нималарда намоён бўлади деб йўлайсиз?

2-мавзу. Европада 1848-1849 йиллар инқилоблари

Ажратилган вақт: 6 соат

Асосий саволлар:

1. Европада инқилобий вазиятнинг вужудга келиши.
2. Франция ва Германияда инқилоблар.
3. Италия ва Австриядаги инқилоблар ва уларнинг оқибатлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Инқилобий вазият, миллий муаммолар, июл монархияси, Люксембург комиссияси, ижтимоий – сиёсий ҳаракатлар, иккинчи империя, Бисмарк фаолияти, Франкфурт парламенти, Италия бирлашуви учун кураш.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Нима учун XIX аср ўрталарида Европада айнан бир вақтда инқилоблар юз берди.
2. Нима сабабдан 1848-1849 йиллардаги воқеаларни миллий озодлик инқилоблари деб баҳолаш мумкин.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: XIX аср ўрталарида Европада инқилоблар сабабларини ёритиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Европада инқилоблар арафасидаги вазиятни билади.
- 1.2. Инқилоблар сабабларини англайди.
- 1.3. Инқилоблар бошланиш зарурлигини эътироф этади.

1-савол баёни:

1848—1849 йилларда деярли бутун Европа инқилобий аланга ичида қолди Францияда ва Австрия империясида ва герман давлатларининг кўпчилигида, тарқоқ Италияда инқилоблар бўлиб ўтди. Бу даврга келиб, кўплаб Европа давлатларида феодал ярим феодал муносабатлар, қатор мамлакатларда эса абсолютик тартиблар сақланиб қолинган эди, Австрия ва Усмонийлар империяларида миллий масалалар жуда кескин эди. Германия ва Италия ягона бирлашган давлатлар тузиш эҳтиёжини сезар эдилар. Демократик ўзгаришларни амалга ошириш имконини инқилоб бериши мумкин деган ғоялар ва интилишлар кенг тарқалган эди. Бундан ташқари XIX аср ўрталарида қатор мамлакатларда содир бўлаётган саноат тўнтарилиши феодал тартибнинг қолдиқларини афдариб ташлаш заруриятини кун тартибига қўйди.

1845—1847 йиллардаги қишлоқ хўжалигида бўлиб ўтган офат ва 1847 йилдаги иқтисодий инқироз инқилоб бошланишини тезлаштирди. 1848 йилда халқ норозилигининг портлаши бўлди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Европадаги инқилобларнинг бош сабаби нимада?
2. Инқилобларнинг миллий ҳудудий муаммоларга таъсири қандай бўлди?
3. Нима учун бу инқилоблар Осиёда юз бермади?

2-савол бўйича дарснинг мақсади:

Франция ва Германиядаги инқилоблар сабаблари, кескин ўзгаришлар ва уларнинг оқибатларини тушинтириш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Франциядаги инқилоб натижасида сиёсий ҳаётнинг кескин ўзгаришини англайди.
- 1.2. Инқилобларнинг немис давлатларида миллий давлат тузишдаги аҳамиятини эътироф этади.
- 1.3. Франция ва Германиядаги инқилобларнинг фарқли томонларини таққослайди.

2-савол баёни:

Франция Июль монархияси асосан банкирлар, темир йўллар, кўмир ва темир конлари, ўрмонлар эгалари манфаатларига мос тузум эди.

Мамлакатнинг 1%-дан камроқ аҳолиси сайлов ҳуқуқларига эга эди. Мухолифатнинг турли тоифалари сайлов ҳуқуқларини кенгайтирилишини демократик эркинликлар берилишини талаб қиладилар. Республика ўрнатилнши тўғрисидаги талаблар ҳам жадал илгари суриларди.

1847 йил иқтисодий инқирози мамлакатдаги ижтимоий ва сиёсий вазиятни кескинлаштирди. Мамлакатда инқилобий вазият юзага келди. Мухолиф доиралар 1848 йил бошида бир қатор йиғинлар ва мажлислар ўтказиб, сайлов цензининг камайтирилишини талаб қилдилар. Бундай йиғилишларда халқ оммаси ҳам қатнаша бошлади. 1848 йил 24 февралда қуролланган халқ қурол аслаха омборларини ва шаҳарнинг муҳим нуқталарини эгаллади. Луи Филипп Англияга қочишга мажбур бўлди. Тюильри саройи кўзғолончилар томонидан эгалланди. Июль монархияси ағдарилди.

Депутатлар палатасининг ҳокимиятни қирол оиласи аъзоларидан бирига топшириш учун ҳаракатлари қуролли кўзғолончилар босими остида амалга ошмади. Палата Муваққат ҳукуматни тасдиқлашга мажбур бўлди. Ҳукуматда асосий ўринларни «мўътадил» республикачилар эгалладилар. Ҳукуматга Лион кўзғолони иштирокчиси Альбер ва социалист Луи Блан ҳам киритилди. Лекин уларнинг таъсири жуда заиф эди. Муваққат ҳукумат республика масаласини ҳал этишни чўзганда халқ оммаси ратушани қуршаб олди ва Францияни республика деб эълон қилишга уни мажбур этди.

Февраль кўзғолонида катта роль ўйнаган ишчилар меҳнат ҳуқуқини, барча мухтожларни иш билан таъминлаш қонунини талаб қилдилар. Муваққат ҳукумат бу тўғрисида декретни қабул қилди ва иш кунини 10—11 соатга чақисқартирди. Ҳукумат ишчилар масалалари билан шуғуланувчи махсус комиссия тузди. Комиссияга Луи Блан бошчилик қилди. Луи Блан ўз фаолиятини ишхаки масаласидаги ишчилар ва ишберувчилар келишмовчиликлар ва тортишувларга барҳам беришга қаратди. Комиссия иши сустр олиб борилди ва қуруқ гап сотишга айланиб қолди.

Парижда тўпланиб қолган ишсизлар оммасини тинчлантириш мақсадида Муваққат ҳукумат улар учун жамоат ишларини ташкил этди ва бу ишларга «Миллий устахоналар» деб ном берди. Жуда паст иш хаки учун ишлаётган 100 минг киши харбий казарма тартиботига учрадилар. Шу пайтнинг ўзида ҳукумат томонидан тадбиркорларга катта имтиёзлар берди. Лекин, дехқонлардан олинадиган солиқ 45% ошди ва бу ҳолат «Миллий устахоналарга» кетадиган харажатларни қоплаш учун қўлланган чора деб баҳона қилинди.

1848 йил май ойида сайловлар натижасида тузилган Таъсис Мажлис Муваққат ҳукуматни вазирлар билан алмаштирди. Ишчилар

фаоллигини бостириш мақсадида Парижда 24 минг аскарлик пойтахтта қўшинлар келтирилди.

22 июнда ҳукумат «Миллий устахоналарни» бекитиш тўғрисидаги декретни эълон қилди. Луи Блан комиссияси тарқатиб юборилди. «Устахоналарда» ишлаган ва 25 ёшдан ошган бўйдоқ ишчилар армияга чакирилдилар. Табиийки-бу сиёсат ишчиларни ғазабини келтирди ва Парижда қўзғолон бошланди.

Ягона раҳбарликка эга бўлмаган ва стихияли ривожланган қўзғолонни бостиришга ҳукумат жаъми 150 минг кишилик, қўшинни жалб этди. 26 июнга келиб қўшинлар қўзғолончиларнинг Сен Антуан районидаги сўнги қаршилик нуқтасини бостирдилар. Париж кўчалари қонга тўлиб кетди. Қўзғолонни бостириш билан бир пайтда янги конституция ҳам ишлаб чиқилди. Унда президент ҳокимияти кучайтирилган эди. Президент қонунчилик Мажлисининг розилигисиз ҳам вазирларни тайинлаш ва бўшатиш ҳукукига эга бўлди. Мехнат ҳукуки тўғрисида ҳеч нима айтилмаганди. Республикачилар ўз таъсирини йўқотгани сабабли 1848 йил декабрида президент этиб монархия тарафдори, Наполеон I нинг жияни, шахзода Луи Наполеон Бонапарт сайланди.

Луи Наполеон императорликни даъво қилар экан, 1851 йилнинг 2 декабрида унга мухолиф бўлган арбоблар қамокка олинди. Парижда баррикадаларга чиққан 10 минг республикачилар қўшинлар томонидан бостирилди. Шундай қилиб 1851 йил 2 декабрда мамлакатда бонапартча тўнтариш юз берди. Бир йилдан сўнг (1852 й. 1 декабрда) Францияда монархия тикланди. Луи Наполеон Бонапарт Наполеон III номи билан император деб эълон қилинди. Иккинчи Империя даври бошланди. 1848 йил инқилоби Францияда республика тизимини ўрната олмади ва мағлубиятга учради.

Германиянинг ижтимоий иқтисодий ривожланишига феодал тартибнинг қолдиқлари сақланиб қолганлиги тўсиқ бўлди. Сиёсий тарқоқлик, ички божлар, цех хунармандчилиги, дехқонларнинг, ер эгаларидан қарамлиги ва бошқа ҳолатлар мамлакатда туб ўзгаришлар заруриятини келтириб чиқардилар.

Инқилоб арафасида турли сиёсий қарашлар мавжуд эди. Мўътадил ислохотлар талабидан туб инқилобий ўзгаришларгача бўлган ғоялар. 1848 йил иқтисодий инқироzi халққа муҳтожлик ва офатлар олиб келди.

1847 йил баҳорида Берлинни очлик ғалаёнлари босиб кетди. Монархия ҳукумати молиявий банкротлик (синиш) арафасида эди. Сиёсий вазият кескинлашди.

Биринчи инқилобий чиқишлар Германиянинг жанубий —ғарбида бошланди. Тез орада бундай ҳаракатлар Пруссия ҳудудларига тарқалди. Кёльнда ишчилар ва хунармандлар ратушани ўраб олдилар ва

ислохотларни талаб қилдилар. Берлинда оломон ўн кун давомида намоишлар уюштирдилар, полиция билан тўқ-нашувлар бўлиб ўтди. 1848 йил 18 мартда бутун Берлинни баррикадаларга тўлди. Қирол Фридрих Вильгельм IV қўшинларни Берлиндан олиб чиқиб кетилиши тўғрисидаги буйруғидан сўнгина қўзғолон тўхтатилди. Конституцияни ишлаб чиқувчи Пруссия Миллий Мажлисига сайловлар эълон қилинди. Ишчилар ва хунармандларнинг Берлин атрофларидаги фаоллиги, меҳнат вазирлигини тузиш, барчани иш билан таъминлаш ва умумий сайлов ҳуқуқини берилиши талаблари буржуа доираларининг манфаатларига мос эмасди. Шунинг учун бу доиралар пойтахтга ҳукумат қўшинлари қайтаришни сўрадилар. Қирол буни тезда бажарди. Маъмурий ташкилотлар, суд, полиция ва армия ҳеч қандай ўзгаришсиз сақлаб қолинди. Янги сайланган Пруссия Миллий Мажлиси ҳам туб ислохотларни амалга оширмади. Пруссиянинг шарқий ерларида, аҳолиси асосан поляклардан иборат; миллий озодлик ҳаракати бошланди. 1848 йил баҳорида Познань провинциясида (вилоятида) полякларнинг миллий озодлик қўзғолони Пруссия қўшинлари томонидан шафқатсиз бостирилди.

1848 йилнинг май ойида Франкфурт—Майн шаҳрида умумгерман парламенти очилди. Бутун герман давлатларидан кенг жамоатчилик сайловлар натижасида сайланган бу парламент Австрияни ҳам ўз таркибига олган ягона Германия конституциясини ишлаб чиқиши керак эди. Лекин, парламент турли сиёсий масалалар буйича узоқ ва самарасиз, тортишувлар билан овора бўлиб қолди. Мамлакатни бирлаштириш масаласида Герман иттифоқи чегараларида, барча герман давлатларини қамраб олган, Германия империясини тузиш назарда тутилди. Немис ҳукмдорлари бу парламентни тан олмасида ҳам, унинг йиғилишига инқилоб шароитларида тўсқинлик қилишмади.

1848 йил декабрида Пруссия қироли Миллий Мажлисни тарқатиб юборишни буюрди. Депутатлар халқни қаршилиқ кўрсатишга чақира олмадилар ва буйруғга итоат этишди. Лекин, қирол «юқоридан» конституция «ҳадя» қилиниши тўғрисидаги фармонни эълон қилди. Конституцияга кўра дворянликнинг табақавий имтиёзлари сақланиб қолинди, қирол қонунчилик муассасаларнинг ҳар қандай қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга эди. Сайлов тизими бой солиқ тўловчиларнинг тўла устунлигини таъминлади. Пруссиядаги инқилоб бостирилди. Саксония қироллиги ва Баден герцоглигидаги 1849 йил май ойида Франкфуртда ишлаб чиқилган конституция лойиҳасидаги демократик моддаларининг ҳимояси учун кўтарилган қўзғолонлар Пруссия қуроли кучларининг киритилиши билан бартараф этилди. Германиядаги 1848—1849 йиллар инқилоби мағлуб бўлди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Нима учун июл монархияси ағдариб ташланди?
2. Германияда инқилобнинг Франциядаги инқилоблардан асосий фарқи нимада?
3. Франция ва Германиядаги инқилобларнинг халқаро муносабатларга таъсири қандай бўлди?

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

Италия ва Австриядаги инқилобларнинг асосий сабаблари, миллий ҳудудий муммоларга таъсири ва оқибатларини ёритиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Австрияда миллий, ҳудудий низолар инқилобнинг негизи эканлигини тушунади.
- 1.2. Италия давлатларидаги инқилобнинг миллий озодлик характерида эканлигини англайди.
- 1.3. Австрия ва Германиядаги инқилобларнинг оқибатларини таҳлил қилади.

3-савол баёни:

Италян давлатлари ва Италиядаги Австрияга тегишли ерларда бўлиб ўтган инқилобий воқеаларга Германиядагига ўхшаш сабаблар мавжуд эди. Италиянинг хусусияти шундан иборат эдики — мамлакатнинг салмоқли қисми Австрияга тегишли эди. Ломбардия ва Венеция вилоятлари Австрия империяси таркибида бўлиб, улардан каттга миқдорда солиқлар унидирилар эди. Парма, Модена ва Тосканада Габсбурглар хонадонидан бўлган герцоглар ҳукмронлик қилар эдилар. Рим вилоятида папа ҳокимияти сақланиб қолинди ва миллий бирлашиш жараёнида асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолди. Бошланиб келаётган инқилобда асосий масалалар сифатида миллий мустақилликка эришиш ва мамлакатнинг сиёсий бирлашиши бўлди.

1848 йилнинг дастлабки ойларида инқилоб Неаполитан қироллигини қамраб олди ва шимолга ёйилди. Бир қатор давлатларда халқ тазйиқи остида либерал вазирликлар тузилди ва конституциялар қабул қилинди. Март ойида Австрияга тегишли италян ерларида қўзғолон бошланди. Қўзғолон Австрия ҳокимияти зулмидан қутилиш учун кўтарилди. Милан шаҳрида халқ баррикадани кура бошлади. Беш кунлик кўча жангларида сўнг австриялик қўшинлар шаҳардан хайдаб чиқарилди. Ҳокимиятни мўътадил ва либерал сиёсий доиралар қўлга олдилар. Милан ҳукуматининг асосий мақсади конституциясидаги мавжуд қўшни Сардиния қироллигига қўшилиш бўлди. Сардиния қироли халқ тазйиқи остида ўзининг Пьемонт қўшинларини австрияликларга қарши юборди, лекин харбий ҳаракатларни жадал олиб бормади. Шу сабабли унинг армияси ва Милан қўзғолони австрияликлардан мағлуб бўлишди. 1848 йил мартида Венецияда ҳам озодлик қўзғолони

кўтарилди ва республика эълон қилинди. Венеция кўзғолони ҳам Австрия армияси томонидан бостирилди. Пьемонт армияси мағлуб бўлгандан сўнг италян давлатларида аксилинқилоб хужумга ўтди. Неаполда қирол конституцияни бекор қилди, инқилобчиларнинг қатллари бўлиб ўтди.

Лекин халқ ва демократик доиралар инқилобий ҳаракатларни давом этишга чақирдилар. 1849 йил бошида Римда халқ кўзғолони кўтарилди. Рим папаси шаҳардан қочишга мажбур бўлди. Римда республика эълон қилинди.

Папа ёрдам сўраб Франция республикаси президенти Луи Наполеонга мурожат этди. Рим республикасига қарши йирик француз армияси юборилди. Рим мудофаасига инқилобчи демократ Джузеппе Гарибальди раҳбарлик қилди. Италиян республикачиларининг мардонавор қаршилигини француз артиллериясининг шаҳарни ўққа тутиши бостирди. Француз қўшини ёрдамида Римда папа ҳокимияти тикланди, шаҳарда француз гарнизони қолдирилди. Гарибальди бир гуруҳ инқилобчилар билан Адриатика денгизи орқали Италияни тарк этди. Шундай қилиб Италияда 1848—1849 йиллар якунланмаган инқилоб

мағлубиятга учради. Лекин шунга қарамасдан Сардиния қироллигида конституция сақланиб қолинди.

Кўп миллатли Австрия империясида 34 млн. киши истиқомат қиларди. Бутун империя бўйлаб феодал тартиблар сақланиб қолинган эди. Саноат ривожланиши бўйича Чехия империянинг энг илғор қисми эди. Габсбурглар давлатида ҳукмрон доиралар сифатида Австрия дворянлари намоён бўлган эдилар. Улар барча олий ҳарбий ва маъмурий лавозимларни эгаллаган эдилар. Абсолютизм зулми, мансабдорлар ва полициянинг ўзбошимчалиги, католик черковининг кучайиши давлатнинг турли қисмларида миллий эзиш билан боғланиб кетганди.

Чехияда зодагонлар ва йирик савдо — саноат ва молиявий доираларнинг қатламлари австрияликлар эди. Венгр помещчиклари серб ва бошқа славян деҳқонларни эзишарди, лекиншу пайтнинг ўзида венгрлар ўзлари австриялик ҳокимиятга қарам эдилар. Италиян провинциялари ҳам австриялик мансабдорлар томонидан камситилардилар. Шундай қилиб, феодал тартиблар, абсолютизм, помещчиклар ва мансабдорларнинг ўзбошимчаликлари, миллий зулм халқ оммасининг инқилобга ўтишига туртки бўлди. Габсбурглар, монархиясининг ағдарилиши ва миллий зулм остидаги халқларнинг мустақилликка эришиши Австрия инқилобининг асосий масалалари бўлиб қолди.

Шу даврда Чехияда, Венгрияда ва славян халқларида уўини ўзи идора қилиш ва миллий маданиятни ривожлантириш учун кучли ҳаракатлар авжолди.

1847 йил иқтисодий инқирози ва озиқ овқат маҳсулотларнинг қимматчилиги мамлакатдаги ижтимоий вазиятни кескинлаштирди. Францияда Июль монархиясининг ағдалиши тўғрисидаги хабарлар Австрияда инқилоб бошланишига туртки бўлди.

13 мартда Венада инқилоб бошланди. Шаҳар кўчаларида кўзолон кўтарган ишчилар, хунармандлар, талабалар кўшинлар билан тўқнашдилар. Халқ император саройига ҳам кира олди. Қўрқувга тушган ҳукумат ён босишга мажбур бўлди. Ҳукумат раҳбари Миттерних истеъфога чиқарилди. Талабаларнинг қуролланган «академик легионини» ва Миллий гвардияни тузишга рухсат берилди. Император юқори мулкӣ цензли ва ишчиларга берилмаган сайлов ҳукуки мужассам бўлган конституцияни ваъда қилди. Миллий гвардия ва «академик легионни» тарқатиб юборишга уринишлари қуролланган қаршиликка учради. Император ва ҳукумат Тироляга қочди. Инқилобий ҳаракатлар деҳқонларни ҳам қамраб олдилар.

1848 йил 15 мартда Венгрия пойтахти Пешт шаҳрида демократик кучлар кўзғолон кўтардилар. Император Венгрияда алоҳида ҳукумат тузилишига рози бўлди. Ҳокимият тепасига дворянлик зодагонлардан бўлган мўътадил либераллар келишди.

Чехия ҳам ишчилар ва деҳқонлар ғалаёнларига тўлиб кетди. Ҳукумат Прагага йирик армияни ташдади. Талабалар ва ишчилар кўшинларни олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар. 12 июнда талабалар ва ишчиларнинг қуролсиз намоиши армия томонидан ўққа тутилди. Бунга жавобан халқ бир ҳафта давом этган кўзғолонга кўтарилди. Фақат 17 июнда кўшинлар кўзғолонни бостирдилар.

Прага кўзғолони бостирилгани ва Парижда Июнь кўзғолони отиб ташлангани тўғрисидаги хабарлардан сўнг аксилинқилоб барча ерларда хужумга ўтди. Австрияликлар Миланни эгаллашди. Сўнгра император Венгрияда, кейинчалик Венанинг ўзида инқилобни тугатишга қарор қилди

Венгрияга қарши Австрия кўшинларини жўнатишга қаратилган уринишлар пойтахт Вена шаҳри аҳолисининг қуролланган кузғолони туфайли амалга ошмади. Венадаги октябр кўзғолони Австрия империясидаги 1848—1849 йиллардаги инқилобнинг энг юксак чўққиси бўлди.

Кўзғолончилар ҳаракатчан гвардия отрядларини тузиб, 6 октябрдан 1 ноябргача Венани ўз қўлида ушлаб турдилар. Шаҳар ҳукумат кўшинлари томонидан қуршаб олинди ва шафқатсиз бомбардимон қилинди. Кўзғолончиларнинг 5 мингдан ортиқроғи ҳалок бўлди.

Кўплари жангдан сўнг отиб ташланди. кўзғолон қийинчилик билан бостирилди.

Император кўшинларни Венгрияга қарши ташлади ва унинг ўзини ўзи идора қилиш тизимини бекор қилди. Бунда Венгрия парламенти 1849 йилда мамлакатнинг мустақиллигини эълон қилди ва Лайош Кошут бошчилигида инқилобий ҳукуматни тузди. Венгрларнинг кучли армияси австриялик кўшинларни хайдаб чиқарди. Лекин вазият мустахкам эмасди. Ҳукумат феодал мажбуриятларни йўқ қилишга ботина олмади. Бундан ташқари, серблар, хорватлар каби халқларга озодлик берилмагани Венгриянинг ахволини заифлаштирди.

Мағлуб бўлган Австрия императори Франц I рус подшохи Николай I дан ёрдам сўрайди. Инқилобни ёмон кўрган Николай I юз минглик армияни венгрларга қарши ташлади. Венгрия инқилобчиларнинг Англия ва Франциядан ёрдам олишга уринишлари йўққа чиқди. Бир қатор жангларда мағлуб бўлган венгр армияси рус кўшинларга таслим бўлди. Австрия империясида 1848— 1849 йиллардаги инқилоб мағлубиятга учради. Лекин шу билан бирга, ҳукумат ҳам айрим ислохотларни ўтказишга мажбур бўлди. Жумладан, чекланган конституция киритилди, сайловчилар учун юқори мулкый цензга эга икки палатали тизим ўрнатилди. Феодал мажбуриятлардан тўлов эвазига озод этиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди, помещикларнинг суд ва полиция ҳокимиятлари бекор қилинди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Нима учун Австрия ва Германиядаги инқилоблар миллий озодлик кураши характерига эга?
2. Австрия императори миллий муаммоларни қандай хал этди?
3. Нима учун Франкфурт парламенти тарқатиб юборилди.

Назорат топшириқлари:

1. 1848 йил Францияда инқилоб бостирилгандан сўнг ҳокимиятни ким эгаллади?

А. Наполеон.

Б. Наполеон III

С. Людовик XVI

Д. Луи Филипп Орлеансий

Е. А. Тьер

2. Германияда инқилобнинг асосий мақсади нима эди?

А. Эски тартибларни тугатиш.

Б. Миллий давлат тузиш

С. Австрия ва Франция зулмига қарши кураш

Д. А, Б, С.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

3. Умумгерман парламенти миллий озодлик харакатини бостиришда қайси давлат ёрдам беради?

- А. Англия
- Б. Франция
- С. Пруссия
- Д. Испания
- Е. Россия

4. Венгрияда инқилоб қачон бошланди?

- А. 1848 йил 6 феврал
- Б. 1848 йил 10 март
- С. 1848 йил 15 март.
- Д. 1849 йил 26 апрел
- Е. 1849 йил 12 июнь

5. Қуйдаги шахслардан қайси бири Италия миллий озодлик харакатига бошчилик қилди?

- А. Т. Амару.
- Б. Ж. Гарибалди.
- С. Л. Кошут.
- Д. Е. Пугачёв.
- Е. Г. Бабёф.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Нима учун Германия ва Италиядаги миллий давлат тузиш йўлидаги харакатлар амалга ошмади?
2. Нима учун шундай инқилоблар шарқда юз бермади?

3- мавзу. АҚШ XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг I – ярмида
Ажратилган вақт: 4 соат.

Асосий саволлар:

1. АҚШнинг ижтимоий , иқтисодий, сиёсий ривожланиши.
2. АҚШнинг ҳудудий экспансиялари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар.

Саноат инқилоби, фермерлик хўжалиги, кулдорчилик тизими, икки партияли тизим, анекция ва экспансия, Мексикага қарши уруш, Монро докторинаси, аболиционизм ҳаракати.

Мавзуга оид муаммолар:

1. АҚШда кулдорчилик тизимининг узоқ вақт сақланиб қолишининг сабаблари.
2. Федерал бошқарувнинг анъанавий жарёнига айланишининг моҳияти нимада?

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: АҚШ ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётининг ўзига хос жиҳатлари ва тараққиёти сабабларини ёритиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. АҚШда саноат инқилобининг сабабларини билади.
- 1.2. Ижтимоий муносабатлар тизимига баҳо беради.
- 1.3. Икки партияли тизимнинг ўзига хос хусусиятларини англайди.

1-савол баёни:

АҚШ иқтисодиётининг ривожланишига кўплаб ерларнинг мавжудлиги, табиий бойликларнинг етарлиги, Европадан оммавий иммиграция ва чет эл сармояларнинг оқиб келиши катта таъсир кўрсатди.

Мустақиллик учун урушдан сўнг АҚШнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиши икки асосий йўналиш бўйича борарди. Мамлакатнинг шимолий шарқий қисмида саноат тўнтарилиши бўлиб ўтарди. Ўзлаштириладиган Ғарб ерларида фермерлик хўжалиги кенг тарқаларди. Шу даврнинг ўзида жанубий штатларда плантация қулдорчилик хўжалиги мустахкамланарди.

XVIII аср охири XIX аср бошларида АҚШ-да саноат тўнтарилиши учун заминлар вужудга келди. Америкада Европанинг техника ва фан ютуқларидан кенг фойдаланилди. Бундан ташқари, АҚШда саноат тўнтарилиши бир текис бормасди. Асосан, саноат тўнтарилиши шимолий— шарқий штатларда бўлиб ўтарди. Саноат тўнтарилиши ип газлама ва жун тўқимачилик саноатлардан бошланди. 1790 йилда АҚШ да биринчи йигирув фабрикаси ишга тушди.

20 — 40 йилларда кенг тарқалган саноат инқилоби бир неча ўн йилликларга чўзилиб кетди. XIX асрнинг биринчи ярмида иқтисодиётда хунармандчилик ва мануфактура салмоқли ўрин эгалларди. Лекин саноат тўнтарилиши янги тармоқларни ўзига тортарди. Машинасозлик ўсиб борарди.

Ички бозорнинг кенгайиши каналларнинг жадал қурилишига олиб келди. 1807 йили Р.Фултоннинг пароходни (буғ кемаси) ихтиро қилиши кемасозликда инқилоб ясади. 1828 — 1830 йилларда биринчи темир йўли (Балтимор — Огайо) қурилди. Темир йўлларнинг узунлиги 1848 йилда 10 минг км эди. Лекин рельсларнинг кўп қисми Англиядан олиб келинарди. Тўқимачиликда саноат тўнтарилишининг хусусияти шунда эдики бу ерда кўплаб дарёларнинг арзон сув энергиясидан фойдаланиларди. АҚШда саноат тўнтарилишининг охириги босқичи XIX асрнинг 50 йилларида бошланди.

АҚШнинг шимолий — шарқий қисмидаги саноат тўнтарилиши билан биргаликда ғарбда ерларни ўзлаштириш давом этарди. Бу ерларда фермерлик хўжалиги хуқмронлик қиларди. Фермерлар босими остида ҳукумат сотиладиган ер участкалари ҳажмларини 640 акрдан 80 акргача камайтирди. Жамоат ерлар жамғармасига Аллеган тоғларидан ғарбда жойлашган ерлар кирган эди. Кўчиб келган мухожирлар оммаси ушбу жамғармага кирмаган ерларни ўзлаштира бошладилар. 1841 йили ўзлаштириб бўлинган ерларни номинал нархда сотиб олиш ҳуқуқи берилиши ғарбга кўчиб ўтиш жараёнини кучайтирди. 1790 йили Аллеган тоғларидан ғарбда 222 минг киши яшаган бўлса, 1850 йилда эса 10 млн киши истиқомат қиларди.

Мамлакатнинг жанубий штатларида эса қулдорчилик тизими хуқмронлик қилар эди. Саноат тўнтарилиши даврида инглиз

тўқимачилик саноатининг (кейинчалик АҚШ шимолидаги тўқимачлик саноатининг ривожланиши) юксалиши ва пахтага талабнинг ўсиши Жануб тақдирига катта таъсир кўрсатди. Пахта етиштириш жуда даромадли ишга айланди. 1790 йили 3 минг кипа (бир кипада 1000 фунт) ишлаб чиқарилган бўлса, 1860 йили эса 38 млн кипа ишлаб чиқарилди. Негр кулларнинг сони бу даврда 700 мингдан 4 млнгача ўсди. Жанубдаги экстенсив кулдорчилик хўжалиги кўпроқ куллар ва плантациялар учун бўш ерларни талаб қиларди. Кулдорчилик тизими саноатнинг ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қилар эди.

XVIII аср охирларидан АҚШ сиёсий ҳаётидаги энг муҳим тарафларидан бири икки партиянинг галма гал ҳукмронлиги бўлди. Партиялар фаолияти аста секинлик билан мамлакатда икки партиялик тизимнинг механизмларини шакллантирдилар. XVIII охири XIX биринчи ярмида мамлакатнинг , ижтимоий сиёсий ривожланиши билан биргаликда икки партиялик тизим ўз ривожланишида бир неча босқичлардан ўтди. Биринчи миллий партиялар федералистлар ва республикачилар 1790—1810- йилларда ҳукмронлик қилдилар. Кейинчалик бир партиялик «хайрли тотувлик эраси» келди. XIX асрнинг иккинчи чорагида эса «вигилар—демократлар» икки партиялик тизим вужудга келди. Бу тизим 50 йилларда кулчилик масаласига урилиб кулади.

Муҳокама учун саволлар:

1. АҚШ иқтисодий тараққиётининг асосий сабаби нимада?
2. Кулдорчилик хўжалигининг салбий оқибатлари ҳақида нима дея оласиз?
3. Республикачилар ва Демократлар партияси ўртасидаги асосий фарқ қандай?

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

АҚШ ташқи сиёсатини белгиловчи омиллар, Монро докторинасининг умумий моҳияти ва экспансион сиёсатини ёритиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини тушунади.
- 1.2. Монро докторинасига баҳо беради.
- 1.3. Босқинчилик урушлари туфайли ҳудудларнинг кенгайишини эътироф этади.

2-савол баёни:

XVIII аср охири XIX аср бошлари АҚШнинг ҳудудий экспансияси даври эди. 1803 йилда Франциядан Луизианани сотиб олиниши АҚШ

территориясини деярли икки баробар ўсишига олиб келди. 1810-1813 йилларда қуrollанган мухожирлар (асосан фермерлар ва плантаторлар) Испанияга тегишли Ғарбий Флоридани босиб олдилар. 1818 йилда эса генерал Э.Джексон хиндуларни таъқиб қилиш бахонасида Шарқий Флоридани босиб олди. Кейинчалик бу аннексия сотиб олиш шаклида расмийлаштирилди.

20 — йиллардан қулдорлар Техасга бостириб кира бошладлар. Ўзлари билан негр — қулларни олиб келиб, бу ерларда плантациялар ташкил қилдилар. 1836 йилда эса бу ерда қулдорчилик республикаси эълон қилинди. Мексика кўшинларининг Техасни қайтаришга бўлган уринишлари беҳуда кетди. Тез орада Техас АҚШ томонидан аннексия қилинди.

1846 йили АҚШ Мексикага уруш эълон қилди. АҚШнинг иқтисодий ва харбий устунлиги кўзга ташланиб турарди. Америкаликлар мексикаликларни тор—мор этиб пойтахт Мехикони эгаллашди. Тинчлик шартномасига кўра Мексика АҚШга Янги Мексикани, Шимолий Калифорнияни беришга, Техаснинг ажралганини тан олишга мажбур бўлди ва шу тариқа ўз ҳудудларининг кенгайишини таъминлади. Экспансия шимолдан — ғарбга ҳам йўналтирилди. 1846 йилда Англия АҚШнинг Орегон ҳудудларига даъволарини тан олди. 1776 йилдан XIX асрнинг ўрталарига келиб АҚШ территорияси 8-карра ўсди. Босиб олинган ерларни ўзлаштириш маҳаллий хиндуларни оммавий суриб чиқариш ва қириш билан олиб борилди.

Марказий ва Жанубий Америкада ўз таъсирини ўтказиш мақсадида президент Монро махсус доктринани 1823 йилда эълон қилди. Монро доктринасидаги асосий шиор «Америка америкаликлар учун» тез орада «Америка шимолий америкаликлар учун» мазмунини касб этди. 1850 йилда АҚШ ва Англия Марказий Америка ҳудудларидан ўтадиган бўлажак канални назорат қилиш тўғрисида келишувга келишди. Шу даврнинг ўзида АҚШ Испанияга тегишли Кубани сотиб олиш ёки босиб олишга интилди. Узоқ Шарқда эса АҚШ Хитой ва Японияни тенгсиз шартномаларни имзолашга мажбур қилди.

30 йиллардан бошлаб АҚШда оммавий умуммиллий аболиционизм ҳаракати кенг тарқалди. Аболиционизм — қулчиликни йўқ қилишга қаратилган ҳаракат эди. Бу ҳаракатда аҳолининг турли қатламлари иштирок этдилар. Қулчиликга қарши демократик ҳаракатда негрларнинг кураши катта ўрин тутарди. Қулларнинг энг йирик кўзғолонларидан бири 1831 йили Нат Тернер бошчилигида Виргинияда бўлиб ўтди. Кўзғолончилар плантаторларни ўлдирдилар. Кўзғолон бостирилди, унинг иштирокчилардан кўплари қатл этилди.

Қуллар курашининг энг тарқалган усули қочиш эди. Жанубий штатлардан қочган қулларга ёрдам бериш тизими «ер ости темир йўли» деб ном олди 1830—1860 йилларда «ер ости йўлидан» 60 минг қуллар

қочдилар. Аболиционистик ҳаракатнинг умуммиллий миқёсда ривожланишига 1833 йилда «қулчиликка қарши курашиш Америка жамияти» асос солди. Жамиятнинг раҳбари «Либерейтор» журналининг муҳаррири Уильям Гаррисон (1830—1865) эди. Лекин, Гаррисон қулчиликка қарши курашнинг жадал сиёсий усулларида фойдаланмасди. Асосий усул сифатида тушунтириш ва тарғиботчилик эди.

1840 йили «қулчиликка қарши курашиш Америка жамияти»да ихтилоф пайдо бўлди. Фаол сиёсий ҳаракатлар тарафдорларига сиёсий арбоб ва публицист Фредерик Дуглас бошчилик қилди. Гаррисоннинг «қулдорлар билан ҳеч қандай иттифоқ» шиорига қарши Дуглас «қулчилик билан ҳеч қандай иттифоқ» деган шиорини илгари сурди

Муҳокама учун саволлар:

1. Монро докторинасининг моҳияти нимада?
2. АҚШ қайси ҳудудларни аннексия қилди?
3. Нима учун Испанияга қарши уруш олиб борилди?.

Назорат топшириқлари

1. АҚШда биринчи параход қачон ишга туширилди?
А. 1807 йил
Б. 1810 йил
С. 1821 йил
Д. 1840 йил
Е. 1858 йил
2. АҚШнинг қайси қисмига иммиграция кучли бўлди?
А. Жануб
Б. Шимол
С. Ғарб
Д. Шарқ
Е. Жануби – Шарқ
3. Шарқий Флорида қачон босиб олинди?
А. 1801 йил
Б. 1802 йил
С. 1818 йил
Д. 1828 йил
Е. 1831 йил
4. Қайси президент «Америка – Америкаликларники бўлиши керак» шиорини илк марта илгари сурди?
А. Ж. Вашингтон
Б. Грант
С. Э. Жонсон
Д. Монро

Е. Т.Рузвельт

5.Аболиционизм ҳаракати қандай ҳаракат?

А. Фермерлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи.

Б. Тажовузор урушларни тарғиб этувчи

С. Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи

Д. А ва С

Е. қулчиликни бекор қилишни тарғиб этувчи.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. АҚШда демократик тамойиллар учун курашнинг Европага нисбатан кучлилиги.

2. Партиялар рақобатининг қулчилик муаммосига таъсири.

4-мавзу: Россия XVII-XVIII асрларда

Р е ж а:

1. Россия XVII асрда. Ташқи сиёсат.

2. Петр 1 ҳукмронлигининг бошланиши. Шимолий уруш.

3. Екатерина II нинг “Маърифатли абсолютизм”.

4. XIX асрнинг 1 ярмида Россия.

Россиянинг куч қудрати ўсганлигини аввало Англия тан олишга мажбур бўлди. Россия билан савдо-сотиқ алоқаларидан манфаатдор бўлган Россиядан ўзининг флот қурилишига зарур тахта-ёғоч, зиғир толаси, картон сотиб оладиган, Россия орқали шарқ билан алоқа қиладиган Англия 1625 йилдан буён ўз резидитини сақлайдиган Москва билан маҳкам алоқа боғлади. Англия Михаил Федорович ҳукуматига моддий ёрдам кўрсатиб ўз савдогарларига Россиядан катта имтиёзлар олиб борди. Аммо 1649 йилда рус савогарларига қийинчилик туғдирадиган бу имтиёзлар бекор қилишди. Бундан ташқари подшо ҳукумати Англиядаги революцион воқеаларга салбий муносабатда бўлди. 1649 йили бундай фармон чиқарилишига сабаб шу бўлдики, инглизлар бутун ер юзи учун жуда ёмон иш қилишди, ўзларининг кароли Карлусни ўлдиришди. 1648 20 сентябрда Алексей Мехайлович Англиядаги революцияга қарши курашиш учун иттифоқ тузишга чиқариб Европа ҳукмронларига мурожаат қилди.

Кромвилнинг Алексей Михайлович ҳукумати билан дипломатик муносабатлар боғлаш юзасидан бўлган барча уришишлари муафакятсиз тугади. Аммо подшо роялистлар эмиграциясининг ва қисман бўлғуси Карл II қўллаб-қувватланди, ўз навбатида у ҳам Степан Рони кўзғолонини тор-мор қилиш муносабати билан Алексей Михайловичга табрик хати юборди.

Англия ва Россия ўртасидаги алоқаларнинг сусайганлигидан Голландия фойдаланилди, унинг Россия билан савдо алоқаларидан манфаатдорлиги Англимишдан кам эмас эди. Россиянинг Дания, яшвеция билан доимий алоқалари мустаҳкамланди. Швеция савдо жиловини ўз қўлида қолдириб Оқ денгиздан Балтика денгизига кўчиришга уринади.

“Цесар” билан, яъни Австрия билан алоқа унга маҳлам эмас эди.

1632 йилда Россия Польшага қарши уруш бошлади. Польшадаги каролсизлик (Сигизмунд Шнинг ўлими) ва Польшанинг иттифокдош Германия устидан ғалаба қилиши рус армиясининг ҳаракатини енгиллаштирди. Юришдан мақсад Смоленскини эгаллаш эди. Смоленскни истурм билан ишғол қилиш мумкин бўлган пайтни қўлдан бой берди.

1633 йилда Польшанинг янги короли Владислов IV ўз қўшини билан Смоленск ёнига келди. Подшонинг фармонида биноан кичик Смоленск ёнидан келишди. Артелерия билан обоз душман қўлида қолди. Аммо полякларнинг нари жилишини Белал қалъасининг гарнизони тўсиб қўйди, бу гарнизон “ўлсак ҳам таслим бўлмаймиз” деб маҳкам туриб олган эди.

Владислав ярашишга мажбур бўлди. Полшава шартномасига мувофиқ Польша Дсумено шартномагача босиб олган ҳамма ерни ўз қўлида қолдирди, аммо шу билан бирга Владислов рус тахтига бўлган давосидан воз кечди.

Жанубий чегараларни мудофаа қилиш мақсадида янги истехкомлар қурилди. Мамлакатни мудофаа қилишда Бемород тўсиғи асосий роль ўйнади. 1637 йилда Дон казаклари запарожчилар отряди билан биргаликда Азов денгизига чиқиш йўлини тўсиб турган муҳим қалъаин-тургларнинг Азов қалъасини эгаллади. Казаклар бу қалъани беш йил давомида ўз қўлида ушлаб турдилар. 1641 йилда казаклар турк-татар қўшинларининг ҳужумларини даф қилди. 1642 йилда Земский собор Азовнинг подшо “қўл остига” олинишига қарши бўлди, кунги асс ҳолда Туркияга қарши уруш бошлаш бўларди, бинобарин казаклар Азовни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Қирим татарлар Жанубий Россия ва Украинага ғаратгарчини ҳужумлари қилиб аҳолини талар, ўлдираш ва асир қилиб олиб кетарди. Қиримда куллар савдоси авж олган бўли, кул қилинган рус ва украинларни унда сотардилар. Казаклар татар ва туркларга очикдан-

очик ҳужумлар уюштирар эди, лекин рус ҳукумати хали Туркияга қарши очикдан-очик уруш қилишга тайёр эмас эди. Москва қора денгиз бўйларида мустаҳкамланаётган, турк вассалари қирим татарлар билан Россияга доим таҳдид солиб турган агрессив Туркияга қарши куч тўплаётган эди.

1648 йилда украин халқи қардош рус халқи билан қўшилиши тўғрисидаги кўп асрлик орзусини амалга ошириш учун полес хукмронлигига қарши кураш майдонига чиқди.

Бу курашга Украинанинг атоқли давлат арбоби, саркарда Богдан Хмельнийский бошчилиқ қилди.

Бошланиб кетган курашни хал қилувчи бош кучи, аввалгидек мазлум украин деҳқонлари ва улар билан бирга шаҳар камбағаллари ҳамда қуйи табақа казаклар эди. Улар поляк ва украин крепостникларининг зулмига қарши, Украинани ажнабий асоратчиларидан озод қилиш учун курашарди.

Хмельницкийнинг ҳукумат қўшинларига юриши маҳорат билан қилган операцияси 1648 йилнинг 6 (16) майида Желтин Води ёнида қўзғолончиларнинг порлоқ ғалабаси билан тугади.

Желтин Води ёнидаги мағлубият тўғрисида хабар олган Потоцкий қўшини келина бошлади. Халқ қўшинини 1648 йил майида поляк армияси чекланадиган йўлни тўсиб Корсун ёнида душманига қатъий зарба берди. Бунда Максим Кривонос маҳорат кўрсатди. Потаций ва унинг ўринбосари асир олинди.

Хмельницкийнинг Корсун ёнидаги ғалабаси билан Украинадаги поляк шлехтасининг қуроли кучлари аслида йўқ қилинди. Худди шу пайтда Польша қороли Владислав IV ўлди ва қоролсизлик пайти бошланди.

Богдан Хмельницкий бошлиқ деҳқон-казаклар қўшини казаклашган деҳқонлар ва шаҳарликларнинг отрядларини ўзига қўшиб олиб, айрим тўдаларни жойларда қўзғолон кўтарганларга ёрдам кўрсатиш, феодаллар ва поляк-шляхта маъмуриятини қайтариш учун айрим тўдаларнигина юборди, қўшиннинг ўзи эса Украинанинг ичкарасига кириб боришда давом этди. Шаҳарлардан ўзбошқарма ишчилар қўлига ўтарди, ҳарбий маъмурий ҳокимият казак поляклар ва юкзликларнинг оқсоқоллари қўлида эди. Хмельницкий раҳбарлигида жуда катта ва мураккаб ташкилий ишлар бошланди. Украин халқ оммасининг қўллаб-қувватлаши ва Россиянинг ёрдами билан қисқа бир вақт ичида Украинада ғоят катта қуроли куч барпо этилди. Украин халқи Хмельницкий билан бирга Максим Кривонос, Иван Богун, Данило Нечай, Галежа ва шу каби ажойиб ҳарбий раҳбарларни етиштирди.

1648 йил май охири – июнда казакларнинг умумий қўшини радаси Польша билан ярашмасликка, қардош Россия билан бирлашишга қарор қилди. 1648 йил 8 июнда гетман Богдан Хмельницкий Украинани Россия саставига қабул қилиш мақсадида рус ҳукуматида биринчи

марта расмий равишда мурожаат қилди. Рус ҳукумати Украин халқининг бу илтимосини Польша билан бўлган муваффақиятсиз урушдан дарҳол қондира олмас эди. У вақтда синфий зиддиятлар учайиб кетганлиги муносабати билан мамлакатда ички вазият ҳам жуда оғир эди. Аммо 1648 йилдан эътиборан украин халқи Россиядан доим ёрдам олар, рус ҳукумати уни қўллаб-қувватларди.

Украин казаклари орасида қочоқ рус дехқонлари, шаҳарликлар ва кичик ҳарбий хизмат кишилари кўп эди. рус ҳукумати украинларга россиядан ғалла, туз ва бошқа ҳар хил товарлар бемалол сотиб олишга ижозат берди, шунингдек, уларга қурол, дори, қўрғошин ва шу кабиларни бериб турди, ҳуллас аслида давлатини жанубий чегарасини очиб қўйди. Украинадан Россияга ўчиб хеманларга моддий ёрдам кўрсатиларди. Россия томонидан тинмай кўрсатиладиган ёрдам Украинада озодлик курашини кенгайтиришга ва Украина халқининг ғалабаларига шубҳасиз мадад берди.

1648 йил сентябрда Пилявци ёнида поляк қўшинлари яна мағлубиятга учради. Б.Хмель ницкий халқ қўшинига бош бўлиб Украинага, сўнгра унан полякларнинг Варшава йўналишидаги қалъасига қараб келди.

1649 йил январдан бошлаб Хмельницкий рус ҳукумати билан муттасил алоқада бўлди. У курашни тўхтатиш тўғрисида 1649 йил февралда Варшавадан берилган таклифни қатъий рад қилди. Халқ қўшини казаклашган қишлоқ ва шаҳар оммасига ҳисобига кундан-кун ўсиб борди.

1649 йил ёзида қайтадан уруш бошланди. Бу сафар ҳам хон билан иттифок тузишга мажбур бўлган Б.Хмельницкий жуда катта халқ қўшинига бош бўли шлехта армияга қарши отланди. Тезд шлехта армиясининг бир қисми збораж ёнида ўраб олинди.

1649 йил август бошида халқ қўшини ва хоннинг қуролли кучлари корол Ян-Казимирнинг армиясини Зборова ёнида тамомила ўраб олди.

1649 йил август ойида поляклар короли билан “Зборова битими” тузилди.

1650 йил кузида Молдавияга юриш қилинди. Бу юриш турк-татар босқинчиларининг Россияга хужум қилиб туришларига зарба берди.

Хмельницкийнинг илтимосига кўра литва-беларус еридаги халқ қўшинларига казак қўшинларининг зарба бериши учун уларнинг Россия территориясида ўтишларига рус ҳукумати ижозат берди. Казакларнинг Беларуссияга келиши билан унда озодлик кураши яна авж олди.

1651 йил бошида рус ҳукумати Украина Россия саставига қабул қилиш масаласини кўриш учун Маскпада махсус Землий сабор очилди.

1653 йил майида рус ҳукумати Украинани Россия билан бирлаштириш ва феодаллар Польшасига қарши уруш бошлаш тўғрисида Земний собор чақирди. Собор Москвада Кремлнинг Грановитал палатасида ўтди. Земний собор 1653 йил 1 октябрда Украин Россия саставига қабул қилишга ҳамда Украин, Белоруссия ва Смоленскни озод қилиш учун шлехта Польшасига уруш эълон қилишга розилик берди.

Рус ҳукумати 1653 йилда октябрь ойида Украинага баярим В.Ботурлин бошлиқ улуғ элчини юборди. Тезда Украина учун уруш бошланиши тўғрисида Кремлда тантанали суратда эълон қилинди.

Петр 1 даври Феодаллар Россияни тарихида муҳим бир чегарадир. Дворян ва буржуа тарихчилари бу чегарани ҳар хил ифодаладилар. Улар “Москва” даврини “Петербург” даврига ёки “подшо” даврини, “император” даврига қарама-қарши қўйдилар.

XVII аср охири билан XVIII асрнинг биринчи чораги ўртасидаги ислоҳатлар замонасини 2 даврга бўлиш мумкин. Биринчиси, Полтава ғалабасини ва ундан кейинги 4-5 йилни ичига; Петр 1 подшолик қилган замоннинг ана шундай кейинги йиллари иккинчи даврни ташкил этади. Биринчи даврнинг энг муҳим воқеаси шимолий уруш эди.

Петр 1 нинг ҳокимият тепасига келишидан олдин сарой гуруппалари ўртасида кескин кураш бораётган эди ва у курашда стрелицлар қизгин иштирок қилган эди. Петр 1 (1627-1725) подшо Алексей Мехайловичнинг иккинчи хотини, нуфузи кетган дворянлар уруғининг номаёндаси бўлган Наталья Нарышкенадан туғилган эди. 10 ёшида Петр тахт эгаси қилинди. Петрнинг тахтга ўтириши Милославскийларнинг ғазабини келтирди. Улар стрелецларнинг норозилигидан фойдаланиб, уларни нарышкинларга қарши кўтарди. Исён вақтида 1682 йил 15 майда стрелецлар каришкинларнинг атоқли тарафдорларини ўлдиришди ва бир неча вақтдан кейин ака-ука Иван билан Петрнинг иккичи ҳам подшолик қилиш, улар ёш бўлганлигидан идора қилиш малика Сафьяга топширилсин, деган талабни қўйишди. Сафья идора қилиб турганда каришкинлар ҳокимиятдан чеклаштирилди.

Сафья билан Петр ўртасида муносабатлар йилдан-йилга кескинлашиб борди. Сафья ағдарилгандан кейин Петр анча вақт ҳарбий ўйинлар ва кемасозлик билан машғул бўлиб нарышкинлар тарафдоридан тузилган ҳукумат аъзоларига топширди.

1666 йил Шимолий Иттифок тузилиши Россиянинг ташқи сиёсатида асосий бурулиш бўлди. Ғарбий Европада кучларнинг жойлаштирилиши Россия ташқи сиёсати йўналишининг ўзгаришига ижобий таъсир кўрсатди.

Стрелецлар фитнаси Петр Москвага қайтиб келмасданок бостирилган эди. 799 та стрелец қатл қилинди. Бу воқалардан кейин

стрелец қўшини тарқатиб юборилди. Ҳукумат 1699 йилда куролли кучларни тўлдиришнинг янги тартибига – доимий полкларда доимий ҳарбий хизмат учун маълум миқдор деҳқон ва посадликлар хонадонидан биттадан рекрут олиш тартибига ўтди. Бу – мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган муҳим қадам эди.

1699-1700 йилда ўтказилган шаҳар ислохатлари ҳам муҳим аҳамият тутарди.

1700 йил 8 августда Петр Швецияга уруш эълон қилди. Рус армияси Нарвага қараб жўнади. Карл XII 12 минг минглик сара қўшинларини дархол кучли Нарва қалъасига ташлади. Швидлар зимдан Нарвага келиб 19 ноябрда рус қўшинларига тўсатдан хужум қилди ва ғалаба қозонди.

Нарва ёнидаги мағлубият Россиянинг ҳарбий ва иқтисодий қолоқлигини кўрсатди.

Россияда Нарва мағлубиятининг оғир оқибатларини ғайрат билан кучайишга киришилди. Рекрутлар тўплаш армия сафини тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб қолганди. Унга йилдан йил янги кучлар келиб қўшиларди. Шундай қилиб, 1708 йилга келганда армия сафида 113 минг ишчи бор эди. Офицер кадрларни тайёрлашда Преображенский ва Семеновский палерари муҳим ўрин тутарди.

Нарва мағлубиятидан кейин қаддини ротлаб олган рус қўшинлари кетма-кет ғалаба қилаверди. Шерелитьев кумондонлигидаги рус қўшинларининг 1702 йил 1 январда Эрестфер ойида дастлаб қўлга киритган ғалабаси ғоят катта маънавий самара берди. Бу ғалаба швед армиясининг енгилмаслиги тўғрисидаги тасаввурга биринчи зарба бўлди.

1703 йилда Нева дарёсининг бутун аҳоли руслар қўлига ўтди. 1703 йил 16 майда бу дарёнинг этагида Петролавлавск қалъасининг дастлабки тоши қўйилди, шу билан 10 йилдан кейин давлатнинг пойтахти бўлган Петербургга асос солинди.

1704 йилда Шведларнинг Нарва ва Дерпт гарнизони таслим бўлди. 1704 йилда Шимолий Иттифоқ тугатилди ва кучли душманга қарши курашнинг бутун оғирлиги Россия гарданига тушиб қолди. Бу пайтда Россияда ижтимоий зиддиятлар кескинлашиб, халқ оммаси бир неча жойда кучли кўзғолон кўтарганлиги туфайли аҳвол жуда оғирлашди.

Ураш натижасида деҳқонлар ва пасад кишиларининг мажбуриятлари анча ошди. Янги солиқ турлари кўпайди ва солиқ миқдори оширилди. “Шундан золим дворянлар ҳам борки, - деган эди Петр даврининг машҳур публицисти Иван Тиханович, - ўз деҳқонларига бир кун ҳам ўзи учун ишлашга рухсат бермайдилар”. Унинг айтишича дворянлар “Деҳқоннинг ўсишига йўл қўйма, аммо уни қўйнинг жунини қиртишлагандай қиртишла” деган қоидага амал қилганлар.

Екатерина II тахтга 1762 йил 28 июнда гвардия томонидан амалга оширилган сарой тўнтариши натижасида ўтирди.

Екатерина II подшолик қилган даври (1762-1796) икки босқичга бўлиш мумкин: 1) 1773-1775 йиллардаги деҳқонлар кўзғолонига ва 2) бу кўзғолондан кейин биринчи босқичга “маърифатли абсолютизм” даври тўғри келади.

Мамлакатдаги синфий иззиятларнинг кескинлашуви Екатерина IIни “маърифатли абсолютизм” кўлига ўтишига мажбур этди.

“Маърифатли абсолютизм” сиёсати бир томондан крепостниклик сиёсатига қарши халқ ҳаракатининг олдини олишга қодир бўлган, иккинчи томондан, помещчик хўжалиги ва унинг хўжайини – дворянларни мамлакатда пайо бўлган ва ривожланаётган янги, буржуа муносабатларига мослаштирилишини енгиллаштирувчи баъзи тадбирлар ўтказилишини аниқлар эди.

“Маърифатли абсолютизм” даврида самодержавиянинг бутун фаолияти биринчи навбатда “яқинлашиб келаётган фалкатнинг, яъни деҳқонлар урушининг олдини олишга, ҳамда дворянларни ва ўзини қисман таланган, ҳуқуқсиз халқ оммасининг ҳақиқий қаҳр-ғзабидан холос этишга қаратилган эди. Лекин буларнинг ҳаммаси “халқ” тўғрисида ғамхўрлик қилиш тарзида олиб бориладди.

“Маърифатли абсолютизм”нинг энг ёрқин кўринишларидан бири янги қонунлар тўплами тузиш бўйича комиссия бўлди. Чунки амалдаги 1649 йилги қонунлар мажмуи тўплаш шубҳасиз эскириб кетган бўлиб, Петр I дан бошлб, кўплаб янги қонунлар билан тўлдирилган эди.

Комиссия депутатларини сайлаш соф табақали характерда бўлиш керак эди. Дворянлар депутатларни ҳар бир ердан сайлашар, шаҳарликлар ҳар шаҳардан бир депутат сайлар эдилар. Рухонийлар Синоддан биттагина депутат сайлаш ҳуқуқи берилди. Ҳукумат эса ҳар бир давлат органидан биттадан депутат йўллар эди. Казаклардан депутатлар сонини “давр” яъни ҳақиқатда амалда оқсоқоллар белгилар эди. Бегоналарни ҳар бир қабиладан ва вилоятдан депутат сайлар эдилар. Деҳқонлардан қора сўқачилар ва ясоз тўлайдиганлар, яъни фақат давлат деҳқонлари депутат сайлар эдилар. Помешчик, косессион деҳқонлари сайловда иштирок этмас эди.

Бироқ давлат деҳқонлари учун ҳам кўплаб чеклашлар белгиланган эди.

XIX асрнинг биринчи чорагида Россияда синфий курашнинг тобора тез-тез намоён бўлиб туриши синфий зиддиятларнинг кучайганлигини кўрсатар эди.

1797 йилда деҳқонлар алаёнлари 32 губернада қайд этилган. 1803-1804 йилларда Петербург яқинида жойлашган губернада Лотвия ва Эстанияда ҳарбий қисмларнинг деҳқонлар билан муддатли

тўқнашувлари бўлиб ўтди. Социал иқтисоий заруриятларнинг кучайиши Россиянинг маънавий ҳаётида ўз ифодасини топди.

5-мавзу: Лотин Америкаси мамлакатлари XVII-XIX асрларда (4 соат)

Асосий саволлар:

1. Испания ва Португалиянинг Лотин Америкасидаги мустамлакачилик зулми.
2. Лотин Америкасида миллий озодлик ҳаракати.
3. Бразилиянинг Португалия истибдодидан озод қилиниши.
4. XIX асрнинг 50-60 йилларида Лотин Америкаси. Мексика ва Бразилия.

Мавзуга оид тушунча ва иборалар:

Испания мустамлакачилик империяси. Бразилия мустамлакачилиги. Католик черкови. Англия-Испания рақобати. Каудильизм, фуқаролар урушлари. АҚШнинг Мексикага тажовузи.

Индентив ўқув мақсади:

Лотин Америкаси мамлакатларида миллий озодлик ҳаракати ва Лотин Америкаси давлатларининг ташкил топиши тушунилади.

Лотин Америкаси экономикасига чет эл капиталлари кириб кела бошлаганлиги тушунилади.

Биринчи савол баёни:

Испания ва Португалиянинг Лотин Америкасидаги мустамлакачилик зулми. Испаниянинг Америкадаги мустамлака ерлари жуда катта территорияни ишғол қилиб, Ғарбий Луизианани, Флорида ва Мексикани, Вест-Индия ороллариининг бир қисмини, Марказий Американинг деярли ҳаммасини ва Жанубий Американинг ярмини ўз ичига олган эди. Бразилия Португалиянинг мустамлакаси эди. Бу мустамлакаларнинг аҳолиси испанлар ва португаллар билан бир қаторда хиндилар (туб аҳоли). Африкадан олиб борилган негрлар, метис ва мулаатлардан иборат эди. Маъмурий жиҳатдан Испания Америкаси тўртта вице-королликка: Янги Испания (Мексика ва Марказий Америка), Янги Грачада, Перу ва Ла-Плата (Жанубий Америка)га бўлинган эди. Португалиянинг мустамлакалари Бразилия вице-короллигини ташкил этган эди.

Испания ва Португалия мустамлакачилари ўзлари истило қилган мамлакатларда феодализмни, плантация хўжалиги олиб борилган районларда эса қулдорлик системасини жорий қилдилар: бу қулдорлик системаси Англиянинг Шимолий Америкадаги мустамлакалари

территориясидаги товар ишлаб чиқариш формасининг худди ўзгинаси эди. Бразилиянинг олтин сочмаларида ва олмос конларида куллар меҳнатидан фойдаланиларди.

XVIII асрда Испания ва Португалиянинг Америкадаги мустамлакачилик сиёсати толончиликка, босқинчиликка, кул савдосига, бутун бошлиқ қабилаларни кириб ташлашга, халқ оммасини крепостникларгача ва кулдорларча эксплуатация қилишга асосланган дастлабки жамғариш сиёсати бўлиб қолаверди. Дангал зўравонлик ва зулм қилиш йўли билан мустамлакалардан беҳисоб бойликлар тортиб олинарди. Аммо бу бойликлар кейин Испания ва Португалия мустамлакачиларининг қўлларидан чиқиб, иқтисодий жиҳатдан анча тараққий этган бошқа мамлакатларга қараб кетарди.

Иккинчи савол баёни:

Лотин Америкасида миллий озодлик ҳаракати. Испан маъмурлари мустамлакаларда саноатнинг ва қишлоқ хўжалиги кўп тармоқларининг ривожланишига тўсқинлик қилиб келдилар. Чет давлатлар билан савдо алоқалари тақиқлаб қўйилган бўлиб, метрополия билан савдо-сотик ишларини энг бой испан савдогарлари монополия қилиб олган эдилар. Буларнинг ҳаммаси маҳаллий аҳоли ўртасида ҳамда мустамлакаларда ўрнашиб қолиб, Испания Америкасида деҳқонлар аристократиясини ташкил қилган испан иммигрантларининг авлодлари бўлмиш креоллар ўртасида норозилик тўғдирди. Расман реол-помешчикларнинг ҳуқуқлари метрополияликлар билан бир бўлса-да, аммо ҳақиқатда уларни давлат ишларига камдан-кам қўяр эдилар.

Мустамлакачилик режимидан норозилик креолларда мустақилликка интилиш уйғотди. XVIII асрнинг охирида, Шимолий Америкада мустамлакаларнинг мустақиллик учун олиб борган уруши ва 1789-1794 йиллардаги француз буржуа революцияси таъсири остида, Испания Америкасида мустамлакачилик зулмига қарши ҳаракат кучайди. Бу ҳаракат қатнашчилари Испания Америкасини бошқариш ишларини ўз қўлларига олмоқчи бўлдилар. Улар бошқа мамлакатлар билан савдо-сотикқа эркинлик берилишини ҳамда мустамлакаларда саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи чекинишларнинг бекор қилинишини талаб қилдилар. Шу мустақиллик учун курашувчиларнинг баъзилари республикачилик қарашидаги кишилар эди, лекин энг илғор арбоблар ҳам кўпинча ҳиндилар ва негрлар оммасига таянмай, балки Испания Америкаси билан эркин савдо олиб боришдан манфаатдор бўлган асосан Англия ёки Франциядан ёрдам олишни умид қилдилар. Креол помещчиклар халқ оммасининг испанларга қарши чиқишларидан кўрқар эдилар, чунки халқ оммасининг бу ҳаракати помещчикларнинг зулмига ҳам қарши қаратилган эди.

XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошида Испания мустамлакаларида миллий озодлик ҳаракатининг энг кўзга кўринган вакили венесуэлалик Франсиско де Миранда эди. Миранда Испания Америкасининг мустақиллиги учун курашга мадад олиш мақсадида кўп йиллар давомида Европада кезиб юрди. У Франциядаги жирондистларнинг ёрдамига айланиб катта умид боғлади. XIX асрнинг бошларида эса Англия ҳукумати билан яқиндан алоқа ўрнатди. Миранда Венесуэлада кўзғолон кўтаришга уриниб кўрди. Лекин Миранда ва унинг тарафдорлари халқдан узоқ эдилар ва халқни испан мустамлакачиларига қарши курашга кўтармадилар.

XVIII асрнинг охирига келиб Вест-Индия ороллари Европа давлатларининг мустамлакалари бўлиб қолган эди. Куба ва пуэрто-Рико Испанияга, Ямайка ороли Англияга, Сан-Доминго оролининг ғарбий қисми (Гаити) Францияга қарар эди.

Бу мустамлакаларнинг ҳаммасида негр-қуллари эксплуатация қилишга асосланган плентация хўжалиги кенг авж олган эди. Бу ерда оқ танли плантаторлар ҳукмрон синф эди. Аҳолининг кўпчилиги негр-қуллардан иборат эди. Масалан, Гаитида 520 минг киши яшаган бўлса, шулардан 452 минг қуллар эди.

1790 йилда Гаитида мулатлар кўзғолони кўтарилди; улар оқ танлилар билан тенг ҳуқуқли бўлишни талаб этиб чиқдилар. Шундан кейин кўп ўтмай негр-қулларнинг плантаторларга қарши кучи кўзғолони бошланди. Қўрқиб кетган плантаторлар инглиз ва испанлардан ёрдам сўрадилар: шундан кейин инглиз ва испанлар оролга ўз қўшинларини туширдилар. Якобинчилар Конвентининг Гаитига келган комиссарлари қуллик битирилганлигини эълон қилдилар ва орол аҳолисини босқинчиларга қарши курашга чақирдилар. Собиқ қул Туссен-Лувертюр негрларга бош бўлди; унга Франция республикаси генерали унвони берилган эди. Туссен-Лувертюр қулдорларнинг собиқ помещъелари озод бўлган қулларга берилишини эълон қилди. 1798 йилда унинг қўшинлари интервентлар устидан ғалаба қозонди. Ўз мамлакатининг биринчи республика конституциясини ишлаб чиққан Туссен-Лувертюр Гаитининг умрбод ҳокими қилиб сайланди.

Бироқ Наполеон Бонапарт ҳокимият тепасига келиши билан Гантига француз қўшинлари юборилди. Туссен-Лувертюр хоинона асир олиниб, Францияга жўнатилди ва кўп ўтмай уша ерда қалъада ўлди. Француз мустамлакачиларининг бу қилмишлари миллий-озодлик курашининг янгидан кучайишига сабаб бўлди. Натижада негрлар Наполеон қўшинларини хайдаб юбордилар ва 1804 йилда Гаити мустақил деб эълон қилинди. Гаитининг мустақиллиги учун олиб борилган кураш Лотин Америкаси ғалаба қилган биринчи миллий-озодлик революцияси эди, кўзғолон кўтарган қулларни озодликка олиб чиққан биринчи революция эди.

Испания мустамлакаларининг мустақиллик учун уруш бошлаши арафасида феодал-абсолютистик Испания қаттиқ тушкунликни бошдан кечирар эди. Трафальгар жанги Испаниянинг Латин Америкасидаги ҳукмронлигига қаттиқ зарба етказди: шу жангда Испания ҳарбий флоти буткул йўқ бўлди. 1808 йилда Наполеон қўшинларининг Испанияга бостириб кирганлиги Испания Америкасининг мустақиллик учун ҳаракат бошлашига янги бир турки бўлди. Миллий-озодлик ҳаракатининг арбоблари мустамлакачилик режимини тугатишга очикдан-очик ҳаракат қилдилар. Испания Америкасининг турли шаҳарларида кўзғолон кўтарилди.

1813 йил бошларида Боливар кичик бир отрядга бош бўлиб Венесуэлани озод қилишга киришди. У халққа қарата чиқарган хитобномаларида Каракас шаҳрини озод қилишга ва “Жанубий Америкада Испания ҳукмронлигига абадий барҳам еришга” чақирди. Симон Боливар 1813 йил 6 августда Каракасни озод қилди қилди вареспубликани тиклади.

1814 йилнинг ўрталарида Венесуэла пойтахтини яна душманлар ишғол қилди ва республика қўшинларини испанлар тор-мор келтирди.

1810 йилда Ла-Плата вице-короллигида (у ҳозирги Аргентина, Парагвай, Уругвай ва Боливияни ўз ичига олган эди) озодлик кураши бошланди. Буэнос-Айрес креоллари хунта туздилар ва Испания маъмурларига итоат этмай қўйдилар. Бироқ бу янги ҳукумат Буэнос-Айреснинг савдо манфаатларини ҳимоя қилиб, бошқа провинцияларнинг ҳуқуқларини камситди. Парагвай билан Уругвай Буэнос-Айрес ҳукуматини тан олмай, ўзларини мустақил деб эълон қилдилар. 1813 йилда Парагвайда прогрессив сепаратчиларнинг йўлбошчиси Франсиа хокимият тепасига келди.

Испан генераллари минглаб ватанпарварларни қатл қилдилар, аммо испанларнинг вахшийликлари мустамлакачилик зулмига нисбатан ғазаб ва нафратни кучайтирарди, холос.

1816 йилда Ла-Плата Қўшма провинциялари (Аргентина) мустақил деб эълон қилинди. Ўша йилидаёқ Боливар Венесуэлада испанларга қарши урушни яна бошлаб юборди. Боливар уларга қарши курашда Англиядан ҳарбий ва иқтисодий ёрдам олди. 1819 йилда Боливар қўшинлари Янги Гранадага (ҳозирги Колумбия) кирди ва Богота шаҳрини озод қилди.

1820-1821 йилларда Боливар Венесуэлани батамом озод қилди. 1822 йилда унинг қўшинлари Кито провинциясига (ҳозирги Эквадор) юриш қилиб, испанларни яна мағлубиятга учратди. Боливар озод қилинган областлардан Буюк Колумбия деб аталган давлат ташкил қилди.

Учинчи савол баёни: Бразилиянинг Португалия истибдодидан озод қилиниши.

Наполеон қўшинлари Португалияга бостириб киргандан сўнг регент шахзода дон Жоан Лиссабондан қочиб кетди ва инглиз флотининг ҳимоясида Ро-де-Женейрога борди. Король хонадони ва армиянинг Бразилияда туриши ҳамда бу билан боғлиқ бўлган хужжатлар ва солиқлар норозиликни янада кучайтириб юборди. Кейинчалик король Жоан VI унвонини олган дон Жоан 1815 йилда Бразилияни Португалия, Бразилия ва Алгарви Бирлашган короллигининг таркибий қисми деб эълон қилишга мажбур бўлди. Шу вақтдан бошлаб Бразилия расман мустамлакадан чиққан бўлса-да, аммо бутун ҳокимият португаллар қўлида қола берди. Бразилияда мустамлакачилар режимдан норозилик тобора кучайиб, мустамлакачиларга қарши очикдан-очик бош кўтариб чиқиладиган ҳолатлар бошланди.

1817 йил мартда Пернамбукода бошланган республикачилар кўзғолони бунинг энг ёрқин мисоли бўлди. Кўзғолончилар муваққат ҳукумат туздилар ва мустақил республика эълон қилдилар. Кўзғолон раҳбарлари Пернамбуко аҳолисига қарата хитобнома чиқардилар, унда “кичкина ўчоқдан катта ёнғин чиқиши мумкин” дейилган эди. Кўзғолончиларнинг бошлиқлари Бразилиянинг бошқа шимолий районлари билан алоқа боғладилар ва республикачиларнинг кўзғолонларини кўтардилар. Аммо бу ҳаракатларнинг ҳаммаси шафқатсизлик билан бостирилди.

Португалияда 1820 йилги буржуа революциясидан кейин Жоан VI ўз ўғли Педрони Бразилия регенти қилиб қолдириб, ўзи метрополияга қайтди. Шу пайтдан эътиборан, дон Педро ҳамда Бразилияда қолиб, метрополияга итоат этишни истамаган жуда кўп португалиялик аристократлар Бразилияни Португалиядан ажратиб олиш ҳаракатига қўшилдилар. Дон Педро республикачиларнинг кўзғолонларидан ваҳимага тушиб ва маҳаллий помещикларнинг тазйиқи остида, 1822 йилда Бразилияни мустақил деб эълон қилди, ўзи эса император Педро I бўлиб олди.

1823 йилда Португалия қўшинлари Бразилиядан хайдалди. Империя йирик помещик-плантаторларга таянар эди. Уларнинг манфаатларини кўзлаб, мамлакатда негрларнинг қуллиги сақлаб қолинди. Бразилия қолоқ мамлакатлигича қола берди ва Англияга тобора кўпроқ қарам бўлиб борди. Мамлакатда республика учун ва элементар демократик эркинликлар учун монархияга қарши кураш тўхтамади. Турли провинцияларда, хусусан мамлакатнинг шимолида монархияга қарши кўзғолонлар кўтарилиб турди.

Латин Америкасида мустамлакаларнинг Испания ва Португалия мустамлакачилиқ зулмига қарши олиб борган адолатли, миллий-озодлик уруши бир қанча янги давлатларнинг ташкил топишига олиб

келди. Бразилияни мустасно қилганда, бу давлатларда республика тузуми ўрнатилди ва конституциялар қабул қилинди. Уруш натижасида Латин Америкасидаги мамлакатларнинг капиталистик тараққиёти енгиллашган бўлсада, аммо Латин Америкаси давлатларида помишчек ер эгаллиги, кулчилик ва эксплуатациянинг формалари сақланиб қолганлиги учун капиталистик тараққиёт суръати нихоятда суст бўлиб қола берди.

Испания ва Португалия истибдодидан озод бўлган Латин Америкаси мамлакатлари ҳақиқатда тўла мустақилликка эга бўлмади, чунки улар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Англияга қарам бўлиб қолди. Куба ва Пуэрто-Рико Испания қўл остида қолди.

Тўртинчи савол баёни: XIX асрнинг 50-60 йилларида Латин Америкаси. Мексика ва Бразилия. Латин Америкасидаги мамлакатларнинг метрополиядан ажралиб чиқишининг прогрессив натижаси шу бўлдики, бу мамлакатлар аввалги бақиклик ҳолидан чиқиб, жаҳон миқёсида хўжалик, сиёсий ва маданий алоқалар системасига қўшилди, анча эркинроқ капиталистик тараққиёт йўлига кирди. Бироқ ярим феодал ва ярим куллик усуллари билан эксплуатация қилишга асосланган помещчик ер эгаллиги хали ҳам сақланиб келмоқда эди. Чет давлатлар, айниқса Англия ва АҚШ Латин Америкасидаги мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан қоқ ва бир-бирларига душман бўлиб қолишидан манфаатдор эди.

Мустақиллик учун олиб борилган урушдан кейин Латин Америкасидаги мамлакатлар экономикасига яет эл (асосан инглиз) капиталлари кира бошлади. Чет эл капиталистлари бу мамлакатларнинг ҳукуматларига асоратли шартлар билан қарз берар эдилар. Латин Америкаси АҚШни жуда қизиқтирар эди, АҚШ XIX аср ўрталаридаёқ ўзининг жанубдаги қўшниларига нисбатан агрессив сиёсат олиб борди.

Метрополиядан ажралиб чиққандан кейин Мексикана узлуксиз фитна ва исёнлар бўлиб турди. 1824 йилдан 1857 йилгача мамлакатда 40 президент алмаштирилганини айтиш кифоядир. Мексикада 1833 йилдан 1855 йилгача Санта-Ана диктатурасининг клерикал-помешчиклар реакцияси ҳукм сурди.

1845 йилда Америка конгресси Техасни АҚШ саставига қўшиб олди. Шимолий Америка қўшинларининг Техасни оккупация қилиши Мексика билан АҚШ ўртасида уруш (1846-1848) чиқишига сабаб бўлди, бу урушда мексикаликлар жасорат ва матонат кўрсатганликларига қарамай, енгилди. Мексика армиясининг Шимолий Америка босқинчилари томонидан тор-мор қилиниши, шунингдек, Мексика территориясининг ярмисини АҚШга ўтказган 1848 йилги сулҳ шартномаси Мексика халқини қаттиқ ғазаблантирди. Бутун мамлакат Санта-Ана диктатурасидан ва клерикал-помешчик юқори табақасининг сиёсатидан норози эди. Бу воқеалар 1855 йилги буржуа революциясига

олиб келди. Либераллар раҳбарлик қилган революцион ҳаракат бутун мамлакатга ёйилди. Қўзғолончилар пойтахтни ишғол қилиб, Санта-Ана ҳукматини хайдаб юборди.

Либераллар ҳокимият тепасига келгач, Лердо қонуни деб аталган қонун чиқарди, бу қонун черковнинг мол-мулкка эгалик қилишни таъқиқлади ва уни ўз ерларини хусусий қилишларига сотишга мажбур қилди.

1857 йилда Мексиканинг янги конституцияси қабул қилинди. Бу конституция умумий сайо ҳуқуқини, сўз, шахс, мажлислар эркинлигини эълон қилди, кулчиликни таъқиқлади.

1859 йилда реформа ўтказиш тўғрисида қонунлар қабул қилинди, бу қонунлар черков ерларини давлат мулкига айлантиришни, монах орденларини тарқатиб юборишни кўзда тутган эди. Бу қонун амалга оширилиши натижасида ер йирик ер эгалари – руҳоний ва дунёвий ер эгалари ўртасида кейингилар фойдасига қайтадан тақсимланди. Меҳнаткаш аҳолига ер берилмади. Руҳонийлар янги конституцияга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Улар конституцияга қасамёд қилган ёки черков мулкидан олган ҳамма кишиларнидандан қайтган деб эълон қилди. Пасха вақтида ҳатто республика президенти ва ҳукумат аъзолари ҳам соборга киритилмади. Рим папаси Мексика халқига макбут билан мурожаат қилиб, унда янги конституцияга лаънат ўқиди ва динорларнинг конституциясида қасамёд қилишни таъқиқлади.

Мексикада уч йиллик қонли гражданлар уруши бошланди, бу уруш айнаи вақтда Европа давлатлари билан Қўшма Штатлар ўртасидаги курашни акс эттирди. Консерваторлар Европа давлатлари билан яқиндан боғланган эди, либераллар АҚШдан бирмунча ёрдам олар эди. Гражданлар уруши вақтида либераллардан адвокат Бенито Хуарес жуда катта шухрат қозонди. У ҳинд деҳқон оиласидан чиққан эди. Гражданлар уруши бошланиши олдида Бенито Хуарес президент бўлиб сайланган эди. У бутун қийинчиликларга қарамай, ғалаба қозонишга муваффақ бўлди. Бироқ гражданлар уруши мамлакатни ҳолдан кетказган эди. Молия аҳволи ғоят мушкул эди. Ана шундай шароитда 1861 йили Хуарес чет эллардан олинганни тўлаш муддати икки йил кечиктирилади, деб эълон қилди.

Бразилия Португалиядан озод бўлиб олгандан кейин империя деб атала бошлади. Бразилия империяси даврини (1822-1889) ўқларга кўтарувчи буржуа тарихчилари бу даврни либерализм ва муътадиллик даври деб атайдилар. Ҳақиқатда эса Педро 1 даври (1822-1831) да ҳам, Педро 2 идора қилган вақт (1831-1889) да ҳам мамлакатда монархияга қарши ҳаракатлар, шунингдек, негр-кулларнинг қўзғолонлари тўхтамади. Адиб ва шоир Фрей Канека энг йирик республикачи арбоб бўлиб, республикачилар қўзғолонининг иккаласига ҳам қатнашган эди.

Йирик кулдор-помешчиклар империянинг таянчи эди, улар Бразилияда капитализмнинг ривожланишига ҳар қандай йўллар билан тўсқинлик қилар эди.

XIX асрнинг 30 ва 40-йилларида Бразилиядаги демократик кучлар республика учун, мамлакатнинг янада тарққий этишига тўсқинлик қилаётган кулчиликка қарши қаттиқ кураш олиб борди. Бу кураш республикачилар кўзғолонларига айланиб, уларда кенг халқ оммаси қатнашди. “Феррапос” деб аталган республикачилар кўзғолони (феррапос – жулдур кийимли киши демакдир, ҳукумат қўшинлари кўзғолон қатнашчиларини шундай деб атар эди). Бразилиянинг жанубида ўн йил давом этди (1835-1845). Бу кўзғолонда ёш Гарибальди қатнашди. Бу ҳаракат билан бир вақтда учта йирик халқ ҳаракати: мамлакатнинг шимолида, Баияда, 1835 йили негр-кулларнинг кўзғолони, яна ўша Баияда 1837 йили кўзғолон бошлиғи врач Сабино номи билан аталган “сабинада” кўзғолони, Мираньяда 1838 кўзғолон бошлиғи Балайо номи билан аталган “балаяда” кўзғолони кўтарилди. “Фаррапос” кўзғолони бостирилар-бостирилмас, мамлакатнинг шимолида, Пернамбукода 1848-1849 йилларда республикачиларнинг машҳур “праеира” кўзғолони (праеиро партияси номидан олинган, бу партиянинг мажлислари Прайа кўчасида ўтказилар эди) кўтарилди. Республикачиларнинг кўзғолонлари, шубҳасиз, Бразилия империясини тагидан зил кеткади, кулчиликнинг бекор этилиши ва республика эълон қилинишига йўл очиб берди.

Бразилия, Аргентина ва Уругвайнинг кичкинагина Парагвайга қарши олиб борган қонли урушида мамлакатнинг реакцион ҳокимлари территориялар босиб олишга ва Парагвайнинг ўша вақтдаги прогрессив режимини йўқ қилишга интилди. Парагвайнинг душманлари Парагвайга чет эл капиталининг кириши учун кенг йўл очишга ҳаракат қилган Англия ва Франциянинг ёрдамидан фойдаландилар. Парагвай халқи ўз ерини қаҳрамонларча ҳимоя қилди, бироқ у анча кучли ва кўп сонли душманларнинг сиқувига бардош беролмади. Уруш натижасида Парагвай аҳолиси жуда камайиб кетди. 1865 йилда мамлакат аҳолисининг сони 1 миллионча киши эди, 1872 йилда эса атиги 250 минг киши қолди. Мамлакат хароб қилинган эди. Парагвайнинг ниҳоятда кучсизлигидан фойдаланиб, Европа давлатлари ва АҚШ зўр бериб бу мамлакатга кира бошладилар.

1-амалий машғулот: Вена конгресси ва халқаро муносабатлар.

Ажратилган соат: 4 соат.

Асосий саволлар:

1. Вена конгрессидан кейинги халқаро аҳвол.
2. Муқаддас иттифоқ фаолияти.
3. Пруссия ва Сардиниянинг кучайиш сабаблари.

Дарснинг мақсади: Вена конгрессидан кейинги халқаро ўзгаришлар, муқаддас иттифок фаолияти, Немис ва Италия давлатларидаги марказлашиш жараёнларини муҳокама қилиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Халқаро муносабатларининг Вена тизимига баҳо беради.
- 1.2. Муқаддас иттифокнинг аксил инқилобий сиёсати ва инқироzi сабаларини шарҳлайди.
- 1.3. Вена қарорларининг Пруссия ва Сардиния кучайишидаги аҳамиятларини эътироф этади.

Керакли адабиётлар:

1. Юровоской Е.Е.Кривогуза И М. Новая история стран Европў и Америки. М: Вўсшая школа. 1998.
2. История дипломатии. Т-1. М. 1959.
3. Новая история 1640-1870. М. Просвещения. 1980.

1-мавзуга оид мустақил иш топшириқлари.

1. Польшадаги сиёсий зиддиятлар. 1-адабиёт. 124-132 бетлар.
2. Қрим уруши. 3-адабиёт. 28-57 бетлар.
3. Англия – Россия зиддиятларининг асосий негизи. 2 – адабиёт. 57-76 бетлар.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. История дипломатии. Т-1. М. 1959.
2. Каштанов С.М. Русская дипломатика. М. Вўсшая школа. 1988.
3. Тарле. Е.В. Крўмская война. М. 1967.

2-амалий машғулот: Европада 1848-1849 йиллар инқилоблари.

Ажратилган вақт: 6 соат

Асосий саволлар:

1. Июль монархиясининг ағдарилиш ва янгича бошқарувнинг бошланиши.
2. Германия ва Италиядаги миллий озодлик ҳаракатлари.
3. Австриядаги миллий, ҳудудий низолар ва уларнинг оқибатлари.

Дарснинг мақсади: Франция, Австрия, Германия ва Италиядаги инқилоблар сабаблари ва оқибатларини муҳокама қилиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Июль монархияси инқироzi ва янгича бошқарувнинг шаклланишини изоҳлайди.
- 1.2. Германия ва Италиядаги миллий озодлик ҳаракатларига баҳо беради.
- 1.3. Австрия императорининг миллий ҳудудий низоларни бартараф этиш йўлидаги сиёсатини шарҳлайди.

Керакли адабиётлар:

1. Потемкина А.И. Революция 1848-1849гг. М. 1952.
2. Осводительнўе движения народов австрийской империи. Возникновение и развитие. Конец XVIII века . М. 1989

2-мавзуга оид мустақил иш топшириқлари.

1. Францияда Луи Наполеон ҳокимиятининг ўрнатилиши. 1-адабиёт. 78-85 бетлар.
2. Франкфурт парламенти фаолияти. 2 – адабиёт. 186-194 бетлар.
3. Инқилоблар жарёнида ижтимоий фикр ва ҳаракатлар ривож. 1-адабиёт. 210-218 бетлар.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

- 1.Потемкина А.И. Революция 1848-1849гг. М. 1952.
2. Новая история. I- часть М: Просвещения. 1978.

3-амалий машғулот : АҚШ XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг I – ярмида .

Ажратилган соат: 4 соат

Асосий саволлар:

1. АҚШда саноат инқилоби ва қулдорлик тизимининг ўзига хос жиҳатлари.
2. Икки партияли тизимнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни.
3. АҚШ ва Испания муносабатлари.

Дарсининг мақсади: АҚШда саноат инқилобининг сабаблари, қулдорчилик тизимининг тараққиёти, АҚШ ташқи сиёсатини муҳокама қилиш.

Идентив ўқув мақсади:

- 1.1. Жануб, Шарқ, Шимол, Ғарбда ишлаб чиқариш соҳаларидаги асосий тафовутларни шарҳлайди.
- 1.2. Партиялар ўртасидаги рақобатнинг ички сиёсатга таъсирига баҳо беради.
- 1.3. АҚШ ва Испания муносабатларига баҳо беради.

Керакли адабиётлар:

1. Новая история стран Европы и Америки, I часть. М. 1986
2. Маникин А.С. История двухпартийной системы США. М. 1981.

3-мавзуга оид мустақил иш топшириқлари.

1. Монро докторинаси.
2. Фермерлар ҳаракати.
3. Аболционизм ҳаракати ривож.

Тавсия этиладиган адабиётлар.

1. Бапховтинов Н.Н. Доктрина монро. М. 1959.
2. Янги тарих. I – том. Т.Ўқитувчи 1967.
3. Захарова М.Н. Народное движение в США против рабства. М. 1965.

3-модул бўйича якуний ҳулосалар.

1. Францияда I- империянинг мағлубияти ва Вена конгресси қарорига кўра Наполеон босиб олинган ҳудудларнинг қайта тақсимланиши Европада ғолиб давлатлари ўртасидаги зиддиятларни янада

кескинлаштирди. Позициялар тўқнашадиган нуқталар сони янада кўпайди. Франция инқилоби ва Наполеон бошқаруви каби ходисаларнинг олдини олиш учун муқаддас иттифоқ тузилиб инқилобларни бостириш йўлидан борди. Йирик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар натижасида Муқаддас иттифоқ тарқалиб кетди. Лекин мустамлакачилик урушларининг янги босқичи бошланди.

2. XIX аср ўрталарида Ғарбий Европадаги ҳукмрон доираларининг ноўрин ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий инқирозлар ва ижтимоий зиддиятлар инқилобларнинг янги тўлқинини бошлаб берди. Германия ва Италиядаги инқилоблар бир пайитнинг ўзида мустақил давлат тузиш йўлидаги ҳаракатларнинг янги босқичини бошлаб берди. Инқилоблар натижасида ижтимоий фикр ва ҳаракатлар ривожланди. Парламентлар ташкил топди. Сайлов ҳуқуқи мезони янгиланди. Инқилоблар бостирилсада саноат инқилобининг янги босқичига замин яратди.

3. XVIII аср охири ва XIX асрнинг I - ярмида Америка қитъасидаги ягона индустриал давлат АҚШда ҳам ички ва ташқи омиллар таъсирида ҳар томонлама тараққиёт юз берди. Ташқи сиёсат Панамериканизм руҳидаги «Монро докторинаси» га асосланиб, қўшимча ҳудудлар босиб олинди. Испания мулкларига экспансия кучайтирилди. Жанубдаги кулдорчилик тузумига қарши аболиционистлар ҳаракати вужудга келди. Айнан шу ҳаракат ва 1845 йилда ташкил топган Республикачилар партияси АҚШда кулдорлик тузумига қарши курашнинг раҳбарларига айланиб, XIX асрнинг 60-йиллари охирида кулдорлик тузумига барҳам бериб жанубда ҳам саноат инқилобини якунлашига сабаб бўлди.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

1. Вена конгрессининг Германия тақдирига таъсири қандай бўлди?
2. Пруссиянинг кучайиши сабаблари нимада?
3. Вена қарорлари Осиё ва Африкада қандай ўзгаришлар ясади?
4. Муқаддас иттифоқининг тарқалиб кетиши сабаблари нимада?
5. Чартистлар ҳаракати қандай ҳаракат?
6. Бланкчилар кимлар?
7. Немис давлатларидаги инқилобнинг ўзига хослиги қандай жараёнларда намоён бўлади?
8. Наполеон III қандай қилиб ҳокимятга келди?
9. АҚШда жануб ва шимол ўртасидаги тафовутлар қайси соҳаларда намоён бўлди?
10. Республикачилар партиясининг асосий ғояси нима?

3-модул бўйича тавсия қилинган адабиётлар:

- 1.Бапховтинов н.Н. Докторина Монро. М. 1959.
- 2.Янги тарих. I – том. Т.Ўқитувчи 1967.
- 3.Захарова М.Н. Народное движение в США против рабства. М. 1965.
- 4.Потемкина А.И. Революция 1848-1849гг. М. 1952.
- 5.Освободительные движения народов Австрийской империи. Возникновение и развитие. Конец XVIII века . М. 1989
- 6.Юрковской Е.Е. Кривогуза И М.Новая история стран Европы и Америки. М: Высшая школа. 1998.
- 7.История дипломатии. Т-1. М. 1959.